

Дунё адабиёти хазинасидан

Аҳмад Лутфий

ҚАЙНОНА


роман

Иккинчи нашр

Таржимон:
Йўллош Эшбек

MAJBURIY
NUSXA

Тошкент — 2011



УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Тук)6

Қ-54

Турк адаб.

Қозонжи Лутфий, Аҳмад

Қайнона: роман / таржимон Йўлдош Эшбек –

Тошкент: Yurist-media markazi, 2013. 160 б. - (Дунё адабиёти хазинасидан)

ISBN 978-9943-4127-4-3

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Тук)6

Сўзбоши муаллифи:

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Тоҳир МАЛИК

Муҳаррир:

филология фанлари доктори

Баҳодир КАРИМ


Масъул муҳаррир:

филология фанлари номзоди

Абдумурод ТИЛАВОВ

ISBN 978-9943-4127-4-3

© «Yurist-media markazi» нашриёти, 2013 йил



*N1 31819
2 g1*

ЎҚИБ, УҚИБ, ИБРАТ ОЛАЙЛИК

Гўзаллик деганда биз нимани тушунамиз? Юз чиройиними ё либос чиройиними? Гўзал оила деганда нимани тушунамиз? Бу саволларга жавоб топиш учун кўп донишмандлар фикр юритганлар, дурдона асарлар ёзиб қолдирганлар.

Муҳтарам хўжамиз Аҳмад Лутфи Қозонжининг қўлингиздаги «Қайнона» асарларини ўқигач, ана шу гўзалликка эриша олган бир мўътабар оила билан танишдим. Бағоят ҳузурландим. Мен яқин йилларда бу каби ҳам мароқли, ҳам фойдали асарни ўқимаган эдим. Асар Мунаввархоним тимсолидаги ибратли қайнона ҳақида бўлса-да, унда исломга хос хулқларнинг юксак намуналарини кўрамиз.

Етим ҳаққини адо этиш, садақа-эҳсонни пинҳона қилишнинг фазилати, дастурхонда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, қизларнинг беҳаё кийими, қайнона-ўғил-келин мажбуриятлари... Хуллас, гўзал мусулмон оиласи учун хос бўлган фазилатларни кўрдим ва бу китоб шунчаки «роман» эмас, балки гўзал ахлоқ шарафланган роман, ҳар бир оилада қўлма-қўл ўқилиши шарт бўлган китоб, деган қарорга келдим.

Асарда қаламга олинган қайнона-келин муаммолари бизнинг оилаларда ҳам бор. Келишмовчиликлар орқали бузилаётган оилаларнинг сони тобора кўпаймоқдаким, бу бизлар учун ғоят ташвишли ҳол бўлмоғи керак. Бу келишмовчиликларнинг, бу бузилишнинг сабаби — тарбиясизликдир. Биз бўлажак оила бошлиғи — ўғилни, бўлажак келин бўлмиш қизларимизни тўғри тарбиялай олмаймиз. Тўй учун ҳашамларни тўплайверамизу, аммо гўзал хулқларни эгаллашига эътиборсиз қоламиз. Оқибат эса...

Роман гарчи турк оилалари ҳақида бўлса-да, унда биз ўзимизни кўрамиз. Азизлар, китобни шунчаки ўқиб қўйманг, вояга етаётган фарзандларингиз билан бирга

қайта-қайта ўқинг, Мунаввархонимнинг, ўгли Мустафонинг, келини Аминанинг хулқларини англадинг, уларда шундай хулқни тарбия қилинг. Шунда эрта-индин куёвга узатадиган қизингиз тақдирдан кўнглингиз хотиржам бўлади. Бу китобни муҳтарама қайноналар ҳам, суюкли келинларимиз ҳам ўқисинлар. Бирга ўқисалар янада яхши. Айри-айри ўқисалар ҳам биргаликда амал қилишга киришсалар аълороқ бўлади.

Энди муаллиф ҳақида икки оғиз сўз: Аҳмад Лутфи Қозонжи афандимиз ўзбек китобхони учун нотаниш эмас. Муҳтарам зотнинг улуғ асарларидан «Саодат асри қиссалари»ни ўқигансиз, кейин «Ўгай она» романи билан танишдингиз. Камина бу кишининг суҳбатидан баҳраманд бўлиш бахтига етишганлардан.

Сиз ўқийдиган бу китобнинг муаллифи ўз касбига фидойи инсон. Аҳмад Лутфи ҳазратлари юртимизга ўз асарлари билан кириб келдилар ва кўплаб китоб муҳибларининг қалбидан жой олдилар.

Тоҳир МАЛИК

I

Хар бир она фарзандини яхши кўриши табиий. Бироқ Мунаввархонимнинг ўғлига бўлган меҳр-муҳаббати бошқача; ўғлидаги гўзал одоб-ахлоқ йиллар давомида чеккан меҳнати ҳосиласи эди. Ўғли келишган, қорувли бир йигит. Бундан ташқари ўғлининг олижаноблиги она кўнглига ҳузур бахш этар эди. Мустафонинг одоб-ахлоқидан онасининг кўнгли тўқ, бемаъни тенгқурларидан узоқлигини биледи. Бу ишончни тоғасининг ўғли айтган гаплар яна ҳам тасдиқлади.

«Мунаввар, мен Мустафони жуда яхши кўраман. У бизнинг ҳузуримизда қандай бўлса, бошқалар ёнида ҳам шундай. Одоби, тарбияси ҳақида ортиқча ташвишланишнинг ҳожати йўқ. Бироқ менинг сўзларим сени хотиржам қилмас, эҳтимол. Балки унинг хатоларини сезмаётгандирман. Майли, бошқалардан фикр сўрайлик-чи, нима дейишаркин?»

Чўрумнинг тинч ва осуда чойхоналаридан бири. Чойхўрларнинг кўпчилиги қариялар, Юсуф афанди шу чойхонанинг доимий мижозларидан. Аммо баъзан асрдан сўнг ёш икки йигит ҳам кексалар суҳбатига сомеъ бўлади.

Улардан бири Мустафо. Ёш бўлишига қарамай катталарга эл бўлди. Ёшликнинг жўшқин туйғуларини ақлига бўйсиндирди.

Саратоннинг киши нафасини қайтарувчи ҳарорати секин-аста пасайди. Аср намозини катта жомеъда ўқиган намозхонлар бир пиёла чой учун чойхона томон юришди. Юсуф афанди ҳам икки дўсти билан чойхонага кирди. Жойлашиб улгурмасларидан хизматга етиб келган чойхоначи йигит стол устини чаққонлик билан артгач, қаддини ростлади. «Нима истайсиз?» саволига ўрин қолдирмай:

— Чой, болам, — дейишгач, «Хўп бўлади», деб узоқлашди.

Жомеъдан чиққач, Усмон оға бир етим масаласида сўз очди. Раҳматли бўлган маҳалладошининг болаларидан бирини асраб олишга қарор қилган эди. Боқиб катта қилиш, савобини олиш ниятида эди. Бироз нафас ростлагач:

— Нима қилай, оғайни. Яратганнинг неъматига шукр. Бизга берди. Бермади деб нонкўрлик қилмай. Бир болани олиб катта қилсам нима камаяди? Хотиним ҳам Худо йўлида бунга рози бўлди. «Аллоҳ даргоҳига олиб борадиган нима амалимиз бор, шу бола сабаб Аллоҳ бизни афв этар», деди. Хурсанд бўлдим. Қарши чиқармикан деб хавотирланган эдим, — деди.

Юсуф афанди гапга қўшилди:

— Усмон оға, жуда ажойиб иш бўлди. Бир етимнинг кўнглини олиш, уйингда улғайтириш нақадар яхши. Бу яхшилик туфайли сенга савоблар ёғилади Бундай ҳолатни бошдан ўтказмаган одам етарлича ҳис қила олмайди. Аммо етим ҳақиқа етарлича риоя қила олармикансан? Бу ҳақида яхшироқ ўйлаб кўр. Сўнгида нолийдиган аҳволга

тушгандан кўра ҳозир чорасини қилган маъқулроқ. Етим-есирга шайтон ёндош бўлади, дейдилар. Уларнинг кўнглини топиш жуда мушкул. Отаси ўлгудек урганида овозини ҳам чиқармаган бола, у ўлгандан сўнг бошини силаган қўлни ураяпти деб ҳисоблайди. Етимнинг кўнгли ярим бўлади, оға. Шунинг учун бу ишни уддалаш жуда қийин...

Бир-икки ҳўплам чой ичиб, сўзида давом этди:

— Мен сенга мақбулроқ бир йўл кўрсатай. Маъқул топсанг, амал қил. Бу сен учун қулай ва савоблироқ.

Усмон оға сўради:

— Қандай?

Юсуф афанди яна бир ҳўплам чой ичгач:

— Бола онасининг ёнида қолсин. Ҳафтада, ойда бир эҳтиёжлари учун пул бериб тур. Егулик юбор. Бирор дўкондан савдо-сотик қилсинлар, пулини тўла. Бирорта новвойхона билан келиш, нонларини ўша ердан олсинлар. Менга қолса бу йўл яхшироқдир. Боласи биттами?

— Йўқ. Учта. Кенжасини олмоқчиман.

— Жуда яхши. Лекин бутун оила билан хизматида турсангиз ҳам унга она муҳаббати ҳасратини унуттира оласизми? Менимча, йўқ. Энг жоҳил, ҳатто боласини кунда калтаклайдиган она ҳам ўша бола учун дунёнинг энг дилбар, меҳрибон оналаридан кўра севимлироқдир. Оқшомгача бир бурда нон бермай йиғлатса ҳам, унинг бу ҳоли саройларда ноз-неъмат ичида улғаймоқдан яхшироқдир, бола наздида. Қолаверса, сен бу болани олгач бир дардлари минг бўлади. Онадан, туғишганларидан айрилиш дарди бор...

Юсуф афанди сўз оҳангини бироз ўзгартириб сўради:

— Бу боланинг онаси, ака-укалари сизникига келиб-кетиб туришади, шундайми?

— Албатта. Хоҳлаган пайтларида. Хоҳ кеча бўлсин, хоҳ кундуз... истаган пайтларида эшигим улар учун очиқ бўлади. Болалар келсинлар, бирга ўйнасинлар. Онаси келсин, кўрсин, меҳрини қондирсин. Бу уларнинг

ҳақлари. Зеро, уларнинг учрашишларига йўл қўймасам қилган ишим зулмдан бошқа нарса бўлмайди.

Юсуф афанди сўнгги ҳўплам чойини ичгач, дастрўмоли билан оғзини артгандан сўнг сўради:

– Бола олгач яхши кийинтирасанми?

– Албатта. Уни олдинги аҳволида ташлаб қўя олмайман-ку ахир. Ўз фарзандимдек бағримга босмасам, олиб нима қиламан. Сен нима дейсан, оға?

Шу пайтгача сўзга аралашмай ўтирган Маҳмуд оға гап-сўзларни диққат билан эшитмоқда эди. Кўзларини бир нуқтадан олмай жавоб берди:

– Сиз, ишга мени аралаштирманг, бир тўхтамга келинг. Мен охирида ўз фикримни айтаман.

Юсуф афанди давом этди:

– Жуда яхши, бу болани кийинтирасан. Уни келган ҳолига ташлаб қўймаслигингни мен ҳам биламан. Бунга ишончим комил. Балки у сенинг уйингда ҳеч ерда топа олмайдиган даражадаги ҳузур-ҳаловатга эришар. Лекин иш бу билан битмайди. Бунинг нозик бир жиҳати бор: қолган иккита бола сизникига келганларида уни яхши либосларда кўрадилар. Рафиқанг уларга уйларида доим ҳам бўлавермайдиган егуликлар тутади. Бу аслида жуда яхши, лекин ўша болалар укаларидек шароитда бўлмагач, ранжийдилар, буни кўтара олмайдилар.

Уйга бориб эҳтимол оналарига:

«Бизга ҳам ўша нарсалардан олиб бер», деб хархаша қиладилар. Бу ёшларида улар: «Ҳа, майли укамиз яхши яшаётган экан, биз сабр қиламиз», демайди, албатта.

Улардан буни кутиш ҳам тўғри эмас. Бола-да! Демак, қаранг, бир болага яхшилик қиласиз, иккинчи тарафдан икки бола хафа бўлиши мумкин.

Шу пайт Маҳмуд оға чой ташувчини ишора билан тўхтатиб деди:

– Чойларни янгилаб, қайноғидан келтиргин болам.

Юсуф афанди сўзида бир оз давом этди:

– Сиз яна менинг айтганларимни ўйлаб кўринг, довдираманг. Бир бола сизнинг уйингизда гўштли палов

ейди, бошқа иккови қуруқ пиёз билан қорин тўйдиради. Менимча, уччовининг бир ерда ёвфон егани афзал. Агар хайрли бўлсин десангиз, шундай қилинг. Фикрим шу. Нима дейсиз, Маҳмуд оға?

Маҳмуд оға ўйламасдан сўйламайди. Ҳозирга қадар у ҳам муаммо устида жимгина бош қотирди. Икки суҳбатдошни диққат билан тинглаб, тўғри фикрни ажрим этишга ҳаракат қиларди. Бу орада чойчи қайноқ чой келтирди. Оға чойига шакар солиб, аралаштираркан:

— Бу масалада шошмаган маъқул. Чойдан ичинглар, марҳамат. Хўш, модомики, ниятимиз хайрли экан, ишимиз ҳам шунга мувофиқ бўлади, иншааллоҳ. Қаниқани, чойдан ичинглар.

Чой ичиб бўлингач, Маҳмуд оға вазминлик билан сўз бошлади:

— Азизим, тўғри, етим бошини силаш жуда савобли, жуда хайрли иш. Бироқ етим ҳақиға рисоладагидек риоя этиш эса, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Холбуки, савоб олишнинг асосий сабабларидан бири ҳам шу!

Усмон оғага қараб:

— Модомики, эзгу бир ишни ният қилган экансиз, менга қолса Юсуф афанди айтган таклиф энг муносибга ўхшайди. Агар боланинг онаси ҳам, отаси ҳам бўлмаса, уни уйингизга олиб борганингиз маъқул эди. Бироқ ҳозирги вазият тақазоси бир оз бошқача. Демак, болани олмасдан орқаваротдан ёрдам бериш хайрлироқ бўлади. Агар рози бўлсангиз, бу ишга мен ҳам бош қўшайин. Оғажон, ташаббус сиздан, албатта. Аммо баробар ҳаракат қилиб, савобдан мен ҳам ҳисса олайин. Муҳими шуки, бу ёрдам махфий бўлиши ва махфий қолиши керак. Уйга бориб, болани олмасликка қарор қилганингизни айтасиз. «Болани уриб-сўкиб, савоб ўрнига гуноҳ орттирмайлик тағин», дейсиз. Аёлингиз мабодо: «Болани олмадик-ку, еб-ичишини таъминлаб турибмиз», деб қолса борми, бу гапни ўша она эшитса, кўнгил қолишма бўлади. Шундай эмасми, афандим.

Юсуф афандининг бу ҳақ сўзига Усмон оға нима ҳам дея оларди?!

— Тўғри, оға, жуда ҳам тўғри. Аллоҳ савобдан бебахра қилмасин, — деди. Етим масаласи шу билан ёпилди.

Бир неча дақиқа жим қолдилар. Эшик томонга қараб ўтирган Юсуф афанди Мустафо билан ўртоғи кириб келганини кўргач, мавзуни очишга қулай фурсат келди деб, секингина чақирди:

— Маҳмуд оға.

Оға бошини кўтарди:

— Ҳа афанди, — деди. Кўпинча унга фақат афанди деб хитоб этарди.

— Оға, ана у болаларни кўряпсанми? Ҳув анави столда ўтирибдилар. — Оға бошини ўша тарафга бурди, қаради:

— Ҳа, ана у йигитларми? Уларни анчадан буён кўриб тураман.

— Хўш, нима дейсан?

— Нимага, нима дейман?

— Яъни бу йигитларнинг биздек кекса ёшли кишилар орасига кўшилишига, бу чой-қаҳвахонага келиб-кетишларига. Кўряпсизки, орамизда бошқа ёшлар йўқ.

Маҳмуд оға унга таажжуб аралаш қараб турди-да, гап бошлади:

— Ҳазиллашяпсизми? Сизга нима бўлди? Чарчаган кўринасиз. Булар олижаноб, азамат йигитлар, менимча, бу ерга биздан кўра кўпроқ ярашади. Агар чойхона бир боғу бўстон бўлса, унинг энг тоза гуллари шу икки азаматдир. Биз бугун ақл-ҳушимизни йиғиб олганмиз. Аммо агар биз шу йигитлар ёшида бўлсак, вужудимизда куч-қувват тўлқинланиб турса, ўзимизни тута билармидик? Ўйлаб кўрайлик, биз ўспиринлик пайтимизда шуларга ўхшармидик? Йўқ. Ҳозирги серфайз бир ҳолга киргунга қадар нелар қилмадик? Улар эса ҳозирданоқ ҳаётини ўзгача бир мезонлар асосига қурганлар. Ким билсин, бизнинг ёшимизга етганда қандай бўлади улар? Фазилатлари шуки, улар ёмонликка

кучи етмай қолганидан сўнггина ёмонликдан юз ўгирган эмас...

Маҳмуд оға икки йигитга яна бир қур кўз қирини ташлади ва сўзида давом этди:

— Кекса киши нима учун ҳурмат қилинади? Менга тушунтиринг! Вазмин, одоб-ахлоқда ибратли, ҳаётда тажрибали, тарбияли бўлгани учун эмасми? Масалан, олтмишга чиққан киши оппоқ соқоли билан маст-аласт юрса, нима бўлади? Ҳатто бола ҳам уни калака қилади, хорлайди. Одамлар олдида бир пуллик ҳурмати қолмайди. Ёки ёмон сўзлар билан икки гапнинг бирида сўкиниб, оғзига келганини айтадиган одамни ким ҳам ҳурмат қилади?! Инсоннинг иззат-ҳурматга лойиқ-нолоийқлиги хатти-ҳаракатидан қам билинади. Назаримда, бу болалар, гарчанд ёш бўлсалар-да, маънавий-ахлоқий жиҳатидан юксак даражага етишибди. Булар ҳам тенгдошларига ўхшаб кайф-сафога берилиб, турли қиморхона ёки майхоналарда кунини тунга уласа нима ҳам қилардингиз? Ота-оналари ёки қариндош-уруғларини иснодга қолдирса-чи? Динга, имонга, жамиятга душман, доғ бўлса, амалларини англамаса не қилардингиз? Ҳайвонлардай мақсадсиз, тилсиз жониворлардай бепарво юриш булар табиатига нолоийқдир. Менимча, булар баъзи безори ёшларга аралашмасдан тўғри йўл тутмоқдалар. Орамизда булардай азаматларнинг кўпайгани яхши-да!

Усмон оға унинг гапларини тасдиқлади:

— Жуда ўринли зарур гапни айтдингиз. Шуларга ўхшаш одобли ўғлим бўлса эди, яна Аллоҳдан нима истардим? Қонлари қайнаган, куч-қувватлари тўлиб-тошган бир пайтда кучоқ очиб турган мункирга берилмасдан ибодатида давом этса, отаси, бобоси тенгдошларининг жиддиятига эришса, кошки замонавий ёшларимиз шулардай, ҳеч бўлмаса, шуларнинг ярмича бўлса?

Усмон оға сўзини тугатаркан ачиниби, афсуслангандай бошини чайқаб қўйди-да, Юсуф афандига қаради:

— Афанди, сиз ҳар ҳолда бир яхшиликни ният қилдингиз.

Сунг чой ташувчига сал овозини кўтариб:

— Болам... — деди ва қўли билан «бу ёққа кел» дея имлади.

— Сен бизга учта қаҳва келтир. Ҳов анави икки азаматга иккита чой олиб бор. Биздан эканини айтма.

* * *

Юсуф афандининг уйи. Кечки таом пайти... Уй бекаси назарида Юсуф афанди бироз маъюс кўринди.

— Афанди, бугун бироз ўйчан кўринасиз? Бирон нарсадан хафамисиз?

— Ҳа, хоним, бугун бироз хафа бўлдим.

— Бир гап бўлдимиз? Яхшиликка бўлсин ишқилиб.

— Бўлди. Дўстларимиздан Усмон оға бор-у, ўша киши бир етим асрамоқчи...

— Хафа бўлганингизга қаранг. Буни нимасига қайғурасиз?

— Сен шошилма, хоним. Мен ҳам бир етимга ёрдам берилаётгани учун хафа бўляпман демадим-ку. Оладиган етими уч ака-укадан бири экан. Оталари яқинда вафот этган. Усмон ака бирини олмоқчи, бошқа иккиси шундай қолар экан. Ҳаммаси онасининг бағрида бўлсин, сиз ташқаридан ёрдам беринг, дедим. Қабул қилди. Маҳмуд оға ҳам унга ёрдам бермоқчи. Фақат бу яхшиликка мен ҳам қўшилаин, бу савобга мен ҳам шерик бўлайин, деёлмадим. Ўйладим; ўзимиз тирноғимизнинг кирини сўриб юрган бўлсак, уларга қандай ёрдам берамиз, ҳайронман? Шароитимиз бемалол бўлса, биз ҳам бир етимни бошини силаб, кўнглини олсак, хурсанд қилсак, хоним.

Хоним унга тасалли берди:

— Афанди, сиз ҳам бир яхшилик қилгансиз. Бир севиниб, бошқалари бош эгиб қолишининг олдини олгансиз. Яхшилик ўрнига, яхшилик қилувчиларни тўсғувчилардан бўлсайдингиз, додимизни кимга айтардик! Худо сақласин! Тўғри, қўлимиз узун бўлса,

қани эди, биз ҳам бу ишга қўшилсак... Кўнгил истаиди, аммо, на чора. Бобом айтарди. Бир хайрли ишни бажармоқ истаб, унга имкони бўлмаса, шу нияти учун ҳам савоб оларкан. Энди дуо қилайлик, Аллоҳ ишимизни ўнглисин, ниятларимизнинг рўёбга чиқишида мадаккор бўлсин.

Юсуф афанди бу сўзлардан мамнун бўлди. Имкони бўлса, Усмон ва Маҳмуд оғаларга шериклик қиларди. Айни пайтда яхшилик этган каби савобга сазовор бўлиш тушунчаси уни севинтирди.

Яқинда бир имом айтган гапни яхшилаб эслашга ҳаракат қилди: «Агар бирор дарё соҳилига йўловчилар дам олганда отларини боғлашлари учун бир қозик қоқсангиз, Аллоҳ шу сабаб билан сизга савоб беради. Сиздан сўнг бошқа биров келиб одамлар суриниб йиқилмасинлар дея шу қозикни суғуриб ташласа, унга ҳам худди шундай савоб берилади. Ниятнинг аҳамияти муҳимдир».

Хотини бир пиёла қаҳва келтиргунича шуларни ўйлаб қувонди, кўнгли таскин топди. Энди бемалол қаҳва ичса бўлади. Пиёлани бўшатар экан, кўнглида бир савол туғилди:

– Дафтарга ёзилган савобнинг бу етимларга қандай алоқаси бор? Бу савоб уларнинг қорнини тўйдирадими ё хурсанд қиладими? Йўқса устига бир кийим кийдирадими? Бечора Юсуф, сен номаи аъмолингга ёзилган савобдан дарҳол хурсанд бўласан. Етимлар-чи? Уларнинг кўз ёшлари тинадими?

Ҳа, масала ғоят муҳим. Мабодо бу фақат ўзига алоқадор бўлса, иш осонгина кўчар эди. Афсуски, бундай эмас. Юсуф афанди ўзининг ширин ўйларидан уялиб кетди. «Эй Худойим, менга тўғри ўйлашни, тўғри йўлдан юришни насиб этгин!» дея дуо қилди. Бу орада хотини кириб келди. Ҳозиргина хаёлидан кечган фикрларни сўзлади, хотини бош қимирлатиб, унинг гапларини тасдиқлаб турди:

– Афанди, кўп ўйланманг. Етимларнинг онаси бор, муаммо ҳал бўлади. Мана менинг учта кўйлагимдан биттасини берайлик. Иншааллоҳ, хурсанд бўлади. Эҳтимол ўзи кияр ёки болаларига кийим қилиб қайта тикиб беради.

Орадан жиндай фурсат ўтди; хотини ичкаридан янги бир кўйлак билан рўмол олиб чиқди. Яхшилаб ўраб, эрининг олдига қўйди. Шу пайт муаззин хуфтон намозига азон айтди. Юсуф афанди: «Ё Аллоҳ!» деб ўрнидан турди.

Жомеъда намозни адо этгач, хотини берган тугунчани олиб, тим қоронғи кўчага ойдин ниятда чиқди.

* * *

Тонг ғира-шира ёришган дамлар... Хароброқ уйнинг кичикроқ боғи ўз бағрида уй бекаси учун кутилмаган совға сақларди. Унинг кўзлари отасиз ётишга энди-энди кўникаётган уч гўдагига тушди. Эзилди. Жимгина ётоқдан чиқди. Фарзандларига ризқ сўраб, уларни паришон этмаслигини тилаб Парвардигорга дуолар қилди. Кўзларида пайдо бўлган икки томчи ёшни сидириб, ҳовлига чиқди.

Юзларига урилган сарин шамол уйқусини ҳайдади. Беихтиёр девор тубилаги қорайган нарсага назари тушди. Нима экан у? Қараса, боғланган тугунча. Очиб кўрди. Янги, покиза бир кўйлак билан рўмол. Бир зум нима қилишни билмай ўйлади; Ким қўйди экан? Олсамми, йўқми? Сўнг билдирмай яхшилик қилувчиларнинг иши дея олиб ичкарига кирди.

* * *

Эрталаб соат саккизларда эшик тақиллади. Усмон оғанинг хотини келган эди. Кенжа ўғлини ўзларига олиш таклифи... Она юрагини таърифлаб бўлмас даражада қаттиқ изтиробларга тўлдирган эди. Бир баҳона билан ташқарига чиққач, ўғлини бағрига босди, ҳидлади, ўпди,

такрор кучиб ўпди. Бир ёқдан кўз ёшларини артар, бир тарафдан:

— Гўдагим, болам, етим фарзандим, — дея секин инграр, бола эса нималар бўлаётганини англамасди.

— Она, йиғламанг, йиғламанг она, — дея бошлади. Овозидаги титроқдан унинг ҳам йиғлаб юборишини англаган она ўзини тутди, боласи эзилишини истамасди. Дардини ичига ютиб, кўз ёшларини артди ва ичкарига кирди. Нима деб гап бошлашни билмасди:

— Боламини олиб кетишга келдингизми? — демоқчи эди, айтолмади.

Сўзни меҳмон хонимдан кутди. Усмон оғанинг хотини енгилгина йўталиб:

— Қизим, бугун болани олиб кетмоқчи эдим, — деди.

Шу маҳал онанинг юраги даҳшатли даражада уриб ўртанди, юзида аянчли ўзгариш зуҳур этди.

— Бироқ, оғангиз кечаси келиб, фикридан қайтганини айтди. «Балки етим ҳақиға етарлича риоя қилолмасмиз», деди. «Савоб оламан деб гуноҳға қолмайлик, қизимға салом айт, хафа бўлмасин», деди.

Она ҳаяжонланди. Фарзандининг кетмаслиги, ундан жудо бўлмаслик севинчи билан қайғулари қоришиб кетди. Ортиқ гапиролмади.

— Нега хафа бўлайин. Мажбур эмассиз ахир. Аллоҳ ризқларини берар, раҳмат, — дея олди, холос.

Усмон оғанинг хотини кетди. Уни кузатиб қолган она, болаларига билдирмасдан, худди бирор иш билан машғул бўлгандай уй ортидаги деворға суяниб йиғлади, селу-селоб йиғлади, шашқатор йиғлади, тўйиб-тўйиб йиғлади. Боласидан айрилмагани учун қувонганидан йиғлади. Уларни боқиш учун эртаға кимнингдир хизматини қилишға, бировлар эшигида ўз болаларини тўйдириш учун уларнинг болаларига ўйинчоқ, эрмак бўлишға ҳам рози эканини ўйлай-ўйлай, куйиб-куйиб йиғлади. Бошқа болалар нозу ниёз ичида, ўз болалари боши эгик, хору хас ичида ўсишини ўйлаб, тўйиб-тўйиб йиғлади...

Қанча вақт ўтди, билмади. Бирдан тугунча эсига тушди.

Номаълум хайр соҳиби ким? Ёки ўғрими? Қочаётиб, қувиб етишларига кўзи етгач, тугунчани бу ёққа отдимикин? Йўғ-е, ўғри бир кўйлак, бир рўмол учун ўзини таҳликага қўймас? Бу — ғамхўрлик. Яхшилик аломати. Она буни хайрга йўйди. Яратган маъсум гўдақларини оч-яланғоч қолдирмайди, ризқини етказди. Усмон оғанинг хотини болани ололмайдиган бўлди, деганини қандай тушуниши мумкин? Нима бўлганда ҳам боласини олиб кетмаганлари яхши бўлди. Болалари кўз олдида, ўз бағрида ўсади. Аммо буларни боқиб улғайтирмоқ ҳам осон эмас. Кимга ишонади, кимнинг юмушини бажаради? Бир кунлик нон топиш учун ўзгалар эшигида ишлаши, бировларнинг болаларига қараб, ўз болаларини қаровсиз қолдириши керак.

Болаларининг қорнини тўйғази. Тозалигига, кийим-бошига қаради. Юз-кўзларини силади. Вақт пешинга яқинлашган эди. Туйқус эшик тақиллади, уйга ўн икки ёшлардаги бир бола кирди. Устида қуриган хамирлар ёпишган униққан этак. Бундан боланинг новвойхонада ишлашини сезиш қийин эмас эди. Сочлари, юз-кўзларига ун уриб қолган. Сокин, сўлгин чехраси, заифгина вужуди кишида енгилроқ бўлса-да, ачиниш ҳиссини уйғотади. Бола бир-икки йўталиб:

— Хола, Жамила хола сизмисиз? — деди.

— Ҳа, ўғлим.

Бола мўлжалдаги хонадонга келганига ишонч ҳосил қилгач, чўнтагидан кичик бир дафтар олиб, қаршисидаги бева аёлга узатди.

— Хола, бу дафтарни олиб анави қайрилишдаги новвойхонага борасиз. Бир варағини йиртиб, узатиб, битта нон оласиз. Икки варағини йиртиб, иккита нон...

— Ўғлим, буни ким берди?

— Устам бериб юборди. Новвойхонага кексароқ бир киши келиб, уста билан суҳбатлашди, кейин шу дафтарни қўлимга тутқазиб сизга бериб юборишди.

— Яхши, сен ўша кимсанинг исмини биласанми, ўғлим?

— Билмайман хола.

— Суҳбат пайти эшитмадингми отини?

— Йўқ. Ичкарида эдим. Эшитмадим.

Жамила хонимнинг ўйга толганини кўрган бола сўрайдиган саволи қолмаганини англаб:

— Мен кетяпман, хола, кўп қолиб кетсам устам хафа бўлади, — деб чиқиб кетди. Жамилахоним: «Бунда бир яхшилик бордир», деган хаёлда эшикни ёпиб, ичкари кирди.

Тонгдаги тугунча, Усмон оға хотинининг келиши ва ниҳоят, новвойхонадан нон олиш...

Эри ўлгандан сўнгги кўнгилсиз ҳодисалар... Агар у ҳаёт бўлса, жигарпорасини бировга боқиш учун бериш кимнинг ҳам ақлига келарди. Ночорлик курсин. Ҳозирги сирли ҳолатлар, ғойибона марҳаматлар...

Буларнинг оқибати қандай бўлади? Бир қарасанг, болани олишни ўзлари таклиф қиладилар ва яна ўзлари рад этадилар. Бир ёқдан билдирмай тугун ташлаб кетишади, яна кимлигини айтмасдан кунлик нонларини таъмин этишади. Шубҳасиз, бу Яратганнинг бир лутфи карамидир. Мўмин бандаси дилига етимларга меҳрибонлик туйғуларини эҳсон этган Тангрининг ўзидир. Ер юзида ўзига ўхшаган тул-беваларнинг ҳоли паришон, қанча-қанчаси йўқчилик гирдобида, нима қилиш керак? Бу ёрдамларни рад этсинми ё қабул этсинми? Рад қилса, ҳовучида не емиши бор ва қўлидан нима ҳам келарди? Болаларни қандай боқади? Эридан ўзига ва болаларига қолгани бир боғ ва икки хонали кичкина уй. Даромад келадиган жой йўқ. Сотишга арзигулик нарса ҳам. Бундай ёрдамни қабул қилмоқдан ўзга чора ва мулоҳаза йўқ. Зотан, шу пайтгача бировдан бирор нарса сўраган эмас. Сўраб олгандан кўра, сўрамасдан келганига рози бўлмоқ яхшироқдир. Бу махфий ёрдам эди. Жамилахоним ҳолига шуқр этиши лозим. Тўғри, мол-мулки бисёр эмасди. Истаганига

эришган ҳам эмас эди. Эри ўлди. Болаларини базўр тўйғизар эди. Қолаверса, фарзандлар билан бирга яшашнинг ўзи ҳам катта неъмат. Худога шукр, саломатлиги жойида. Тириклик учун номусини топтамайди. Қолаверса, бу дунё роҳат ва фароғат макони эмас-ку! Ким ҳам истаганини топиб, муродга етиб, ғамташвиш кўрмай ўтган бу дунёдан? Бир вақтлар онаси унга шундай ривоят сўзлаб берган эди:

Бир подшоҳ хасталаниб, узоқ ётиб қолибди. Табиблар даво тополмабди. Ниҳоят, сайёҳ бир ҳаким подшоҳ яқинларига:

— Агар ҳеч дарди йўқ бир инсоннинг кўйлагини кийдирсангиз, касал шифо топади, — дебди.

Буни эшитганлар бундан осони борми, дея кўйлакни сўраб- суриштира бошлабдилар. Бироқ, дардим йўқ, дегувчи топилмабди. Шаҳарнинг бойларига, мансабдорларига учрабди. ҳаммаси олам-жаҳон дарди борлигини айтишибди. Ниҳоят, эшикма-эшик юриб излаганлари ҳолда ҳам дарддан шикоят этмаган одам топилмабди.

Шундан сўнг қўшни шаҳарларга хабарлар юбориб, дарди йўқлар бўлса, подшоҳ хурсанд қилишини билдиришибди.

Ниҳоят бир кун қўшиқ айтиб, тоғдан ўтин териб келаётган бир кишига рўбарў бўлиб ундан:

— Ота, дардингиз йўқми? Нега хурсандсиз? Устингизда юк, хиргойи қилиб келяпсиз? — деб сўрашибди.

— Нима дардим бўлсин, ҳеч қандай дардим йўқ, — дебди у киши.

Ишонмай қайта сўрашибди. Шу жавобни такрор эшитгач:

— Жиддий сўзлаётган бўлсангиз, сизни хурсанд қиламиз. Бизга кўйлагингизни беринг, биз оғирлигига тенг пул берамиз, — дебдилар унга.

Киши жавоб берибди:

— Жиддий айтыпман, ҳеч қандай дардим йўқ. Аммо, афсуски, кўйлагим ҳам йўқ.

Ишонмай уни ечинтириб кўрибдилар, ростдан ҳам унинг кўйлаги йўқ экан.

Жамиланинг онаси ҳикояни тугатгач:

— Қизим, дунёда дардсиз одам йўқ. Аҳволинг бундан ҳам ёмон эмаслиги учун шукр қилгин, мусибатларга сабрли бўлгин, — деган эди.

Ўша кун нон олиш учун дўконга борса, одам жуда кўп экан. Ортга қайтди. Бирпас кутиб, тагин борди. Деярли навбат йўқ. Уялиб-тортиниб дўконга кирди ва нон чекини узатди. Новвой бир оз аввал ўзи юборган чекни таниди, нон олиб Жамиланинг олдига қўйди. Жамила қўл узатмади:

— Амаки, дафтарни менга юборган эҳсон соҳибини билмоқчийдим.

Дўкон эгаси кўпни кўрган кишига ўхшайди:

— Қизим, ўша одам ўзини танитишни истаса, чекни боладан бериб юбормасдан ўзи олиб борар ё сизни чақиртириб ўз қўли билан берган бўлар эди. Билиб нима ҳам қиласиз? Бу бир яхшилик. Истаги: сиз билмасангиз, унинг олдида тилингиз ҳам қисик бўлмаса, хижолат ҳам тортмасангиз. У шуни хоҳлайди.

Хонимни фаромуш кўриб, самимий оҳангда қўшимча қилди:

— Бунинг замирида ёмон ният йўқ, қизим. Сизнинг қийин аҳволга тушмаслигингиз учун, Аллоҳ ризоси учун ёрдам бу, қизим. Ўзингиз сўраб борган эмассиз, тўғрими? Ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамадингиз-ку! Тангри сизга, болаларингизга меҳрибонлик қилиб, яхшилигини юзингизга солмайдиган, савобталаб бир ёрдамчи юборди. Бемалол ёрдамни қабул қилинг, у одам ҳам савобга эришсин. Сизнинг нонга эҳтиёжингиз қандай бўлса, у кишининг ажр ва савобга эҳтиёжи шундай! Ва ҳатто ундан ҳам зиёд. Нонни хотиржам еяверинглар, қизим.

— Хўп амаки, бу олижаноб инсонни танисам, дуо қилсам, дегандим.

Дўкон эгаси бу соддаликдан енгилгина кулимсираб қўйишдан ўзини тиёлмади. Нонни унинг олдига қўйгач:

— Дуо қилинг. Агар сиз исмини айтмасангиз ҳам дуоингиз ижобат бўлади. Бошқа сафар сиз овора бўлиб юрманг, дафтарни болангиз олиб келаверсин. Бунинг ҳеч бир хижолатли жойи йўқ.

Жамилахоним нонни олиб уйига жўнади. Нон чекини савобталаб Усмон оға юборганини билмади. Шундай бир яхшилик қилинажagini эшитган новвой — етимпарвар кимса, уларга нонни ярим баҳосига беришини айтган эди. Маҳмуд оға, Усмон оға ва новвой дўкончидан иборат савобталаб инсонларнинг шу зайлда бошлаган иши сирлигича қолди.

II

Орадан бир ҳафта ўтди. Юсуф афанди Мунаввархонимнинг илтимосига кўра, Мустафо ҳақида Маҳмуд ва Усмон оғалардан бошқа чойхоначига ўхшаш яна бир-икки танишларидан ҳам маълумотлар олди. Барчанинг фикри ижобий бўлди. «Бу ёшдаги ўсмир йигитнинг айна ҳолатидан қувонмоқ лозим бўлади», дейишди улар. Мунаввархоним Юсуф афанди тавсифидан мамнун бўлди. Ёнидаги ўн бир яшар кичик ўғли Алига ҳам ҳавас билан қаради. Ичида «Акасига ўхшасин илоҳим», дея дуо этди. Ўша сешанба куни Мустафонинг уйланишидан гап очилди. Мунаввархоним буни анчадан бери ўйлаётган эди. Энди юрак ютиб тоғасининг ўғлига маслаҳат солди.

— Мени ёлғиз ташлаб қўйманг, Мустафо менга ўғил, сизга жиян бўлади. Биргалашиб унинг бошини икки қилиб қўяйлик. Муносиб жойдан келин излайлик.

Юсуф афанди нимадир демоқчи эди, гапга хотини аралашди:

— Излаб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Ана, Маҳмуд оғанинг қизи Амина бор. Унга ҳамманинг ҳаваси келади. Одобли, ёқимли, гўзал қиз. Улар ҳам Мустафодан яхши йигит топа олмайди, менимча.

Юсуф афанди аелининг мулоҳазасини маъқуллади:

— Тўғри, Маҳмуд оғанинг қизи жуда муносиб, Мунаввар. Шуни бир ўйлаб кўринг. Отаси менинг яқин дўстим. Ўтган куни Мустафони менга ўзи мақтаб қолди. Яхши одам. Покиза бир мусулмон киши. Бировдан ёрдамини аямайди. Маҳмуд оға учун мен кафил, бироқ қизи тўғрисида бир нарса деёлмайман. Қўшнилардан секин сўраб-суриштиринг, лекин эҳтиёт бўлинг, мени Маҳмуд оғанинг олдида хижолат қилиб қўйманг.

* * *

Қўшниларнинг самимий ва холис мақтовларидан яхши хулосалар чиқарилди. Амина Мустафо учун сўраб бориладиган бўлди. Юсуф афанди дангалига кўчди:

— Менимча, хайрли ишни чўзишдан маъно йўқ. Аввал аёллар бир неча марта бориб, кейин эркаклар қатнайдиларми? Менга қолса, бу қатновлардан фойда йўқ, дейман. Ўзим бориб, Маҳмуд оға билан гаплашайин. Атрофга овоза қилмай бир сўраб кўрай-чи. Кўнишса, гап йўқ, масала ҳал. Акси бўлса, яна ўзлари билади. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади. Жилла қурса «берибди-бермабди», деган миш-мишлар бўлмайди.

Бу таклиф Мунаввархонимга маъқул келди.

Тўйга боғлиқ эркаклар билан битадиган ҳар хусусда ўз номидан бемалол иш тутишни Юсуф оғага топширди. «Худо хайрли қилсин», деган дуо билан маслаҳатга яқун ясалди. Вақт ҳам алламаҳал бўлган, Али секин-аста мудрай бошлаган эди.

* * *

Мустафодан сўралди:

— Онанг сени уйлантирмоқчи, нима дейсан?

— Нима ҳам дердим?!

— Кўз остингга олиб юрганинг борми?

— Йўқ. Иймонли, покиза, хушхулқ бир қиз бўлса, бошқа истагим йўқ.

Бу қисқа суҳбат онасига билдирилди.

* * *

Мустафо бу масалада онаси билан гаплашмади, фақат тўй бўлгунча ёлғиз қолган кезларида дуода бўлди:

«Ё Поко Парвардигоро, уйланадиган бўлсам, менга покиза бир хоним насиб эт. Ҳалол сут эмган, Сенга бандалик этадиган, мени Сенинг шарафли йўлингдан қўймайдиган умр йўлдошига рўбарў қилгин. Менинг ҳам, онамнинг ҳам ҳақиға риоят этадиган, бу дунё-ю у дунё юзимни ёруғ қиладиган бир жуфти ҳалолни насиб эт!

Ё Роббим, яхши турмуш, гўзал ҳаёт насиб айла. Агар турмуш яхши кечмаса, бир-биримизни тушунмасак, менга уйланишдан фойда йўқ. Аллоҳим, мени ҳузури покингда уятга қўйма!»

Маҳмуд оға билан Юсуф афанди Қуббали Жомеъсидан чиқишди. Қуёш шомга секин-аста йўл олган. Дарахт шохлари енгилгина қимирлайди.

— Афанди, бирор пиёла чой ичиб, икки оғиз гурунглашсак, нима дейсиз?

— Яхши. Аммо холироқ бир жойни танласак. Чой биздан...

— Бунинг аҳамияти йўқ. Чой баҳона бир оз суҳбатлашсак...

Уларга чойхонанинг хилватроқ жойи ҳам маъқул келмади. Шунда Маҳмуд оға:

— Юсуф оға, яхшиси бизникига борайлик. Хўп денг, бироз дам олиб, бемалолроқ ўтирайлик.

Дўсти иккилангани учун Маҳмуд оға унинг қўлтиғидан олди.

— Қани, қани. Менга бундай жойлар ёқинқирамайди. Ҳали замон ҳар хил одамларга тўлиб кетади. Туриб кетишга мажбур бўламиз. Яхшиси, уйга юринг.

— Мен сиз билан шахсий масалада гаплашмоқчи эдим, оға.

— Жуда яхши, уйда бундай суҳбатлар тақиқланган эмас. Бемалол гаплашамиз. Ҳеч ким халал бермайди.

Юсуф оға кўнди. Уйга боришди. Маҳмуд оға ичкарилади. Бироздан кейин: «Келинг, марҳамат қилинг!» дея таклиф этди. Ичкари кирилди. Оёқ кийимларини ечиб бир чеккага қўяр экан, Юсуф оға деди:

— Болалигимиздан онамиз шундай ўргатган. Раҳматли, интизомга жуда қаттиқ эдилар. Оёқ кийимлари махсус жойга қўйилмаса, қулогимиздан енгилгина чўзар ва айтганини қилдирар эди. Ҳар нарсани ўз жойига қўйишга одатланганмиз. Тунда чанқаб уйғонган киши сувга қийналмасди. Кийим-кечаклар ҳам ҳар доим саранжом-саришта эди.

Маҳмуд оға уни маъқуллади.

— Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. Ота-онамиз тарбия бермаса, Худо биледи, бугун ким бўлар эдик.

Шу орада эшик оҳиста тақиллаб, остонада ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги гўзал бир қиз пайдо бўлди. Бошига чиройли рўмол ўраб олган, муслималарнинг бежирим либосидаги бу истарали қиз отасига қараб: «Лаббай, отажон», деди. Отаси Юсуф афандига ишора қилиб:

– Қизим, амакинг меҳмон. Чой-нон келтиргин.

– Хўп, ота. Амаки, хуш келибсиз!

– Хушбахт, хушвақт бўлинг, қизим!

Қиз секингина изига қайтди. Маҳмуд оға:

– Менинг ёлғизгина қизим бор, афанди. Ибодатли-итоатли бўлсин, деб дуолар қилдим, Худога шукр, шундай бўлди.

– Машааллоҳ, қизингиз одобли, тарбияли экан. Аллоҳ қўлласин.

Сухбат асносида мақсад ўз-ўзидан ўртага чиқиб келмоқда эди. Юсуф афанди гапни нимадан бошлашни билмай тараддулланар экан, оға, бир нарса ногоҳ эсига тушгандай:

– Афанди, ҳали шахсий бир масала хусусида гапирдингиз, – деди.

Энди иккиланишга ҳожат қолмаганини сезган меҳмон ҳозирланиб томоқ қирди. Негадир юрак уриши тезлашгандек бўлди. Ташқарида сукунат, қадам товушлари ҳам тинди. Ҳали бир дақиқа аввал ёнида бўлган Аминанинг отасига Юсуф оға деди:

– Оға, сизга бир куни чойхонада икки йигитни кўрсатган эдим. Эсингиздами?

– Ҳа. Ўтган кун гаплашган йигитлар...

– Ҳа. Улардан бири Мустафо, аммамнинг невараси, қизининг ўғли.

Оға бирдан ҳаяжонланиб:

– Шундайми?! – деди.

Юсуф афанди:

– Шундай оға. Унинг бувиси билан менинг отам туғишган ака-сингил.

– Кўп яхши, жуда соз, ундай бўлса, нега ўша кун уни танимаганга олдингиз?

— Бир куни онаси бизникига келиб, Мустафони четдан кузатган бир-икки одамлар фикрини билиб бер, деб мендан илтимос қилди. Мен сизлардан сўрадим, оға. Табиийки, хатомиз учун жазога, тайёрмиз... Биз шу йигитни уйлантириш фикридамиз.

Бу орада ташқаридан қадам товуши яқинлаб кела бошлади. Юсуф афанди жим бўлди. Бир-икки сониядан сўнг Амина ичкарига кирди. Олиб келган айронни иззат-икром билан аввал меҳмонга, сўнг отасига тутди. Отаси:

— Қўлинг дард кўрмасин, қизим. Айронни шу ерга қўйгин. Сен боравер, — деди.

Амина айронни қўйиб чиқиб кетгач, Юсуф афанди давом этди:

— Нима эди, ҳалиги, ҳа, ўша Мустафони уйлантирмоқчимиз. Қизингиз Аминани ўғлимиз, жиянимиз Мустафога сўраш учун келдим, оға. Мана, сиз билан бўладиган шахсий гапимиз шу.

Юсуф афанди бир-икки лаҳза тин олиб, Маҳмуд оғанинг оғзига тикилди ва жавоб кутиб ўтирмасдан сўзида давом этди:

— Одатимизга кўра, аввал аёллар бир-икки марта қатнайди, сўнг ишга эркаклар аралашади. Мен эса бошқача иш тутмоқчи бўлдим. Табиийки, масала фақат сизнинг маъқуллашингиз билан ҳал бўлмайди. Албатта, онасидан сўрайсиз, қизнинг фикрини билиб оласиз ва шунга кўра бизга бирор жавоб берасиз. Агар ризолик берсангизлар, яхши бўларди. Шунда совчилигимизни ошкор этардик. Бирор сабабга кўра бермайдиган бўлсангиз, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қолар эди.

Маҳмуд оғани ҳаяжон босгандай бўлди. Қулоқларим алдамаяптими, дегандай кўзларини бир нуқтадан олмасдан сўради:

— Аминани Мустафога дедингизми, афанди?

— Ҳа, оға.

— Мустафо яхши йигит. Маданиятли. Ўтган кун ҳам у ҳақидаги фикримни айтиб эдим. Вазмин, олижаноб йигит.

Сўнг Юсуф афандига қараб:

– Афанди, иншааллоҳ бу гапни чўзмасмиз. Мен ўз раъйимни ҳозирданоқ билдиришим мумкин. Агар онаси ва қизим рози бўлсалар, мен ҳам бу таклифни маъқуллаймаман. Баробар дуода бўлайлик. Мендан сўрасангиз, қизим Мустафодай бир йигитга аслида лойиқ ҳам эмас. Энди бизга бироз муҳлат беринг. Уйдагиларга вазиятни тушунтирай. Чунки, турмуш қиладиган Амина.

– Тўғри, оға. Аслида қизи ва хотинидан сўрамай, маслаҳатланмай, ўзбошимчалик билан қизини дуч келганга бериб юборишга мен ҳам қаршиман. Бу динимизга ҳам зид. Баъзилар пулига, мол-давлатига қараб қизини узатади ва икки кун ўтар-ўтмас иш маҳкама эшигига тақалади. Қиз бормайман, деб қаршилиқ қилишига қарамасдан ота қайсарлик билан туриб олади, натижада қиз бир олийжаноб йигит билан қочиб кетади. Икки кундан сўнг мажбуран никоҳ ўқилади.

Улар бир оз шу мавзуда суҳбатлашиб ўтирдилар. Юсуф афанди оқшом яқинлашгани учун оғанинг қистовига қарамасдан ўрнидан турди:

– Ўтирсам бўлар эди. Аммо кеч қайтишимни уйга айтмаган эдим...

* * *

Амина отаси билан бирга келган меҳмоннинг мақсадини билмайди. Ташқарида қўйларини соғмоқда. Айни шу пайт ичкарида ота-онаси унинг турмушга узатилиши хусусида маслаҳатлашаётганидан ҳам хабари йўқ.

* * *

Уйда она билан қиз ёлғиз. Онаси Аминани ёнига чорлади. «Қизим, сенга гапим бор». Она сўз бошлади:

– Амина, бугун бизникига келган киши бор-ку...

– Ҳа, она.

– Шу киши совчи бўлиб, Мустафо деган жиянига сени сўраб келибди, қизим.

Амина бундай таклифни ҳеч кутмаган эди. Довдираб қолди. Юзи ҳаёдан қирмизи тус олди. Тили тутилиб, ерга қаради. Бир муддат шу зайлда жим ўтирди. Унинг жавоб бермаганини кўрган онаси сочларини тузата туриб, илова этди:

— Нима бўлди сенга, Амина? Хафа бўлдингми, қизим! Бу барчанинг бошида бор гап. Бу ҳаётнинг бир қонуни-ки, уни ўзгартириб бўлмайди. Ҳеч ким бунга қарши боролмайди. Отангнинг айтишича, покиза, ахлоқли, одобли, олижаноб йигит эмиш. Онасининг оти Мунаввар, отаси аввалроқ вафот этган. Яна ўн бир ёшли ўғли ҳам бор эмиш. Ўйлаб кўр. Уч кун ичида менга жавобингни айтгин, қизим.

* * *

Маҳмуд оғанинг ойдек қизи Амина ўзича келин бўлишга ҳали уч-тўрт йил борлигини чамалаб қўйгандию, лекин онасининг ногоҳ таклифи уни шошириб, ҳаяжонлантириб, ўйлантириб қўйди. Ёши ўн еттида эди. Йигирма ёшга қадар ҳали фурсатим бор, деган қаноат билан ўзини овутиб юрарди. Яна тўғрироғини истасангиз, Амина ҳатто турмушга чиқмасликка ҳам рози эди. Нечун дейсизми?

Атрофда бундай хаёл-хулосага олиб келувчи мисоллар кўп эди. У ҳеч бир қайнона ва келин ўзаро турмушларидан мамнун эканлигини эшитган эмас. Хонадон сири кўчага чиқиб ёйилмасин дегувчиларгина тил учиди: «Яхшимиз, бинойидай яшаб юрибмиз», десалар ҳам, уларнинг гап оҳангларида: «Чиқиша олмаяпмиз, аммо начора», деган маънони уқиш қийин эмас эди. Икки хотин учрашиб қолишса, қайнонаси ёки келинидан шикоят қилади. Ёки маҳалла-қўйдаги шундай бахтсизлардан гап очади. Оддий бир мисол: тўрт эшик наридаги қўшнисининг келини Қазбон. Унинг айтишича, эри бозордан келганда кутиб олишга уялган. Қайнонаси дарҳол:

— Ўғлимни кутиб олмайсизми? Нимага турибсиз? Сизни ким учун олиб келдим? — дея аразлаган эмиш.

Икки кун ўтгач, уйда бир меҳмон бор экан, боғ эшигидан кираётган эрини кутиб олгани бораётса қайнонаси:

— Қизим, айб бўлади, эл-юрт бор-а, — дея меҳмон ёнида уни изза қилади. Бундай ақлдан, мантиқ ва инсонийликдан йироқ ҳодисаларни тинглаш Аминанинг кўнглини хира қилар, турмушга чиқиш истагини секин-аста йўққа чиқариб борарди...

Яна Казбоннинг айтишича, бироз эътиборсизлиги натижасида пишираётган таоми тагига олиб, куяди. Қайнона ови ўнгидан келган қоплондай унга ташланади. Ахир келин кўр бўлмаса, ўғли отдай ишлаб топган нарсаларни исроф этадими? Бели оғриб пул топмаганда!.. Устига устак ўтин ҳам кўп, истаганингча ёқ, куйдир!..

— Қайнонам бирпас тўнғиллагач, менга қараб шундай деди:

— Аллоҳдан кўрқинг, қизим, бошқа нарса демайман. У менинг ўғлим бўлса, сизнинг эрингиз.

— Она, билмай қолибман. Атай куйдирмадим-ку ...

— Албатта, билмай куйдирасиз. Қандай топилаётганини, қандай тер тўкилаётганини билмаганингиз учун, куйдирсангиз ҳам зарарини сезмайсиз. Агар ота уйида шу ишни қилсангиз, нима бўлади? Эҳтимол, ҳеч нима. Тарбияга қарайди-да... Бўй ўсгани билан иш битмайди. Теракда ҳам бўй бор, натижа, мева йўқ...

Қайнонам арзимаган баҳонани топиб авжига чиқарди. Овқатни билмасдан куйдириб қўйганим учун ҳам шунчалик қиладими? Шунга ҳам хафа қилиш шартми? Шуми инсонийлик? Қайси ахлоқ китобида битилган бу?! Ўзимни айбли санаб:

— Она, бошқа такрорланмайди. Эътиборли бўламан, десам, жавоби ҳаммасидан ошиб тушди. Икки соатча жаврадию, тагин нима дейди денг:

— Яхшиям бугун бировга озор берилмайдиган муборак кун. Йўқса, кўнглингизни хуфтон қилардим,

шукр этинг. Яна бир бор шундай иш тутадиган бўлсангиз, ўзингиздан кўринг. Қозоннинг қопқоғини шундоқ эрингизнинг олдида очаман!..

Шунчалик аччиқ сўзлар айтиб кўнглимни ўкситгач: «Хафа қилардиму муборак кун-да, шукр этинг», деганичи? Ўйладим-ки, демак, унингча мени хафа қилмади, шунчаки бир насиҳат қилди-қўйди, холос.

Кўргулик дея ўйладим, кўргулик! Ҳақоратини фазилат дея иддао этган қалбсиз бир аёл билан яшайманми? Кўргулик эмасми?! Бундай аччиқ гапларни умримда эшитмагандим. Ота- онам менга бундай сўзларни асло айтган эмас. Бу гаплар ўй-хаёлимга ҳам келмаган. Кўнгил қолиш ва хафагарчилик нелигини билиб олдим...

Инсон зоти бир айб учун бундан ортиқ маломатга қолиши мумкинми ҳеч?! Ахир уйимизда бундай қўпол, қаттиқ гапирилмас, отам бунга йўл қўймас эдилар.

Меҳрибон онажоним менга бу тарзда муомала қилган эмас; бошимга шундай кунлар келишини хаёлига ҳам келтирмагандир, балки.

Қизиқ, агар бизнинг уйда келин бўлса, бизлар қандай муомала қилган бўлардик-а?

Инсон зулмни ўз бошидан кечиргани, танасида ҳис этгани учун ҳам шундай золим бўлармикин ё?! Аслида ҳар бир қайнона келин бўлиб кўрган-ку, ахир!

Хўш, нега энди мушткетти. Ўзи тортган зулм аламини бировдан олмоқ керак?

Йигирма беш йил кейинги ҳаётимни хаёлан тасаввур этдим. Сочларим оқарган, ўғлим уйланган. Келиним хизматимда. Қаҳва тайёрлаб, олдимга қўйди. Менинг қўлларим титрайди; қаҳвани тўкиб юбораман. Устига-устига келинимга жаҳл қиламан. Бақираман. «Бир оз нари қўйсанг бўлмасмиди!..» Кўнглини оғритаман. Айбсиз келин, менинг бу аччиқ-заҳар гапларимга чидолмайди, йиғлайди. Унга раҳм қилиш ўрнига, авжига чиқаман:

– Йиғла, йиғла. Бир пайтлар мени ҳам йиғлатишган. Мен бошимдан ўтказдим бу кўргуликни. Сен ҳам тотиб кўр. Буниси ҳали ҳолва. Бошимдан ўтган азобларни сенга тоттирмасам, Казбон отимни бошқа кўяман. Қаҳва тўкишни кўрсатаман ҳали сенга...

«Имиллама, Казбон. Овқат кечга қолмасин!»

Қайнона овозидан чўчиб, ўзимга келдим. Енг шимариб дарҳол овқат пишира бошладим.

Ҳалиги хаёлим кўз ўнгимдан кетмади. Наҳотки, мен ҳам шундай инсофсиз бўлсам?! Агар шундай қайнона бўладиган бўлсам, ўша кунга етказмай менинг жонимни ол, эй Раббим, – дея дуо қилдим.

Бу сафар бир нохушлик бўлмасин, дея эътибор бериб пиширдим овқатни. Кечқурун дастурхонга тортилганида негадир яна куйган ҳид келгандай бўлди. Эрим бир-икки қошиқ овқат егандан кейин менга:

– Казбон, овқатда куйик ҳиди борми, қарагин-а? – деди. Инкор эта олмадим. Чунки ҳидни мен ҳам сезган эдим.

– Ҳа, бироз куйган шекилли, – дедим ноилож.

Гапга қайнонам аралашди:

– Шунақаси бўлиб туради, келин ҳали ўрганмаган. Ўрганиб кетади. Кейинги сафар эътибор беради. Э, болам. Биз ҳам шунақа эдик. Янги келин бўлиб тушганимда неча марталаб куйдирганман...

Онасининг гапларидан эримнинг кайфияти чоғ бўлган эди. Кулимсираб сўради:

– Сиз ҳам овқатни куйдирганмисиз, она?

– Албатта, ўғлим, – деди қайнонам ва менга қараб:

– Ҳали янги келинсан. Баланд-пастни яхши билмайсан. Хоҳлайсанми, йўқми бундай акс ҳоллар содир бўлиб туради. Бир куни ўчоққа овқат қўйиб қўшни хонага ўтдим. Бир пайт бурнимга куйган нарсанинг ҳиди урилгандек бўлди. Бу нима экан-а? Қўшнилاردан бирортаси ўчоққа овқат қўйган-у, унутган. Қозондаги овқат эса часир-чусур куймоқда, деган хаёлга бордим. Ташқарига чиқдим, ҳид озаиди. Бирдан овқат қўйганим

эсимга тушди ва бошимдан бир пақир қайноқ сув тўкилгандек бўлди. Югурдим. Не кўз билан қарайки, овқат куйиб жизганак бўлибди. Эшик ёпиқ бўлгани учун ҳид ташқарига чиқмаган. Шундагина овқатга сув куймаганим эсимга тушди. Бироқ энди ғишт қолипдан кўчиб бўлган эди.

Дарҳол онамга: «Шу-шу нарсаларни олиб келсинлар», дея хабар юбордим. Ҳеч ҳам унутмайман: онам тайинлаб юборган нарсаларни ўзлари югуриб олиб келдилар: «Тинчликми, қизим». Овқатни куйдириб кўйганимни айтдим. Онам енг шимариб овқат тайёрлашга киришди. Мен қозон тагига ёпишган овқатнинг куйганларини қириб тозаладим. Уларни боққа кўмаётган маҳали қайнонам кириб келдилар. Ҳеч нарсани сезмади.

Қайнонам буларни гапириб бўлагач, керишиб:

— Эҳ-ҳе-е, қайда қолди у эски қайноналик даври. Шундай ҳолат юз берса борми, эри бор деб аяб ўтирмай, қозонни нақ бошига кийгизиб кўярди. Бундай ҳолатлар бўлиб туради, болам. Бу овқатни еса бўлади. Қани ейлик, бўлар иш бўлибди.

Бу ерда бир англашилмовчилик борга ўхшайди. Чунки овқат пишиши билан мазасини тотиб кўрган эдим. Яхши эди. Балки қайнонам кундузи айтган гапларига пушаймон бўлганмикан? Менга гап тегмаслиги учун бундай инсонийлик намунасини кўрсатаётганмикин? Тун бўйи бундай саволлар менга тинчлик бермади. Бироқ саҳарда идиш-товоқларга қарар эканман, турган жойимда қотиб қолдим. Мен куйган қозонни яхшилаб юлмаган эдим. Қозон ичида қолиб кетган куйик қолдиқлари бир қошиқ билан яхшилаб қириб олинибди. Ўзимча ўйладим: овқатдан ўз-ўзидан куйинди ҳид келса, куйган қозонни биров қириб тозалаб кўйса... Бунинг моҳиятига ақл етмаслиги учун ахмоқ бўлиш керак, холос. Тишимни тишимга кўйиб, сабр қилдим. Овозимни чиқармадим.

Орадан бир неча кунлар ўтди. Кундузлари, эрим йўқлигида менга душмандек ташланаётган қайнонам, ўглининг ёнида онамдек меҳрибон эди. Унинг бу мунофиқлиги менга шу қадар алам қилардики, бир неча бор бу қилиғини юзига ҳам айтмоқчи бўлдим. Уни шарманда қилиб, ичимни бўшатиб, енгил тортай дедиму, ўзимни тийдим. Кунларим шу зайлда хафагарчилик билан ўтди. Эрим сўраганда «тобим йўқ», дедим. Ишонди, ижикилаб суриштириб ўтирмади.

Бир куни кайфиятим яхши эди. Тўпланиб қолган кир-чирларни юваётган эдим. Чарчаб дам олган пайтим рўпарадаги дарахтда қувлашмачоқ ўнаётган қушларни томоша қилардим. Бу орада икки чумчуқ ўзаро урушиб қолди. Осмонда бир-бирига урилиб, кейин новдадан тушган бир жуфт олма каби «тап» этиб ерга тушар, ерда ҳам гўёки бир-бирини ер эди. Атрофида тўрт-бешта қуш уларга қўшилиб чуғурлашар, эҳтимол уларни ажратиш учун ораларига тушиб тупроқларга беланар эди. Бу орада тўладан ажралган икки қуш яна ҳавога кўтарилар ва ёнма-ён, кетма-кет урушарди. Шу қушларнинг бир-бирига бу қадар шафқатсиз бўлиши мени ҳайрон қолдирди. Нимани талашаётибди улар? Ахир бу дунё уларники эмасми?

Ювган кирларни қуриши учун дорга осиб, қуриганларини йиғар эдим. Қайнонамнинг кийимларини диққат билан ювиб дарахт остига осган эдим. Бир маҳал қарасам, дарахтга қўнган бир қуш уларни ифлос қилибди. Дарҳол қайта ювишга киришдим. Агар бу ҳолдан воқиф бўлса, қайнонам яна алланималар деб юлиб олиши аниқ.

Қайрилиб икки қадам юриб-юрмай, унинг ёқимсиз сасидан чўчиб тушдим. Деразадан бақирди:

– Кўйлагимни нега олдингиз, Казбон!

Ёлғон гапиргим келмади. Ҳожат ҳам йўқ эди. Табиий ҳол, деб ўйладим.

– Қуш ифлос қилиб қўйибди, бошқатдан ювмоқчиман.

— Дарахт остига оссангиз, қуш ифлос қилади, чанг тушади, бошқа бўлади. Нега ўзингизникини у ерга эмас, очиққа илдингиз. Табиий, хонимафандининг либослари тоза, бизники эса не бўлса бўлсин.

Қайнонам яна шунга ўхшаш аччиқ сўзлар билан мени ўйиб-ўйиб олди. Сўнгра:

— Онангиз ўрнида онангизман. Лекин ўз онангиздек кўрмайсиз, уни ҳурмат қилгандек ҳурмат этмайсиз. Бунинг учун Аллоҳ ҳузурида жавоб берасиз. Аллоҳдан кўрқинг. Қилган ишингиз онага зулм эмасми? — деса бўладими. Тепа сочим тикка бўлди. Келинликнинг ҳам бир чегараси, ҳадди-худуди бордир, дедим. Ўзимни тутиб туролмадим, кўнглимни бўшатдим:

— Қандай қилиб онам ўрнида она бўласиз? Бундай сўзларни душманга ҳам айтмайдилар-ку! Қандай қилиб онам ўрнида она бўласиз? Хато қилсам, онам мени кечирганлар. Сиздай ўйиб олган эмас. Ёки сиз қизингизга менга гапиргандай гапирасизми? Сиз мени қизингиздай кўрмайсиз. Нечун уззукун турли жафолар қилиб, оқшом ўғлингиз келгач, ўзингизни сипо тутасиз. Шуми она ўрнида она бўлганингиз? Уялмайсизми? Аллоҳдан кўрқмайсизми? Келганимдан бери еганичганимни заҳар қилиб, жонимдан тўйдирдингиз. Онадан туғилганимга пушаймон бўлдим. Онанг ўрнидаман, дейишга уялинг. Бу ёлғонлар, бу зулмлар учун сиз Аллоҳ олдида жавоб бермайсизми?

Миямга қон қуйилди. Ўзимни йўқотган эдим. Бақириб-чақириш ва ёмон сўзлар айтишни кўтаролмас эдим. Қайнонам нималар деди, мен нималар дедим, билмадим. Қайнонам сўзини тугатар-тугатмас мен бошлардим. Тилимга келганини айтардим. Бироздан сўнг иккимиз ҳам шундай ҳолга келдик- ки, на у, на мен айтаётган сўзимизни билмасдик. Бир маҳал бехосдан бир жуфт бошни кўрдим. Қўшнилари томошага чиқишган экан. Ақлим ўзимга қайтгандай бўлди, шу ерда гапни кесдим:

— Иншааллох, яйраб киёлмассиз, — дея бошқатдан ювиб илдим. Ишим битгач, хонамга кириб ётдим. Кўпдан бундай роҳат қилиб ухламагандим. Эрталаб жоним кириб уйғондим. Энди жим туришдан фойда йўқ эди. Фавғо бўлармикан? Албатта, фавғосиз куннинг ўзи йўқ. Қайнонамни ҳурмат қилишим керакми? Асло! Ҳеч қачон! Чунки у ҳурматга лойиқ эмас. Арзимас нарсаларга галаён кўтарувчи бу аёлни ҳурмат қилишга на ҳожат?

Кечқурун эрим келиб, уйда нималардир бўлиб ўтганини сизди. Сўради, ҳеч нарса бўлгани йўқ, бироз беҳузурлик, дедим. Ишонмади, яна сўради.

Сўнгра айтдим:

— Энди ортиқ чидаёлмайман. Кулар юзим сўлди. Ҳар куни минг турли сўз эшитдим. Еб-ичганим заҳар бўлди. Мен ҳам инсонман. Мени бу ерга фақат қаҳр-ғазаб кўрсин, деб олиб келдингизми?

Бу сўзларимни тинглаётиб, эримнинг қовоғи осилди:

— Нега бундай гапиряпсан, Казбон? Ахир онам сендан шикоят этган эмас. Ҳар доим яхшилигингдан сўзлайдилар. Нега ўшанда ҳеч нарса демадинг? Сенга ҳар кун ёмонлик қилган аёл менга келиб сени мақтайдими? Бошқа бундай аҳволни кўрмайин. Бор, энди бориб қўлларини ўп! Яна шундай қиладиган бўлсанг, у ёғини ўзинг яхши биласан, бошқа гапим йўқ! — деди ва масала шу тариқа ёпилди.

Эрим ҳақли, деб ўйладим. Бугунгача ўзини мени яхши кўргандай тутган қайнонам, барисини шундай кун учун тайёрлаб юрган. Овқат куйган кечада туғилган саволга жавоб энди топилди. Кечки овқат маҳалида ҳам қайнонамнинг қовоғи солиқ эди. Овқатланиб бўлгач:

— Ўғлим, кел ёнимга ўтир, гаплашиб олайлик, — деди. Эрим ёнига ўтирди. «Хўп, она» деди. Қайнонам мени бошдан-оёқ кузатгач, унга қаради:

— Хотинингдан шикоятим бор, ўғлим. Мана бу еримга келди (бўғзига ишора қилди). Бугунгача ҳеч нарса демадим, ёмонламадим, фақат яхшилигини айтдим. Яқинда ота уйдан келган, ҳам ёш, ўрганиб кетар дедим.

Майда-чуйда қусурларини сенга айтмадим. Кечиримли бўлдим. Аммо энди ортиқ чидай олмайман. Келин захрини қўтара олмайман. Бунга мажбур ҳам эмасман. Келин қайнонага бундай муомала қилмайди. Мен она ҳисобидаман, ахир. Бугунгача яхши муомала қилдим, фойдаси йўқ. Ёшим улуғ. Улуғларга ҳурмат қани? Қайнонага ҳурмат, иззат-икром шуми?

Қайнонам яна нималар деди, билмадим. Уятдан ер ёрилмади. Қизардим. Бу қадар ҳаёсиз гапирган инсоннинг ўзида ҳам ҳаё бор, дейиш мушкул. Ортиқ чидаб туролмадим, қўлларимни юзимга босиб ташқарига отилдим. Кечаси эримдан яна гап эшитдим. Мен қайнонамга душман бўлиш учун бу уйга келмагандим. У ҳақида ҳеч бир ёмон ҳаёлга ҳам борган эмасман. Истардимки, у менга дўстона кучоқ очсин, мен ҳам унга чин дилдан хизмат қилайин. Аммо, бўлмади. Бир-биримизга гўё қирқ йиллик душманлардек эдик. Бошқалар қандай билмадим, аммо мен омадсиз эканман, синглим.

Орадан ойлар ўтди. Ўша кундан эътиборан мен ҳам тилимга эрк бердим. У нима деса мен ҳам гап қайтардим. Ҳеч бир кунимиз жанжалсиз ўтмади. Ҳеч бўлмаса ёшини ҳурматлаб, тилимни тияйин дердим, қўлимдан келмади. Бу аҳвол яна қанча давом этади, билмадим, синглим.

Казбон ҳикояси Аминанинг кўнгил осмонига маъюслик булутларини ҳайдаб кела бошлади. Наҳотки, менинг ҳам ҳаётим қайнона зулми қўланкасида ўтса!

Уч кун... шу уч кун ичида Амина нималарни ўйламади. Келин бўлиб борадиган оилани, ўғлининг исми Мустафо эканини биледи, лекин улар яхши-ёмон деган фикрга боролмади, чунки уларни билмас, танимас эди.

Ўз хонасига кирди. Чироқни ўчирди, деразани очди. Чуқур ўйга толди. Ўйлари беқарор эди. Дам-бадам ҳаёлига Мустафо исми тақалиб, зеҳн қоронғулигидан ўзи танимаган йигитни қувиб чиқармоқчи бўлди. Лекин барибир кўз олдида келишган бир йигитнинг ғира-шира қиёфаси намоён бўлаверди.

Кейин бўлажак қайнонанинг исми Мунаввар эканини эслади. Бу исм унга аввалроқ бўлиб ўтган бир воқеани эслатди. Ўшанда онаси хаста эди. Докторлар иложини тополмаган оғир бир хасталик. Амина онасининг соғ кунларини ҳеч эслолмасди. Уйнинг бир бурчида йилларча инграб ётган бир бемор. Болалигидан қолган энг теран, энг чуқур, унутилмас хотира. Аминанинг онаси хаста. Қачон хонасига кирса ётган ҳолда кўради, доимо инграйди. Шу боис у бошқалардан зиёдароқ севарди онасини. Аминанинг кўнглида бир яра, бир дард бор эди. Бу дард касалванд онанинг қизини бир бор бағрига босиб, оналик меҳри билан суюб, сочларини силамагани туфайли пайдо бўлган дард эди... Гўдагига ўз кўли билан нон тутмаган, хасталикдан боши чиқмаган онанинг фарзанди кўнглида жароҳат бор эди.

Бир кун отаси уйига хурсанд ҳолда кириб келди. Амина бу ҳолни англай олмади. Сўраб биларман, деб қўйди ўзича. Фақат отаси аввалроқ жуда билимдон бир доктор борлигини айтганди. Онасини шифохонага олиб боришмоқчи эдилар. Амина йиғлади, изтироб чекди, бормасин деди, фақат тузалади деб ишонтиришгач, рози бўлди. Шифохонага оғир аҳволда тушган онаси бир ой ўтар-ўтмас оёққа турди. У ерда онасига оппоқ халат кийган, маъсум чехрали фариштадай бир аёл ҳамширалик қилди. Исми Мунаввар эди. Балки ҳозир кўрса таний олмас, аммо Аминанинг кўнглида яхши хотиралар, гўзал таассуротлар қолдирганди. Ҳар гал бу исми эшитиши билан кўнглини миннатдорлик ва ҳурмат туйғулари эгаллайди. Вақти келиб ўша хонимга хизмат қилишни кўнглига тугиб қўйганди.

Ажабо ўша Мунаввар хониммикин ё? Лекин дунёда Мунаввар исмли аёл биттагина эмасдир. Ким билсин... Ўғлини уйлантирмоқчи бўлаётган қанча-қанча Мунавварлар бордир бу шаҳри азимда.

Шу зайлда қанча вақт ўтганини билмади, фақат қабоқларига тушган юк ухлаш лозимлигини англашиб турарди; туриб ётоғига кирди.

III

Жуда иссиқ бир кун. Одамни лоҳас қилувчи ҳаво. Амина боғда куйманеди. Чарчаган, ҳолдан тойган, томоқлари қуриган. Оҳ, қани сув бўлса, қона-қона ичса? Сув сўрай деб атрофга қаради, ҳеч ким йўқ. Ноилож сабр этишни лозим кўрди. Қимирлашга ҳаракат қилди. Бўлмади. Оёғи боғлангандай. Онаси ёдига тушди. «Онажон, сув беринг», деб бақирди. Жавоб бўлмади. Ҳеч ким кўринмади. Яна шу ҳол такрорланди. Нима қилсам экан, деб ўйланиб ётганда, ўнг тарафида бир аёл кўринди. Юз-қўлидан бошқа жойлари ёпиқ бир хоним. Юзларидан нур ёғилади. Аминага яқин келди ва сув тўла пиёлани узатди. Амина уни дарҳол олиб, охиригача ичди. Бошини кўтарди:

— Хола, Аллоҳ рози бўлсин, ташаккур, — деди. Аёл жавоб берди:

— Менга эмас, сувни яратганга шукр эт, болам!

Амина Яратганга шукр айтди. Аёл бошқа гапирмасдан чиқиб кетди. Бу покиза, нурюзли хонимнинг ортидан қараб қоларкан, азон эшитилди, Амина кўзларини очди. Тонгга яқин кўрилган тушлар хайрли бўлишини эшитганди. Узундан-узоқ ўй сурди. Чанқаганда нотаниш бир аёл унга муздай сув берди — бу яхшилик аломати. Онаси ўрнига ғамхўрлик қилган нотаниш аёл — борган ерида роҳат кўришига ишорат эди. Аминанинг ақли шундай дерди. Аммо ҳислари-чи?

* * *

Орадан уч кун ўтди... Амина овқат пишириш билан машғул. Онаси қўлидаги бир ёпинчиққа ямоқ солмоқда. Аминага берилган муҳлатнинг охириги куни... Бугун ўша масала ҳал қилинади. Амина жавоб айтиши керак. Кетиш ёки қолиш танланади.

Мушкул иш, қийин аҳвол бу. Аминанинг ёшидагилар учун машаққатли кечиши табиий, чунки бу масалага илк

бор дуч келиши. Ҳаттоки онасига бўлса ҳам, турмушга чиқиш истагани билдириш — оғир иш.

Кўрган туши хайрли ва эзгу ишга ишорат бўлса-да, ота уйини тарк этмоқ осон эмас. Уч кун ичида Амина оғир ўйлар остида қолди. Уй ашёларига, қўйларига видолашаётгандай қаради. Кўз ёшларини зўрға тийди, бўғзига нимадир тиқилди. Баъзан ота-онасидан, сизларнинг жонингизга тегдимми, деб ич-ичидан сўрагиси келади. Фақат онасининг: «Бу ҳаётнинг қонуни, қизим. Уни ўзгартирмоқ ҳеч кимнинг қўлидан келмас», дегани ёдига тушиб, меҳр-муҳаббат билан авайлаган ота-онаси ҳақида бундай ўйлар сураётганидан ўзини айблайди. Айрилиқ бешафқат эди. Ким билсин, борадиган жойи қандай? Борган уйида бугунгача танимаган бир аёлни она дейди, кўпинча унинг ёнида бўлади. Ҳатто ўз туғилиб ўсган уйига меҳмон бўлиб келади, ўз отасини ҳафтада, балки ойда бир кўриши мумкин. Онасини зиёрат қилиш учун изн сўралади, рухсат берилмаса, яна айрилиқда қолади. Қандай қаттиқ ва шафқатсиз иш бу айрилиқ! Ё Раббий! Инсон ўз онасини, отасини кўриш учун бошқа бировдан, ўзида ҳеч бир ҳаққи бўлмаган онадан изн сўрайди. Йиллар бўйи оқ ювиб, оқ тараган, ширин уйқуларини тарк этиб, ер-кўкка ишонмай ўстирган, кўкси меҳр-шафқатга тўла ўз онаси энди иккинчи она ўрнига тушади, биринчи она эса нотаниш бир аёл бўлади. Жуда ҳам оғир иш бу. Ҳатто ўйласа, юраги орқага тортиб кетади. Амина шу куйи қолса, яна нималарни ўйларди, номаълум, фақат:

— Амина, — деб чақирган онаси унинг хаёлини бўлди.

— Лаббай, онажон, — дер экан, Амина ҳозиргина сурган ўй-хаёллари таъсирида пайдо бўлаётган кўз ёшларини базўр тутиб турарди.

— Қизим, қандай фикрга келдинг? Тунов кун айтганларимга нима дейсан, қизим?

Онасининг вужудини ҳам айрилиқ азоби эзаётганини сўзларидаги ўта майинликдан, одатдагидан кўра ўзгача бир меҳрибонликдан сезиш мумкин эди. Энди

Аминанинг кўзлари рўй-рост ёшланди. Онасининг кўксига бошини қўйиб, йиғлай бошлади. Бу жондан азиз кўкракка бош қўяркан, таърифига тил ожиз оналик ҳидидан кўнгли бўшаб, қаттиқроқ қучиб, кўз ёш тўкарди. Аминанинг бу ҳоли онасининг ҳам дардини оширди. Жигарпорам энди кўлимдан қушдай учиб, ўзга бир қўлга кўнади, қабалидаги уйқуларини қочирган ўйларию ўзини қадарсиз кўрсатишлари, сабру матонатлари тугагандай, йўқ, балки тўлиб-тошгандай эди. Қўллари энди бир меҳмондай кўринаётган қизининг сочларини силар экан, оҳиста титрар, кўз ёшларини тутиб туролмасди. Она-бола бир муддат шундай йиғлашдилар.

Йиғлаш кимга фойда келтирган? Ҳеч кимга. Йиғламоқ билан бир иш битадими?! Йиғламоқ қайси дарднинг давоси?! Кўз ёш кўнгили бўшатмоқдан бошқа бир нарсага яраса, кетган қайтса, бу дунёда кулганлар жуда-жуда оз қоларди. Шу сабабдан она кўз ёшларини рўмолининг учи билан артгач:

— Бўлди қизим, мени ҳам паришон қилма. Бошқа йиғлама, — дея Аминага тасалли берди. Бошини кўксидан кўтарди. Кўз ёшларини артиб, оҳиста силади, ёноқларидан ўпди. Амина гўё бир неча ёшга кичрайиб қолгандек эди. Аслида вазмин Аминага онасининг бу ҳаракати ўзгача таъсир этди. Маъсум гўдакдай ёшли кўзларини онасига тикди:

— Она, мендан безор бўлдингизми? Энди мени яхши кўрмай қўйдингизми?

— Қизим. Ҳеч замонда ота-она ўз боласидан безор бўладими? Бунга қандай тилинг борди, бундай гаплар хаёлингга қандай келди?

— Унда нега мени узатмоқчисиз? Нега отам бизнинг келин бўладиган қизимиз йўқ, деб ўша кишини қайтармади? Мен борган еримда роҳат кўраманми? Улар мени сизлар яхши кўргандек яхши кўрадиларми? Уларни ота-она дейманми? Уйда, кўнглингизда Амина учун жой қолмадими? Бир кун келиб бировнинг эшигига юборар экансиз, нега мени бу қадар яхши кўрдизми? Нечун ҳар

кун уриб-сўкмадингиз? Нечун қуруқ нон билан боқмадингиз? Ўзингизга шунчалар боғлаб қўйиб, энди нега мени бегона эшикка йўллайсиз? Кўнглингиз бунга нечук рози бўлди? Ичингиз ачимадими, она? Бу уйда мен ортиқча бўлиб қолдимми? Ота-онасига юк бўлиб қолган менми?

Аминанинг бу сўзлари таъсирида йиғламоқ гали энди онасига келди. Бу сўзларни тинглаб туриб, чидаш мушкул эди.

— Бўлди, Амина. Бундай гапларга қандай тилинг борди, қизим? Сендан ким безор бўлибди? Сени ким ёмон кўрибди, қизим? Сен она кўнглини ҳали ҳис эта олмайсан, болам. Сенинг кўлингга кирган тикан, санчилган игна она қалбига ботади. Жигарпорамни келин қилиб узатиш, айрилиш азоби менинг кўнглимни пораламайди, деб ўйлайсанми? Ҳатто ҳайвон ҳам боласидан жони оғриб айриларкан. Мен инсонман-ку! Сен келин бўлмасанг, мен келин бўлмасам, ким бўлади? Шу тариқа наслимиз, ҳаётимиз давом этади.

Она-бола шу тариқа бироз суҳбатлашди, дардлашди. Амина турмуш қурмасликка чора йўқлигини тушуниб етди.

— Майли она, агар борган еримда беҳузур бўлсам, ароқхўр, қиморбоз, ахлоқсиз бир кимсага узатсангиз, икки қўлим ёқангизда, — деб сўзини тугатди.

Ўтган бир-икки ҳафталик вақт Мустафо ва Мунаввархоним тўғрисида билиб олишга етарли бўлди. Маҳмуд оға Мустафони аввалдан танир эди. Онаси-чи?! Онаси қандай аёл? Бунини ўрганмоқ керак эди. Мустафо қанчалик яхши бўлмасин, онаси муаммо чиқарувчи бўлса, оилада тинчлик бўлмайди, келин-куёвни бир-бирига қарши қилиб қўяди. Маҳмуд оға: «Ўғли яхши бўлса керак, деб номаълум қайнона кўлига қизимни беролмайман», деган хотинига ичидан тан берди. Мунаввархонимнинг ахлоқи тўғрисида орқаваротдан сўраб суриштирилди.

– Покиза аёл. Ёмонлигини кўрмадик. Шунча йиллик қўшнимиз, биров билан уришганини билмадик. Ортдан ёмонлаган ҳам бўлмади. Унга ҳавасимиз келади, – деди бир қўшни аёл. Бошқаси:

– Мунаввархонимми? Нимасини айтасиз?! Одобли, хуш ахлоқ. Саси-садоси йўқ. Иши ибодат ва зикр. Уйини бир кўринг. Ҳаммаёғи тоза, саранжом-сарашта. Ҳар кун эртадан кечгача уй йиғиштириш билан машғул, деб ўйлайсиз. Бир ҳафта аввал уларникига борувдик, биттаси:

– Во ажаб, Мунаввархоним, уйингизда худди бўйи етган қизингиз бордек, қачон келсанг, қачон қарасанг, уйингиз тартибли, озода. Менинг уйимда қизим-келиним бор, ўзим ёрдамлашаман. Бари-бир сизнинг уйингиздай саришта эмас. Майли қиз, қиз. Лекин келиним тиниб-тинчимайди.

Буни эшитиб Мунаввархоним кулимсиради. Кейин қўшиб қўйди:

– Тонгда уйни саранжомлаб, нарсаларни жой-жойига қўйиб, тартибга келтираман. Олинган нарсаларни яна қайтариб ўз ўрнига элтиб қўяман. Шундай қилсангиз, излаган нарсаларингизни ўз жойидан топасиз. Супургини жойида эмас, бошқа жойларда қолдириш, ишни қийинлаштиради. Лозим бўлганда, излаб овора бўласиз. Ҳолбуки, мен тунда туриб, чироқни ёқмасдан, қўл узатиб излаган нарсамни ўз жойидан топаман. Буни сизга ҳам тавсия қиламан, ортиқча овора бўлмайсиз.

– Мунаввархоним шунақа аёл, ўзимиз у каби бўлмасак-да, Худога шукр, шундай қўшнимиз бор.

Бир кун бирга ўтириб суҳбатлашар эканлар, Юсуф афанди Маҳмуд оғага Мустафо билан Аминани муносиб бир шаклда кўриштириш кераклигин айтди. Оға бу таклифни яхши қабул қилди:

– Жуда ўринли гап. Эртага Мустафо билан бизникига келинг. Насиб этганини баҳам кўрамиз. Бу орада ёшлар ҳам бир-бирини кўришади, – деди.

– Аммо биз учун ортиқча ташвиш қилманг. Уйда ҳар кун не бўлса шу, ундан ортиғига биз рози эмасмиз.

— Хижолат бўлманг. Самимиятимиз бунақа нарсалардан устун. Қирқ йиллик дўстмиз-ку, ахир. Ҳаммаси жойида бўлади, иншааллоҳ!

Оёқ кийимининг ипини боғлаётган Мустафони кўрган одам унинг қаттиқ ҳаяжонда эканини сезиши мумкин эди. Ҳатто Юсуф афанди ҳам шунга яқинроқ бир ҳолда. Ҳозир у ҳам ўзининг уйланганлиги ва хонимини тўй кечасига қадар кўрмаганини эслади: «Биз ҳам шундай кўришганимизда, нималарни ҳис этган бўлардим, ўзимни қандай тутардим».

Уч киши дастурхон атрофига ўтирдилар. Дастурхонда меҳмон кутилганини билдириб турувчи алоҳида тайёргарлик йўқ эди.

— Бундан зиёдароқ зиёфатга қурбимиз етмайди десак, Аллоҳ берган неъматни инкор этган бўламиз. Фақат дастурхон атрофига ўтирганимда маҳалладаги фуқаро кўз олдимга келади. Ўрта ҳолдан зиёда ейдиган бўлсам, худди уларнинг ҳақини тановул қилаётгандек бўламан. Шу сабаб сиздек самимий дўстларим билан шу тарзда таомланаман. Бу гапни ҳам илк бор сизга айтяпман. Бошқа биров эшитса, намойишкорлик ҳисоблайди. Бизлар эса кўпдан бир-биримизни яхши тушунамиз.

Овқатдан сўнг эшик оҳиста тақиллади. Амина қўлида қаҳва билан ичкарига кирди. Меҳмонларга қаҳва узатаркан:

— Хуш келибсизлар, — деди.

Маҳмуд оға курсига ишора этиб:

— Ўтир, қизим, — деди. Амина ўтирди. Қаттиқ ҳаяжонланаётгани юзининг қирмизи тус олганидан билиниб турибди. Бир замон кўзлари ерга, бир нуқтага тикилиб қолди. Бу орада Мустафо Аминани кўрди. Қусур тополмади. Соф ва покизалиги кўриниб турарди. Ким билсин ёнларига келиб, ўтириш учун қанчалар куч сарфлаган.

Юсуф афанди Мустафони суҳбатга тортиш учун бир-икки савол берди. Уч эркак суҳбатлашар экан, бир оз ўзига келган Амина неча кун-ки тасавурида

жонлантирмоқ учун уринаётгани — Мустафога қаради. Ёқимсиз ҳеч қандай ҳоли йўқ. Доно-доно сўзлаши, кўпроқ тинглаши ўзига жуда ярашар эди.

Бирпас ўтиб, меҳмонлар қўзғалди, Маҳмуд оға хонимига вазиятни ўрганишни тайинлаб, ташқари чиқди. Онаси Мустафо ёқиб-ёқмаганини сўраши билан Аминанинг юзлари яна қизариб, бошини эгди.

Маҳмуд оға бу ҳолни эшитиб: «Сукут — аломати ризо», деб ўйлади.

Бир кун Юсуф афандини топиб, Мустафога қизини беришга рози эканини билдирди. Хайрли турмуш, бахт-саодат тилади. Икки дўст бу мавзуда бироз суҳбатлашдилар. Юсуф афанди розилигининг сабаби яхши оила эканлигини бир бор эслатгач:

— Мен учун яхши турмуш муҳим. Қизимни олтинкумуш, инжулар билан безатганингиз билан, турмуши яхши бўлмаса, бойлигу безакларнинг бир пуллик қадри йўқ. Ишонаманки, қизим борган жойида келинлик бурчини адо этади; катталарга ҳурмат-иззатда ва хизматда бўлиб қусурга йўл қўймайди. Албатта, ҳали ёш, камчиликлари бор. Агар қасддан камчиликка йўл қўядиган бўлса, бу бошқа гап. Фақат билмасдан қилган хатоларини кечирсангиз, қизидан айрилган бағри ёниқ бир отага тасалли берган бўлардингиз, — деди.

Оға бу сўнгги сўзларини айтаётиб, бошини бурди, деразадан ташқарини кузатаётган қилиб кўрсатди ўзини. Аммо Юсуф афанди унинг кўзларида пайдо бўлган ёшларни пайқади. Юсуф афанди бир муддат оғани ўз ҳолига қўйди. Сўнг дона-дона қилиб шундай деди:

— Оға, мен сизни яхши кўраман. Сизнинг кўнглингиз ўксиса, мен ҳам хафа бўламан. Амина борган жойида беҳузур бўлса, менинг ҳам виждоним қийналади, изтироб чекаман. Агар бу уйда Амина яхши яшашига ишонмасам, уни сўраб бормас эдим. Мустафо олижаноб йигит. Уни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Онасига келсак, ажойиб аёл. Мустафодай йигитни йигирма йил тарбиялаб вояга етказган аёл Мунаввархоним. Янада очикроқ айтадиган

бўлсак, бу уйда қизингизни қайнона эмас, ўз фарзандидай бағрига босувчи меҳрибон бир она кутади. Бунга ишончингиз комил бўлсин, оға. Қизингиз Мунаввархонимдан фақат инсонийлик ва яхшилик кўради. Сохталикни билмайдиган, самимий аёл Мунаввархоним. Бир кун келиб бу ишга сабабчи бўлган каминага раҳматлар айтасиз.

IV

Мунаввархоним қирқ ёшларда, бўйи ўртадан баланд, ориқ ҳам, семиз ҳам бўлмаган гўзал юзли бир хоним. Йилларнинг гоҳ вазмин, гоҳ маҳзун шамоллари сочларининг ярмини оқартирган. Юзида пайдо бўлган бир-икки чизик, гоҳи-гоҳида тақиладиган кўзойнак етукликдан кексалик сари ташланган илк одимдир.

Агар исми жисмига, хулқига, ўзига мос хонимга мисол излаш лозим бўлса, мисоллар бошида Мунаввархоним туради. Хатти-ҳаракатларидаги самимият Мунаввар (нурли ва нурланган) исмини олишга лойиқ эканлигини исбот этадиган даражада очиқ-ойдиндир.

Кўни-кўшни ҳурмати қозонган вазмин, сокин аёл. Лозим бўлмаганда сўзлаш унга ёт, ўйламасдан сўзлаш унинг луғатида йўқ. Шу сабаб сўзлаган сўзидан пушаймон бўлмайди. Гўё жимлиги учун афсус чекмаган каби.

Кичиклигидан бери тўйларда ҳам тақинчоқ тақмаган. Мақсад — бир фақир кўриб, менда ҳам бўлсайди, дея ўксинмасин. Мунаввархонимнинг тақинчоқ тақмаслиги билан иш битадими? Йўқ. Тўйларга мақтаниш, кўз-кўз қилиш учун қимматбақо тақинчоқлар тақиб келувчилар озми?! Фақирлар тўйга келганига пушаймон бўлишадикун, деган фикрни хаёлидан ўтказмайдиганлар кўп. Шу сабабли, Мунаввархоним тақинчоқ тақса-да, тақмаса-да, фақирнинг кўнгли ўксийди. Фақат Мунаввархоним бу кўнгилсиз ишга ўз ҳиссасини қўшгиси келмайди.

Кимки балчиққа ботса эс-ҳушига келгач, бу ишдан ўзини тортиши табиий; ёмонга қўшилган яхшиланмайди.

Мунаввархоним жағи очиқ, эзма хотинлардан эмас, суҳбатни ҳам, сукут сақлашни ҳам билади. Ноўрин сўзламайди.

Бир кун гийбатга чоғланган бир аёлга:

— Аллоҳ сизни ҳам, уни ҳам, мени ҳам афв этсин, — дейиш билан кифояланди. Аёл ҳовлиқди:

— Аллоқ мени нечун кечиради?

— Чунки сиз динимиз тақиқлаган ишни қилдингиз, гап ташидингиз, у айтган сўзни менга етказдингиз. Бу иш гуноҳ. Тўғри эмас. Мабода гапирган бўлса ҳам, менга айтмаслигингиз керак эди. Иккимизнинг орамиз бузиладиган бўлса, бундан сиз фақат гуноҳ орттирасиз, — деди Мунаввархоним.

Бундай муомалани кутмаган аёлнинг кайфияти бузилди. Режасига кўра, Мунаввархоним уни тинглагач:

— Вой, шунақами... — дея ўша хотинни ёмонлаши, орага совуқлик тушиши керак эди.

Довдираб қолган хотин яна сўради:

— Унинг ва сизнинг гуноҳингиз афв этилиши недан?

— У менинг гийбатимни қилди ва гуноҳ орттирди. Мен ҳам гуноҳкор бир аёлман. Иккингиздан ҳам кўпроқ гуноҳорман. Бунинг устига ишонадиган, суянадиган бирор амалим ҳам йўқ. Ёлғиз Парвардигоримнинг кечеришидан умидворман.

Самимий айтилган бу сўзлар аёл кўнглида кучли ҳаяжон тўлқинларини кўзгаб юборди. Ўзини тавбага бошлайдиган қувват таъсирида қолди. Фасодчи зеҳнидаги бу хотин кетаётиб Мунаввархонимнинг фазилатларини ўйлаб, ўзининг бу фазилатдан узоқ кечирган умрига бадал бўлишини ҳис этди.

Бошқа бировнинг қабоҳатини кўрмаслик мумкинми? Йўқ, мумкин эмас. Аммо Мунаввархоним бу қусурни ўзидан қидиради, тополмаса бошқа бир камчилигим бор деб ўйлайди, асло ўзгалар қабоҳатини тилга олмайди, аксинча ўз нуқсонларини тузатиш йўлига киради.

Эрталаб туриб марҳум эри ва ўтган яқинларига «фотиҳа» ва уч «ихлос» ўқимасдан овқатланишни муруватсизлик санайди. Ўтганларни ўйламасак, келгуси авлодлар бизни ўйламайдилар, марҳумлар тириклар нон-сувга муҳтож бўлганидан зиёдароқ фотиҳага, дуога муҳтождирлар, дейди. Уларни маҳрум этмайди, дуо билан ёд қилиб, руҳларини шод этади. Марҳумлар дуоларимизни кутиб туришларига қаттиқ ишонади.

Мунаввархонимнинг эшигига «почтачи»лар кўп қатнайди. У почтачи деб фақир, мискинларни айтади. Яхши ният билан берилган ҳар садақа, эҳсонни нуқсонсиз охиратда кўзлаган манзилга элтувчи «почтачи»лар... Дунёда энг катта ва машҳур почтахона ҳамда почтачилар ҳам янглишиши мумкин. Ҳатто омонатлар ҳам баъзан талончилик туфайли йўқолиши мумкин. Аммо охират «почтачи»лари ундай эмас. Берилган садақанинг йўқолиши ёки ўзга манзилга тушиб қолиши мумкин эмас. Почта пули (муҳри, белгиси, маркаси) ўрнида ихлос ва самимият (яъни садақа) бўлса, зое кетмаслигига Яратганнинг ваъдаси бор. Баъзан фақир-мискинларни ўзига шерик деб билади. Яъни мол ўзингдан, экиб-тикиб охиратда кам деганда ўн баробар ҳосил кўтариш шартномасини ташкил этган бир шерик. Шу сабаб ҳар келганида озми-кўпми уларни мамнун этади, берганлари ўн баробардан зиёда қайтарилишига ишонади.

Мунаввархонимни икки жумла билан таъриф этсак: дини хусусида доимо ўзидан илғорларга қараб, улардек бўлишга ғайрат қилади, дунёси ҳақида ўзидан ортдагиларга боқиб, ҳолидан рози бўлади ва шукр этади. Мана унинг ахлоқи. Нони ёғсизми, гўштсизми, пишлоқсизми, ҳолвасизми? Гап бунда эмас. Чунки ёғсиз-гўштсиз қуруқ нон тополмаётганлар бор. Бир кун оч қолганми? Икки-уч кун ейдиган нарса тополмаётганлар йўқ эмас. Мунаввархоним бунга ўхшаш моддий ҳар нарсадан кечиши мумкин. Фақат одоб ва тарбия, дин ва ахлоқ хусусида асло бундай эмас. Масалан, у: «Ҳар ким ҳар кун ёлғон гапиради, мен бир марта сўзласам ҳеч нарса қилмайди» деёлмайди.

Кимлардир одобдан айрилган, кимлардир турли ахлоқсизликни гурур-ла намоиш этган бу оламда иродасига ҳоким, тўғри йўлда ёлғиз қолса-да, умидсизликка тушмаган хонимлар хонимини кейинроқ яхшироқ таниб олиш имконияти бордир.

* * *

Одамларнинг бари тўғри, бари виждон соҳиби бўлмаслиги мумкин. Хайрли иш қилмоқчисан. Олдинда девордай турувчи йўлтўсарлар, бошқанинг фалокатидан хузурланувчилар, таги паст, келиб чиқиши номаълум, нотайин бадбахтлар бор. Ҳар қайда, ҳар қачон, ҳар даврда бу тур инсон қиёфасидаги инсоният душманлари топилади.

Булар жамият вужудига тушган қуртлардир, яра очмагунича тинчимайдилар. Икки оила, икки дўст орасини бузиб завқланадилар. Етолмаган неъматини ўзганинг қўлида кўриб, унга адоват туяди. Овини олдирган йиртқичдай унга ташланмоқ пайида бўлади. Ёки тулкидай пайт пойлайди.

Амина Мустафога унаштирилгач, бу оч қуртлар фақат бир ҳафта сабр эта билдилар. Бир кун пешиндан сўнг Мунаввархонимнинг эшиги секин тиқиллади. Нотаниш бир аёл келди. Эшик очилар-очилмас ўзини ичкарига олди.

— Меҳмон қабул қиласизми?

— Марҳамат, — дея Мунаввархоним уни ичкарига таклиф этди. Сўрашди. Аёл нимадир демоқчи.

— Сизни яхшироқ таниёлмай турибман, хижолатдаман. Кимлардансиз?

Аёл айни пайти келганидан гап бошлади; Аминалар маҳалласидан экан, Аминани ўғлига унаштирилаётганини тасодифан эшитиб, хайрли бўлсин демоққа келганини айтгандан сўнг:

— Яхши бўпти, эгачи, яхши бўпти-ю, аммо ўғлингиз олижаноб бир инсонлигини эшитдим. Амина ҳам яхши қиз-у, лекин тўғрисини айтсам кўнглим рози бўлмади. Ўғлингизга кимлар қизини бермайди? Кимни кимга қўшаётганингизни сўраб-суриштирсангиз бўлмасмиди?

Мунаввархоним аёлга сўзида бошқа давом этиши учун имкон бермади. Ҳали эшикдан шошилиб, таклифни кутмай киришиданоқ бу хотиннинг бузғунчилардан эканини англагандек бўлганди. Энди гумони кундай аён бўлди.

– Бу масалани қўяйлик, жигарим, бошқа гаплардан гаплашайлик, – деди Мунаввархоним.

– Аммо болангизни мушкул ҳолга қўймоқдасиз.

Мунаввархоним гапни бўлди:

– Мен ўғлимни бошқалардан зиёдароқ ўйлайман. Бозордан помидорни ҳам текшириб оласиз, мен бир умр бирга яшайдиган келинимни суриштирмасдан оламанми? Шу қадар нодонманми, хоним? Бизни жоҳил ҳисоблайсизми? Ўғлини ўйлаётган менман. Сизнинг қизингизни олиб бераётганим йўқ-ку. Келиним ҳақида бирор нарса сўрасам жавоб беринг. Ортиқча гапга ҳожат йўқ, жим турган маъқул. Менга яхшиликни раво кўрсангиз, ортимдан дуо этасиз. Келиним бошдан-оёқ қусурли бўлса ҳам, танлаганим шу. У билан яшайдиган ҳам мен.

Вазият хотин кутганидай бўлиб чиқмади. Бундай бўлишини ҳеч ўйламаганди. Мунаввархоним чой, қаҳва келтирди: ҳар на бўлса, меҳмон. Аёл қаҳвани ичар-ичмас қўзғалди. Мунаввархонимнинг кўнгли хотиржам эди; керакли сабоқ берилди. Фақат унинг ҳам кўнгли жойига тушиши керак. Инсонийлик, яхшилик қилганга яхшилик қилишгина эмас, ундан зиёда яхшилик қайтариш, ёмонлик қилганни эса аввал афв этиб, кейин унга яхшилик қилишдир. Шу сабаб Мунаввархоним бу аёлга яхшилик қилгиси келар ва буни инсоний бир бурч деб биларди. Балки хотин Аминанинг қўшнисидир ёки қариндошидир. Ораларида озми-кўпми келишмовчилик бордир.

Бу гаплар Аминанинг қулоғига етиши ҳам мумкин. Бу хотинни ортиқча уялтиришнинг маъноси йўқ:

– Хонимафанди, сизни танимайман. Балки келинимнинг қариндошидирсиз. Қандай бўлмасин, бошқа бундай иш қилмаслигингизни ўтинардим. Мен келинимни аввал сўраб суриштирдим, кейин олишга қарор қилдим. Яна қирқ киши келиб, уларни қораласа ҳам фикримдан қайтара олмайди, шундай, энди сизга келсак, хавотирланманг, шу гап шу ерда қолади. Бориб

Аминага айтмайман. Сүзим рост. Мен бундай ишларни ёқтирмайман. Бунга ишончингиз комил бўлишини истардим.

Аёл қаршисидаги хоним мустақил фикрли бўлиб, тортилган тарафга судралмаслигини тушуниб етди. Тураркан узр сўради. Ич-ичидан бошқа бундай иш тутмасликка қарор бериб ажралди. Мунаввархоним унинг гапига ишонмагани, алдамагани, яхшини ёмондан ажратолгани учун шукроналар айтди. Сўнгра:

— Бу аёлни бундай ёмонликларга тушмоқдан Ўзинг кўриқла, уни афв эт! — дея дуо қилди.

* * *

Маҳаллада Мунаввархонимдан ёмонлик кўрган бирор ҳамсоя-қўшни, бир хеш-ақрабо, бирор қариндош-уруғ йўқ. Бир кун Аминалар эшиги тақиллади. Келган бўхчачи аёл эди. Чойшаб, кўрпа-ёстиқ жилдларига ўхшаш нарсалар сотади. Тилини чапиллатиб:

— Қизим, жуда чанқадим, муздай сув бер, ичайин, — деб гап бошлади. Сувни охиригача сипқоргач, бўхчасидаги нарсаларини бирма-бир чиқариб кўрсата бошлади. Ёқтирмаганларини бир четга қўйди:

— Уйда яхшироғи бор, хоҳласангиз эртага олиб келаман, — деди. Хотин жуда эзма эди. Шаҳарда танимайдиган одами йўқдай фалончи шу мовий кўрпа жилдидан олган, пистончи бир дунё кўрпа-тўшак, ёстиқ жилдларини сотиб олди ва ҳоказо.

— Одамлар ҳар хил, қизим. Биров сариқни хуш кўради, биров қирмизини ёқтириб олади. Кимдир яхшига, яхшиликка, кимдир ёмонга, ёмонликка ишлатади пулини. Кучи етмайдиган камбағали бор, яна хасис, зиқнаси бор. Шунинг учун ҳар қайсисининг истагига, имконига, кўнглига мос мол топиб келтираман, — деди.

У бир чойшаб ва кўрпа жилдини очмасдан секин эҳтиётлаб ён томонига олиб қўйди:

— Хола, уни ҳам кўрайлик, — деди Амина.

— Булар сотилди, қизим. Кеча бирига ваъда берувдим. Қолаверса, сизга ёқмайди, жуда одми нарса. Хоҳласангиз, кўринг, — деб уларни ҳам кўрсатди хотин. Ҳақиқатдан, нарғи кўринар даражада юпқа, ҳарир, бир пулга қиммат нарса экан. Хотиннинг яна жағи очилди:

— Айтдим-ку қизим. Беш бармоқ баробар эмас. Биров қашшоқ, биров хасис, кимдир олгиси келади-ю, олмайди. Ўғлини ўйлаётганмиш. Гапига қараганда қуда тараф бироз бойроқ эмиш:

— Отасининг ёлғиз қизи, ҳамма нарсани тўқис қилишлари тайин, мен харажат қилиб нима қиламан, мен учун қилмайдилар-ку, ўз қизига беради-да, дейди.

Чуқур нафас олгач:

— Ҳар ким ҳам сендай эмас, болам. Биров ҳаракат қилиб топади, мол-мулкини фарзанди учун сарфлайди, бировнинг туки ҳам қимирлаб қўймайди. Не қиласан, элчилик!...

Сўнгра ўша нарсаларни тахлаб, жойига қўяркан ўзича қўшиб қўйди:

— Инсон буни фақирга бергани ҳам уялади. Кошки уйи яқинроқ бўлса, жаҳаннамнинг туби! Бормасдим-у аммо начора, нон қайғуси...

Амина безовталанди. Ҳалиги матоҳни бир аёл уйланадиган ўғли учун олмоқда. Қиз оиланинг ёлғиз қизи. Бу шубҳа атрофида узоқ тўхтамади Амина. Аёл ишини битирганди. Амина шубҳадан тамоман қутулишни истади. Ўша аёл Мунаввархонимми ё бошқами?

— Хола, бу нарсаларни ўша аёлга элтасизми?

— Ҳа, қизим, нимайди, начора. — Қўли билан бўғзига ишора этиб, — шунча оғизни тўйдирмоқ лозим. У ердан бошқа муштарийлар чиқар.

Шу пайт онаси ҳам гапга қўшилди:

— У аёл қайси маҳалладан? Кимлардан? Биласизми?

Бўхчага эътибор бермагандек бошини бироз кўтариб илгарига ишора этди:

— Ҳув, ўша ёқда. Қоракўлдан нари. Нимаиди отиям... Ҳозир, Мурувватмиди, Мунаввармиди ... шунақа бўлса керак.

Она-бола бир-бирига қараб қўйишди. Қарашларида кўп мазмун ниҳон эди. Амина маъюс тортди. Хотин айтган аёл ўша Мунаввархоним эди. Ҳозирдан бу тушунчада бўлган қайнона ёнида мен нима қиламан, дегандек ҳолда эди. Онаси хотинга қараб деди:

— Шошманг, буви, бундай ишлар айб-ку, буларни ўз қизингизга раво кўрасизми, демадингизми?

Хотин кўзларини ярим юмиб, сал иягини кўтариб, «Қани бўш келма», дегандек:

— Эй, менинг ишим нима, қизим. Ақли, виждони бўлса, менинг маслаҳатимга эҳтиёжи борми? Демак, ҳамияти буни кўтаради. Мендай бир бўхчачининг гапи деб сўзидан қайтармиди?! Ҳақиқатда шайтон чалғитган. Сизга бир нарса айтайми? Ўша уйга келин бўлиб борадиган қизга юрагим ачийди, оғир бўлди унга дейинми, нима дейишни ҳам билмайман. Ота-онаси сўраб-суриштиришса бўларди-да. Ота-онасининг жони йўқми, зардаси йўқми, билмадим. Боламни бундай куйдиргандан кўра, уйда сақлардим.

Сўнг ўзича сўзлади:

— Қоринни тўйғизолмасанг, бўғзига ип солиб торт. Ҳеч бўлмаса бола бечора кимлиги номаълум бир кишининг қўл остида умр бўйи қийналишдан озод бўлади.

Аёл сўзлари етарли бўлганини фаҳмлади, шекилли, бўғчасини олиб, сўзини давом эттирди:

— Кимнинг қизини олаётганини билсам эди, тап тортмай огоҳлантирардим. Бундай ишлар савоб. Ҳеч бўлмаса маъсума бир қизчани қутқарган бўлардим. Одамгарчилик бизни тарк этди. Онам акамни уйлантираётганида нелар қилмади. Ўша кунлар ўтди-кетди...

Шуларни айтиб-айтиб бўхчасини кўтарганча чиқдикетди. Ортидан эшик ёпган Амина ва онаси бу сўзлардан бир қарич чўккандай бўлди.

Умуман аёллар шундай. Юз дафъа ёлгон тузоғига тушиб, яна ёлгонни эшитса, ишонади, шу қадар кўп бошдан кечирдим, дейиш уларга ёт.

Бўхчачи аёл бу иши билан нимага эришиб, нима йўқотди? Йўқотадиган нарсаси йўқ. Аслида одобдан, ҳаёдан, иффатдан маҳрум бир кимсанинг одатий иши. Ҳар куни шу зайлда кечади. У учун муҳими пул, иғво, гийбат. Бу иши тўғрими, йўқми, ўйлаб ҳам кўрмайди.

* * *

Маҳмуд оға оқшом уйга келиб қовоқлари осилган она-болани кўрди. Ҳол сўради. Амина дарҳол ташқарига отилди. Онаси аҳволни, бўлиб ўтган гапларнинг ҳаммасини айтди. Сўнгра қўшимча қилди:

— Шошилдик, отаси. Йигитни биламан, яхши, яхши дедингиз. Яхшилаб сўраб-суриштирмасдан қизингизни бердингиз-қўйдингиз, тезда «хўп» дедингиз. Хўп, ўғил яхши, қайноначи? Жигарпорам эртадан қаро кечгача у билан қоладими? Ҳозирдан молингга кўз тиккан аёл, ким билсин эртага не ҳунарлар кўрсатади?! Не савдолар солади, қизимнинг бошига. Бу ишда бир гап бор деб, кўнглим сезувди-я. Ҳеч кўрмаган эдик совчиликка аёллар қолиб эркаклар келганини. Нечун ҳозиргача қорасини кўрсатмади бу аёл? Бошида кали бўлмаса, келиб кўриниш берарди. Биз ҳам билар эдик.

Онаси чуқур хўрсиниб қўйди. Кўнгли негадир хуфтон бўлди. Кўп пушаймонлар чекди, нечун рози бўлдим?! Аламини оғадан олмоқчи.

«Пиёзни келин қилмишлару қирқ кун ҳиди чиқмабди. Бунинг ҳиди бир ҳафтада чиқди. Қани, кўрайлик-чи, яна нималар эшитамиз. Куйдирдингиз қизни, ўзимга қўйиб бермадингиз. Қайда кўрилган: бир ҳафта ичида совчи келиб, қизни олсин. Мен якка-ю ягона қизимни шундай жойга бериб, шундай узатаманми? Шошиб бошни ёриб ўтирибсиз. Яхшилаб ўйлаб кўрайлик, ўзингиз тузата

оларсиз. Ўзингиз бошладингиз, энди чорасини ўзингиз топинг!»

Маҳмуд оға хотинининг сўзлари нега бунчалар тушкун ва куйгун эканлигини биларди. Ҳар гапни тўғри санаб, ҳар эшитганига ишонишини, бунинг устига оловга тараша қалаб, ермой сепишини неча йилки билади. Бир ҳафта аввал ўзи ҳам Мунаввар хонимни бир неча кўшниларидан сўраб суриштиргач:

— Менга қолса, бундан яхши аёл бўлмайди. Ҳамма яхши деди, мақтади. Кошки бизни ҳам одамлар шундай мақташса, — деган хотинининг ўзи эди. Бир ҳафтадан бери жим эди. Бундай воқеаларни кўп кўргани учун аҳамият бермади, фақат асаблари жойига тушиб, тинчланишини кутиш керак эди.

— Кўрамиз, керагича ҳаракат қиламиз. Сен куйинма, бу ишни менга қўйиб бер, — деди оға ва ташқарига чиқди.

— Амина... қани болам, дастурхон ёз... Отам келди, очиққандир ҳам демайсан? Ҳаҳ сен хоин қиз-а... ҳаҳ сен-а...

Амина бироздан сўнг келди. Юзи ғамгин. Кўзларидан йиғлагани билиниб турарди.

— Қизим, нима бўлди ё мендан хафамисиз? Таомни ёлғиз ўзимга едирмоқчимисан? Ўзинг-чи? Кел, ёнимга ўтир, мен ҳам хотиржам бўлайин. Майли, қани кел, бундай. Йўқса, хафа бўламан, — деди отаси.

Овқатланишаётганда она-қиз чехраси ёришмади.

Отасининг:

— Қани Амина, мен сенинг ёшингда бундай оз овқатланмасдим, — дейишига қарамасдан ҳеч нарса емади. Ниҳоят дастурхон атрофидан қўзғалишди. Амина отасига чой, қаҳва тайёрлаш билан машғул экан, Маҳмуд оға бундай вазиятда Мунаввархонимнинг келиш хабарини қандай айтишини ўйларди.

Пешинда Юсуф афанди айтган эди:

«Оға, бу оқшом сизникига борамиз. Мунаввархоним тезроқ борайлик деса-да, икки кундан бери мен орқага

ташлаб келяпман. Насиб этган бўлса, бугун борайлик деганди».

Уйга келиб, уйдагиларни бу ҳолда кўраман, деб ўйламаганди. Ҳозир тўғридан-тўғри бу оқшом бизникига улар келадилар, деса ким билсин не қиёматлар кўради. Қаҳвасини ичаётиб бирдан ёдига тушиб қолди:

— Онаси, сенга бир латифа айтиб берсам, нима дейсан?

— Нима дердим, бекорчиликда латифабозликдан бошқа нимаям қилардингиз? Қизни жа-а ўрнига жойладингиз. Энди навбат латифага келди.

Хотини изтироб билан гапирар эди. Зарда билан юзини ўгириб олмасидан деди:

— Хотин, шу Хўжа Насриддин, ҳалиги Насриддин Афанди қанча яшаб, қачон вафот этган деб ўйлайсан?

— Ҳей отаси, сиз мени нега масхара қиласиз? Вафотини сўрагунча, қачон туғилди, қачон суннат қилинди, қайси кун уйланди, нечта боласи бўлган, қандай яшаган, деб сўрамайсизми? Тавба. Мен мактаб-мадраса кўрибманми?! Сизнинг Хўжа Насриддинингиз билан неча пуллик ишим бор. Қачон ўлса ўлсин. Биров ўламан деса, бу киши куламан дейдилар. Ҳозир шунинг ўрними? Нега мени калака қиласиз?!

Оға арқонни янада узунроқ ташлади. Паст келди. Янада пастроқдан келди. Хотинининг тиззасига энгилгина уриб қўйгач:

— Қачон ўлганини билмаслигингни биламан. Ўзим ҳам қачон яшаб, қачон ўлганини билмайман. Фақат кўп қадим замонларда яшаб ўтганини биларсан, — деди.

— Биламан, хўш?!

— Эшит. Бир куни Афандини ёнига келиб эшагини сўрашибди. Хўжа эшаги уйда эмаслигини айтиши билан, эшаги ҳанграб қолибди.

— Хўжам, оппоқ соч-соқолингиз билан уялмайсизми ёлғон гапиришга? Эшак ҳовлингизда-ку?! — дебди ҳалиги киши.

Афанди дарҳол жавоб қайтарибди:

— Оппоқ соч-соқолим билан менинг гапимга ишонмай, эшакнинг гапига ишонасизми? — дебди. Хулоса шулки, Хўжа Насриддин ўлганига кўп бўлган, аммо сўзлари қимматли. Сен ҳам шундай. Бир хонимни мақтаб гапирган элнинг, кўпчиликнинг сўзига қулоқ солмайсан, тайинсиз, бир бўхчачининг гапига кирасан, унга ишонасан. Уятмасми? Мен қизим бораётган оила яхши чиқишини истамайманми? Ёмон жойга тушса менинг кўнглим тўлади, деб ўйлайсанми? Қизим фалокатга тушса, мен саодатга эришаманми? Ё қизимни фақат сен яхши кўрасанми? У аёлни ҳали кўрмадинг-ку?! Кўриб, таниб уяларсан, бу ишингга пушаймон бўларсан. Инсон дуч келганга, айниқса фисқ-фасодчига ишониб кетаверадими?! Бир эмас, беш уйдан сўрадинг. Бирига ишонмадинг, бошқасига бординг. Яхшилигини айтганларга ишонмасдан, ёмонлигини сўзлаган аллақандай нотайинга ишонасанми? Мен ҳам сенга ўхшаб ишониб, ишни бузсам, нима бўлади? Мунаввархоним биз эшитганларимиздан ортиқроқ фазилатли аёл бўлса-чи?!

Оға бу сўзларни айтаётиб қандай таъсир қилаётганини билиш учун хотинининг юзига қараб кўйди:

— Бугун улар бизникига келишаркан. Вазмин, сипо бўл. Меҳмон эканликларини унутма. Меҳмонларга муносиб иззат-икром кўрсат. Ўзинг ўйла, ҳақиқат аввалги эшитганларингми, бугунгисими рости... Иншааллоҳ, охири хайрли бўлади.

Ярим соатлардан сўнг дарвоза тақиллади.

* * *

Содда, лекин тоза кийинган бир хоним. Вазмин. Сўзлаши ҳам, сукут сақлаши ҳам ўринли. Ҳар ҳоли ҳурматга сазовор фазилат соҳибаси. Маҳмуд оға айтганидек, икки соат илгари айтган сўзлари учун хотинини хижолат чектирадиган, уялтирадиган етук хислатларга эга бир аёл. Аминанинг кўнглига бу кеча ишонч ҳислари тўлди. Уни кўриши билан юраги

хузурланди. Одамлар шунақа. Меҳри кўзидан, яхшилиги юзидан билиниб туради. Бир хиллари бор-ки, қанча ҳаракат қилинса-да, юзи-кўзини кўриб, сўзини эшитиб, асло яхши кўриб бўлмайди. Шундай одамлар борки, уларни кўришинг билан кўнглингда яхшилик қилиш туйғулари туғилади. Улар таъсирида латиф ҳислар оғушига киради инсон. Юзларида нур бор, илиқлик бор. Одам уларнинг юзларида қалбларидаги самимият ва ихлос, гўзал инсоний туйғулар аксини кўриб, дарҳол меҳри ортади. Азалдан танийдиган, биладигандек бир-бирига эл бўлиб қолади.

Мунаввархоним Аминада шундай таассурот қолдирди. Амина йироқдан келган холаси қаршисида тургандек ҳис этди ўзини. Унинг дона-дона сўзлари, сўзлаётиб маъноларга тўла маъсум кўзлари билан Аминага қараб кўйишлари кўнглига ором берарди. Ярим соат аввал кошки келмасалар эди, дея ўйлаган Амина кетишлари яқинлашган сайин яна бироз ўтиришларини чин кўнгилдан истарди.

Эй, хуш хулқ! Эй, гўзал ахлоқ! Қандай қимматли, қандай буюксан! Сен-ла душманлар дўстга, мусибатлар саодатга айланади. Эй, гўзал ахлоқ! Аллоҳ ҳузурда шарафинг баланд!

Аминанинг бўлажак қайнонаси ҳақидаги тушунчаси Мунаввархонимнинг хуш феъли, гўзал хулқи, очиқ чеҳраси туфайли қисқа бир фурсатда ўзгарди.

* * *

— Қандай онаси, нима дейсан? Бошида кали бўлмаса, бир бор келарди, дегандинг. Ўша ўйдамансан?

Хотини кулимсираб турарди. Мамнун эди.

— Ҳозирча бир нарса деб бўлмайди. Яхши аёлга ўхшайди. Охири хайрли бўлсин.

Мустафо ўқирди. Уйланадиган эркак вазифаларини, ўзига омонат берилаётган бир хонимга ҳақсизлик қилмасликни ўқиб ўрганмоқда эди. Адолатли, меҳрибон оила бошлиғи қандай ахлоқ қоилаларига риоя этиши кераклиги тўғрисида изланмоқда эди у.

Унинг изланиши ўзига оид вазифаларни билишига алоқадор. Аминага алоқадорини Амина ўйласин.

Оилада яхшилик ва инсонийлик йўлини, ҳар бир яхши ишни ўзига раво кўриш, шу билан бирга, Аминага ҳам гўзал муомала қилиш йўлини тутиш лозим. Аввало пичоқни ўзинга уриб кўр, оғримаса бировга. Номуста алоқаси бўлмаган айбларини бекитиб, афв этмоқ йўлини, йиллар бўйи онасидан ўрганган сабр, азму қарор йўлини тутмоқ лозим.

Амина ҳам буларни билса керак, эҳтимол эшитгандир. У ҳам инсон. Мустафонинг яхшилигига ёмонлик билан жавоб қайтармас, ахир?!

Хато-камчиликсиз, бекаму кўст инсонни ахтариш... имкондан ташқари иш. Шу қадар имконсиз-ки, ўз Яратганига қарши ҳатто кеча-кундуз исён қилган инсон, ўзига ўхшаш бир инсонга нисбатан вазифасини адо этолмаса, бу ғариб-ғалат қабул қилинмаслиги керак, яъни бундан ажабланмаса бўлади. Модомики, гулнинг ҳам тикани бор экан, Мустафо гулни тикани билан бирга яхши кўради. Ким билсин, ўзининг ҳам қилажак қанча хатолари бор? Ўзаро муносабатларда Мустафо яхши инсонлигини кўрсатишга азму қарор қилди.

Ҳаётда ҳам, оилада ҳам яхши яшашни таъминлаш — Аллоҳ ризосини топиш учун ҳаракатдир. Мустафо шундай қилмоқчи. Асло одамлар яхши яшадилар, дейишлари учун эмас.

V

Амина яна икки бор қайнонасини учратди. Уни ўз холасидай кўриб қолди. Чунки хаёлидаги қайнонага зид ўлароқ бир самимиятни кўрди унда. Уйига келгунча сохта меҳр туйган, уйига келгач ҳар куни оз-оздан ўзгариб борувчи қайнона хислати унда йўқ. Шу сабаб Амина уни ўзига яқин олди. Унга нисбатан кўнглида меҳр-муҳаббат ва ҳурмат жўш урди.

Ажабо, Мустафоси қандай экан Аминанинг. Агар у Мунаввархонимнинг ўғли бўлиб, тарбияни ундан олган бўлса, муаммо йўқ. Аммо иш фақат унинг ўғли бўлиш билан битмайди, албатта. Ота-онаси пок, хуш ахлоқли бўлиб, болалари одобсизлар ҳам учраб турибди-ку ҳаётда. Уларда ўша ота-она тарбиясидан ҳеч бир аломат кўринмайди. Ҳатто баъзилари умрини ибодат билан зийнатлаган ота-онасини айблашгача боради-ку.

Худди бебақо инжунни ўғридан асрагандек сочлари ҳам бегона кўзлардан яшириб ўраб-чирмаб, асраб-авайлаб ўстирилган қизлар шу қадар очилди-ки, қатто ҳаёсизлик ва яланғочликнинг энг сўнгги даражасига қадар етиб бордилар. Кўзини ҳаромдан сақлаш учун кўр бўлишни орзу қилганларнинг ўғиллари исловатхоналарда тунашни одат қилди. Эрталабгача қиморхона ва майхоналарни обод қилувчиларнинг бир қисмини ота-онаси ҳаром емоқдан олов ютишни афзал кўрувчилар эди.

Мустафо-чи, деб ўйлар эди Амина. У ҳам шунақа тоифаданми ёки она тарбияси билан ҳаёли ўсган бир йигитми? Лекин ҳозирча бу саволлар жавобсиз қолиб, бошида айланар, уни безовта қиларди. Оҳ! Мунаввархоним келса эди, у ҳақида бир-икки оғиз сўзлашсайди, уялмасайди, йўлини топиб сўрасайди у ҳақида!

Баъзан Аминани некбин туйғулар чулғар, Мунаввархонимдай аёл ўғли лойиқ бўлмаса уйлантиришга отланмасди, деб ўйларди. Эртага уялтириб қўйишини билиб бу ишга қадам ҳам қўймасди, бировларнинг

эшигига қиз сўраб, келин ахтариб бормасди. Лекин қайси она ўғлини ёмон дейди, ёмон кўради ва ўғлининг уйланмаслигини истайди? Агар Мустафони уйлантириш лозим бўлса, ўзи чекиниб, қариндошига ташлаб қўймайди-ку...

Лекин бўлар иш бўлди. Сўз берилди. Отаси сўздан қайтадиган киши эмас. Агар Мустафога бермаса, кимга узатади? Яна ўшандай нотаниш бировга! Шундай экан не бўлса бўлар. Ҳеч қурса Мунаввархонимдай асл ва покиза бир қайнона бор-ку...

* * *

Амина дуо қилмоқда. Мустафо ароқхўр, қиморбоз бир кимса бўлиб чиқмаслигини сўраб, дуолар қилмоқда. «Ё Роббим, ҳар ишга қодирсан, ҳар не сенинг қудрат қўлингда, ҳар не сенинг хазинангда етарли. Борадиган жойимда уялтирма, турмуш қилолмай ортга қайтишдан ўзинг сақла. Одобли, номусли яшашни, имонли, ибодатли дунёдан ўтишни, ҳузурингга покиза ҳолда боришни насиб айла!»

* * *

Тўй учун лозим бўлган ҳозирликлар кўрилди. Бу борада анча тушунча ва ҳаётий тажрибаси бўлган Маҳмуд оға Юсуф афанди орқали Мунаввархонимга шу хабарни етказди:

— Баъзиларга эргашиб, афсуски, урф ҳолига келиб қолган исроф ва турли ташвишларга берилмасин. Мутлақо шарт бўлганини бажарсин. Элнинг оғзига этак тутиб бўлмайди. Уларни мамнун қилиш учун уриниб қолмасин.

Мунаввархоним Маҳмуд оғанинг бундай файзли маслаҳати ва таклифини жуда яхши қабул қилди. Оға сўзида ҳақли эди. Тўйларда беҳисоб пуллар нечун беҳуда сарфланмоқда? Хосиятсизлик учун! Мақтаниш учун!! Шухрат учун!!!

Келинпошша бир кун, бор-йўғи бир соатгина киядиган либослар учун! Ҳар бири бир фақирнинг бир

неча ойлигига тенг бўлган қимматбаҳо, лекин ўринсиз зийнат ашёлари учун! Булар қанча камбағалларни тангликдан қутқариши, қанча маъсум гўдакларга шодлик улашиши мумкин эди, дея яқинларига тушунтиришдан чарчамас эди Мунаввархоним. Элнинг бу ҳолга тушишига сабаб бўлган икки тоифа инсонлар бор. Биринчи тоифа молини сарфлаб тугатолмайдиган, ўринсиз жойларга исроф этадиган бойлар. Иккинчиси, шундай бойлардан олинган қарз остида қолиб тўймаърака ўтказиб, бойлар билан беллашмоқчи бўлиб, бели синадиган фақирлар. Ана шу икки тоифа орасидан баъзан тиканлар аро қулф урган рангин чечакдек, ақли ва бу ақлини хайрли йўлда ишлатадиганлар ҳам чиқиб қолади. Уларнинг тўйга ҳадяси исроф-у харажат эмас, шу ёшлар тарбиясидир. Тўй ва турмуш фақат мол-дунё билан эмас, маънавий ҳол, бир-бирини тушуниш ва гўзал ахлоқ билан бунёд бўлишини яхши биладилар; ёшларни шу йўлда тайёрлаб етиштирадилар.

Демак, Маҳмуд оға шуларнинг бири. Исроф эмас, яхши турмуш зарурлигини чуқур англаган бўлса керакки, қудаларига ҳам шундай хабар жўнатди.

Орадан икки ой ўтди. Тўй ҳозирлиги ниҳоясига етди. Аслида ҳеч бир тўйда бутун тайёргарлик мукамал бўлган эмас. Тўй хоҳ келишувдан бир ой сўнг қилинсин, хоҳ икки йил кейинга сурилсин, натижа барибир шу, барибир яна бир талай ишлар, тикилиши-бичилиши, олиниши керак бўлган ашёлар қолиб кетади. Инсон бу дунёдан ҳар бир ишини тамомлаб кетолмаганига ўхшайди бу ҳол.

Уч кундан кейин Аминани олиб кетадилар. Энди ўзга бир оиланинг қизи бўлади, у ерни юрт тугади ва бир умр ўша уйда қолади. Ҳозирланган нарсалар ўралди, чирмалди, тугилди, сандиққа солинди. Йўлга чиқиши яқин мусофир гўё. Эт билан тирноқ ажралишидай ҳол бу. Нон ва сувдан ортиқ севикли ота-она қўллари ўпилажак. Бу маҳалла, бу уй, бу боғ Аминага фақат бир меҳмонхона бўлажак. Энди Амина яйраб кезган, шодланиб, ўйнаб-

кулган, умрининг энг ширин, энг саодатли кунлари кечган бу хонадонга хоҳлаган пайтида келолмайди. Кўйларини соғаркан отаси елкасига оҳистагина уриб, силаб «Хайр Амина» дейишини эшитмайди ва жавобан: «Ишингизни Аллоҳ ўнгласин!» дейиш завқини энди туймайди.

Ҳа, отланиш дамлари яқинлашмоқда... Ҳар бўйи етган қизнинг бошида бор бу ҳодиса. Буни четлаб ўтиб бўлмайди. Лекин баъзан Амина чидай олмай қолади, айрилиқ оғир кўринади. Дунёга келмасайдим, аёл бўлмасайдим демоқчи бўлади. Фақат бу билан ҳеч нарса ўзгармаслигини яхши тушунади. Истиффор айтади дарҳол.

У бўлмаса, бошқа бир қиз ўша уйдан кетади. Айрилиқ азобини тортиб, унинг ҳам юраги доғланмайдими?

Амина ота-онасига ичдан тошиб келаётган нималарнидир айтмоқчи бўлади. Фақат нима дейди? Оҳ, уларга дилини ёрсайди, шашқатор кўз ёшлар тўксайди. Йўқ, бу ҳолат уларни ҳам йиғлатади, дардларини зиёда қилади. Лекин қўйлари унақа эмас, улар Аминанинг ҳамдардлари. Шу сабаб, икки-уч кун дардини уларга ёрди, кўзларидан ўпди, бошларини силади, ҳидлади, эркалади. Тўйиб-тўйиб йиғлади.

Ўша оқшом Амина ўз хонасида экан, ташқарида оёқ товуши келгандай бўлди. Қулоқ солди. Ҳа, зинадан кимдир кўтарилмоқда. Отаси.

— Амина, ётдингми, қизим?

Амина эшикни очиб:

— Ҳали ётмадим, ота, киринг, — деди.

— Болам, биласан сенинг хонангга кириш одатим йўқ. Аммо бугун икки оғиз суҳбатлашиб, бир пас ўтирсам дедим.

Отасининг ростдан ҳам бундай одати йўқ эди.

Амина бироз ҳаяжонланди, аммо бу тезда ўтиб кетди. Ўзини ўнглади.

— Қизим, икки кундан сўнг келин бўлиб кетасан. Аллоҳ хайрли турмуш ато қилсин, икки дунё юзингни ёруғ этсин! Бу ердан кетиб, борган уйингнинг қизи бўласан. Қайнонани онангдек ҳурмат қилишингни истардим. Доимо кичиклигингни, катталарга иззат-икром кўрсатишни унутма. Ёмон сўз эшитсанг ҳам, яхши сўзла. Сен самимиятдан айрилма. Шунини унутма-ки, қилган кичик яхшилигинг Аллоҳ тарафидан зиёда қилиниб қайтарилади. Бугун катталарга ҳурмат кўрсатсанг, эртангилар сени ҳам ҳурмат этишади. Сени борган жойингда уялмайдиган бир одоб ўрганишга, яхши тарбия беришга ҳаракат қилдим. Умид қиламан-ки, сен ҳам мени уялтирмаслик учун қўлингдан келганча ғайрат кўрсатасан.

Маҳмуд оға бироз сукут қилди. Қаршисида бош эгиб турган қизига бир-икки лаҳза қараб қолди. Ўзи ҳам ҳаяжонланди. Ёлғиз қизини узатиш арафасида бу сўзларни айтиш осонми? Эллиқдан ошганига, тажрибаларда кечган умрига қарамасдан ҳаяжонлана бошлади. Қаршисида одоб ва тарбия билан ўстирган ёлғиз гули, малаксифат қизи, лекин бир меҳмондай ўтирибди. Оға умр бўйи унинг униб-ўсишига ҳаракат қилди. Умрини шу гулни етиштириш завқи бебади. Шу завқ билан овунарди. Энди, мана айрилиқ кунлари. Энди у кетмоқда. Фарзанд меҳри билан тўла кексайиб бораётган кўнгли ҳам у билан кетмоқда.

Фақат энди ҳиснинг эмас, ақлнинг амрига мувофиқ иш тутиш пайти эди. Қизига айтиши керак бўлган сўзлари бор. Шу боис сўзларини дона-дона, вазмин-вазмин давом эттирди.

— Улар билан бирга келганинда доимо уйимнинг эшиги очиқ. Фақат улардан шикоят қилиб, турмушдан нолиб келмагайсан. Доимо ўз ҳолингдан рози бўл қизим, шукр қил. Дунё инсон истаган нарсасини топадиган жой эмас. Унутма-ки турмуши бузилиб ичидан қон йиғлаган аёллар бор. Сени онангдай яхши кўрадиган бир қайнонага рўбарў келишинга, сенинг ҳақларинг

топталмаслигига ишонамиз, яхши тарбияли куёв топишга ҳаракат қилдик. Аллоҳ бизни уялтирмасин. Ҳамма ҳам турмуш қуради, бунга қарши бормоққа бировнинг ҳаққи йўқ. Шу сабабдан хафа бўлма, болам, ҳаётнинг қонунига, амрига сен ҳам албатта, итоат этурсан. Қани, энди менга рухсат, қизим! Сенга хайрли тун тилайман.

— Худо хайрингизни берсин, ота!

Амина отасини кўнгли тўлиб-тўлиқиб, сал бузилиб, жон қулоғи билан тинглади ва узоқ вақт унинг маънодор сўзларини ўйлаб ётди. Унинг насиҳатлари ҳаёлидан кетмади. Кўнглини банд этди. Ўзича уларни ақл тарозисига қўйиб, отасининг ҳар сўзи нақадар салмоқдор эканига тан берди ва жон деб қабул қилди. Яхши турмуш қуришни истаган ҳар бир ақлли инсон бундай насиҳатларга амал қилиш мажбуриятида эканини, буни четлаб ўтишнинг иложи йўқлигини эътироф этмоқдан ўзга чора топмади. Зотан, ҳаёт тажрибасига эга, яхши-ёмонни ажратадиган ота қизига янглиш ўғит бермайди. Шуларни ўйлаб Амина ўз ётоғига, ўрнига кирди ва бирпасдан сўнг уйқуга кетди.

VI

Тўй ажойиб бир нарса, гўзал йиғин. Бой-фақир, дўсту ганим бир жойга тўпланеди. Дардлини ҳам чорлайди тўй. Ҳатто инсон таҳаммул қилиши мушкул бўлган дарди бепоеълар ҳам келишади. Барчаси шод-хуррамга ўхшайди. Аммо кўпларнинг дарди тўйда янгиланади, кўплари янги дард ортириб оладилар.

Масалан, бу тўйда фарзанд доғи, йўқотиш азобини кечираётган бир она бор. Одамлар орасида ўзини тутиб турган, қалби пора-пора бўлаётган, йиллар давомида оқ ювиб-тараб ўстирган гул юзли боласини қўлдан олдирган она дардини ўзидан бошқа ким ҳам чуқурроқ ҳис этарди? Тўйга таклиф этилганлар орасида бир хоним бор, ёнида сўлғин юзли икки фарзанди билан маҳзун-маҳзун атрофни томоша қилмоқда. Гоҳ-гоҳ ойлардан буён ота қўли тегмаган етимлари бошларини, тош каби қаттиқлашган бошларни силаб, сочларини тараб қўйгандай бўларди. Исми Жамила унинг. Жамилахоним ҳар куни икки дўсти билан уникага нон ва озиқ-овқатлар юборган Маҳмуд аканинг уйида эканини билмасди. Бу хоним ҳозир келинлик либоси ичида минг бир ҳаяжон билан ота уйида сўнги кечани ўтказётган қизга боқарди. У қалар ҳаяжонли эмас, фақат унда зиёда ўйчанлик бор. Неча йиллар бу ҳаётни, бугунги ҳолга тушишини хаёлига келтирмасдан яшади. Бугун иккиси ёнида, бири қўшниси қарамоғида, жами уч етими бўлган Жамилахоним келинлик завқини тўйиб-тўйиб тотган эди.

Тўйда ёш қизлар бор. Аминага ҳасад-ҳавас аралаш боқиб, бир кун келиб биз ҳам ёпинчиққа ўраниб келин бўламиз, дея мағрур юрган қизлар. Яна бу тўйда борган жойида тотли ҳаётга видо айтган, келин бўлганига эмас, дунёга келганига пушаймон бўлиб, ота-онасига лаънат ёғдирганлар ҳам бор.

Бу ерда ўтириб, сассиз-садосиз йиғлашган, атрофга эътиборсиз икки ёш хонимга не дейсиз? Юз-кўзлари нақадар бир-бирига ўхшаш буларнинг. Тўйга фақат

йигламоқ учун келишганми? Бошқа топишиб йиглайдиган жойлари йўқми?

Ҳа, булар ойлардир бир-бирини кўришдан маҳрум, агар тасодифан учрашсалар-да, суҳбатлашиш ман этилган бахти қаро опа-сингиллар. Иккови ҳам оилали, эрлари орасидаги келишмовчилик туфайли тўйда ҳам суҳбатлашолмайдилар. Суҳбатлашсалар эрлари ажрашишни шарт қилган. Аслида тўйга бир-биридан тамоман хабарсиз келган бу хонимлар тасодифан кўришиб, қучоқлашиб, ўпишиб, йиглашдилар, аммо бир сўз айтолмайдилар, қалайсан жигарим, деёлмайдилар. Энди ёнма-ён ўтириш завқини тортар эканлар, айнаи дамда суҳбатлашмаслик изтиробидан эзилар, бу икки туйғу қўшилиб, севинч ва азоб остида йиглашар эди. Бир уйда ўсиб, минглаб ширин-аччиқ хотираларини сўзлашдан маҳрум. Бу зулм. Қайси ахлоқ қоидасида бор бу?

Шунга қарамасдан тўй кўнгилхушлик билан давом этарди. Баъзан бир-бирига қараб ўйнаймиз, деб туришган икки болакай томошабинларга завқ улашар, уларни кулдиришарди. Баъзан базўр қўлларидан тортиб ўртага таклиф этилган келинлар бир-икки айланиб ўз жойига ўтиришарди. Бу орада семиз қорнини сакрата-сакрата ўртага ёш бир жувон чиқди. Модомики, тўйга келдикми, ўйнаб-кулайлик дея айланди. Турли нағма, муқом ҳунарларини кўрсатиб, гоҳ ўнгга, гоҳ чапга айланиб, завқ ва шодлик улашарди.

*Қозонда ҳедик қайнона,
Тишлари кемтик қайнона,
Ўғлинг егулик келтирмиш,
Сенсиз едик қайнона.*

Мунаввархонимга қараб, сизга айтяпман дегандай бўларди. Ёши ўттиз бешлар атрофида кўринган бу аёлнинг ё қайнонаси йўқ, ё унинг оғзини очирмайдиган ҳолга келтирган. Яна ким билсин, ўз уйида келинидан мағлуб, ўғлини уйлантирганидан, шу ўй бошига

келганидан пушаймон, ҳар кун келинидан ёмон сўз эшитадиган, калтак ейдиган қанча-қанча қайноналар бордир-ки, бу сўзлар уларга балки игнадай ботиб борарди. Бошларига мушт тушгандай бўларди. Қориндор аёл етарлича ўйнади. Сўнг тишларининг бир қисми тушган, бир қисми чирий бошлаган ўн олти-ўн еттиларга кирган бир қизни турғазиб, ўртага тортди, ўзи ўрнига ўтирди. Бир тарафдан терларини артиб, бир тарафдан қиз сенинг қандай хунарларинг бор, дегандай кулимсираб ўртадаги қизни кузата бошлади.

Қиз агар бошқаси таклиф этмаса, ўзи ўртага отилиб чиқадиганлар хилидан эди. Баъзиларнинг уяла-уяла, бир айланиб-қоқилиб ўтириб қоладиган ўйингоҳни завқ ва ҳаяжонла кезишлари бутун маҳоратини намоён қилиб усталиklarини кўрсатарди. Тишларининг хунуклигига қарамасдан ниҳоятда хушовоз эди.

*Онажоним, жигарни мушуклар еди,
Оҳ, шу мушукни тутиб олсам...
Шу мушукнинг тукларини юлиб олсам,
Этларини дудлаб қоқ қилсам,
Қайнонамга, қайнсинглимга едирсам.*

Шу зайлда куйлаб ҳаммани кулдирар, тўйни қиздирарди. Фақат у ўйлаб кўрмаган, балки ўйласа-да бепарво қарайдиган бир нарса бор эди. Балки бўлажак қайнонаси ҳозир уни тинглаётгандир. На қадар хунук бўлса ҳам, битли ёсмиққа ҳам бир кўр харидор топилади.

Унга: «Эҳ, бир қўлимга тушсайдинг» деб тиш қайраганлар билан бирга «Сендан ўзи асрасин, ҳозирдан шундай дейсан, ким билсин, борган жойингдагиларнинг бошига не савдолар, не кунлар соласан; бўлажак қайнонангга сабр берсин» дегувчилар бор. Тажрибали келинлар унинг бу сўзларидан келгуси ҳаётини тасаввур қилаётгандай, ачинаётгандай бўлишарди. Шулардан бирининг кўзлари унга: «Дунё нелигини тезда биларсан

ва бу сўзларинга пушаймон қиларсан» дегандек боқиб турарди.

Мунаввархоним ҳаммасини тинглар, атрофни вазмин ва оҳиста кузатиб юрарди. У бу хил қайноналардан бўлмоқчи эмас. Бўлмайди ҳам. Бунинг учун кўлидан келганча ҳаракат қилади. Унинг сабри бир кун, бир ой, бир йиллик эмас. Тошларни чатнатиб, энг марҳаматсиз, энг виждонсиз кимсаларни тиз чўктиражак бир сабр бу! Ҳеч бир қайнонага насиб бўлмаган тенгсиз бир сабр!

Мунаввархоним кечиримли; бу хислатини келинига кўрсатади. Ҳар кун қусурли иш қилувчи, ҳар кун қабиҳ бир ёмонлик этадиган келин келса ҳам кечиради. Яхшилик ёмонликни кетказишини билган, яхшилик душманларни дўст айлашига ишонган бир азму қарор-ла афв этади. Фақат одамлар: «Мунаввархоним келинини яхши идора этди», дейишлари учун эмас, Аллоҳ ризоси ва ҳурмати учун кечиради, сабр этади.

Мунаввархоним шундай бир тўйга тарафдормиди? Йўқ. Кўлидан келса янада содда ва самимий бир тўй қиларди. Фақат турли одатларга кўниккан жамоатни қандай қилиб бирданига кўнглидагидай тўйга кўндира олади!?

У зиммасига тушган вазифани кўлидан келганча адо этди. Масалан, аёллар орасига эркак чолғучи киргизмоқ у ёқда турсин, ҳар бири эркаксифат, аёллик одобидан йироқ беҳаё аёл чолғучиларни ҳам тўйга яқинлаштирмади. Аммо бу маҳрумият ичида ҳам ўзича бир кўнгилхушлик тартиби тузиб олганларга не дейсиз? Бир даф (чилдирма) билан даврага завқ улашган уддабурон аёллар ҳар тўйда топилиши мумкин. Қолаверса, тўй ҳам бир кўнгилочар, дилхушлик бўлгани учун бундайлар яхши кутиб олиниши керак.

Кемтик тишли қиз қориндор аёл намоийш этган мақомларни давом эттирди, у маромига етказа олмаган ўринларни қойиллатишга ҳаракат қиларди, оёқларни куйга мос тарзда ўйнатар экан:

*«Қозонда пиш, қайнона,
Тилларга туш, қайнона,
Ўғлингни сенга қолдирмам
Кел, ундан кеч, қайнона»,*

деган тўртлигини куйлаб, яна айлана бошлади.

Мунаввархонимнинг чап ёнида бир аёл ўтирибди. Юзида ҳеч кулгу, табассум йўқ. Мунаввархоним уни илк кўргангани, уйига келганини эслади. Аёл уни кўриши билан уялиб, бироз ортга чекингандай бўлди. Лекин Мунаввархоним ўзини ҳеч нарсани билмагандай, у аёлни танимагандай кўрсатди. Тўй давом этган икки-уч соат ичида аёлни хижолат қилмаслик учун у тарафга бирор марта қарамади.

Кейин ҳам бу аёл — (Аминанинг қариндошидир) — ора-сира Мунаввархонимга рўбарў келади. Бир куни ёлғиз қолганларида узр сўраш учун бу мавзуда оғиз очса Мунаввар хоним: «Ўтмишдаги ёмонликларни фақат тавба қилиш учун эслайлик», дейди албатта. Ўртадаги кўримсиз қиз чарчагунча томоша кўрсатди. Мунаввархонимнинг олдидан ўтар экан бошлаган ашуласини ниҳоясига етказди:

*«Мен бошқа дард истамам,
Қайнона дардим бор менинг».*

Тўйга келганлар, айниқса қайнонадан куйганлар, юрагини олдириб қўйганлар, ўз дардларига шерик бўлган қизни телбаларча олқишладилар.

Вақт алламаҳал бўлиб қолди. Меҳмонлар биринкетин тарқала бошлади. Амина бу сўнгги кечада ота-онаси билан уйда қолди.

* * *

Бугун Мустафолар хонадонига келин келадиган севинчли бир кун. Лекин вазият бошқачароқ. Мустафога келиннинг келганлиги хушxabари бериладиган пешин вақти. Шу маҳалда катта жомеъ ҳовлисида Мустафонинг

кўзларига ёш қуйилмоқда. Шу онда Амина ота уйини тарк этаётганини ўйламоқда Мустафо. Ўзига омонат сифатида топширилаётган бир аёлнинг ҳақларига кўнгилдагидек риоя этолмаслик кўрқувидан кўз ёш тўкмоқда.

Уч кун аввал онаси айтган насиҳатларни эслади Мустафо. Кечки овқатдан сўнг онаси шундай насиҳат қилган эди: «Ўғлим, насиб этса уч кундан сўнг келин келади. Уйимизга бир қиз ота-онасини тарк этиб келади. Аҳил бўлайлик, келганига афсус чекмасин. Шафқатли, марҳаматли бўлиб, унга инсоний муомала қилишингни истайман. Ҳеч қачон уни хафа қилмаслигингни сўрайман. Сени ҳар кимдан зиёда яхши кўраман, лекин омонат сифатида берилган келин, агар ўғлимдан норози бўлса, мен келинни эмас, ўғлимни айбдор деб биламан. Уни ҳурмат этганинг, мени ҳурмат қилганингдир, деб ҳисоблайман. Уни хафа қилсанг, мен баттар хафа бўламан, ўғлим. Мен унинг қайнонаси эмас, онасиман, у ҳам менинг келиним эмас, қизимдир.

Ҳамма оила бир хил эмас. Унга ўз уйининг одатларини тарк этиш қийин кечиши мумкин. Сен ва менга нисбатан камчиликка йўл қўйиши мумкин. Бундан хафа бўлма. Инсон баъзан хатога йўл қўяди. Бу бандога нисбатан ҳам бўлиши мумкинлигини ўйлаб, тасалли топ, тинчлан. Хом сут эмган бандо, лекин у ҳам виждон соҳиби, секин-аста хоним бўлар, яхшилик йўлини тутар.

Сени уйлантирдим, мени уялтирма! Менинг сутимни эмганингни, менинг ўғлим эканлигингни исботла, Аллоҳ сени шод этсин, икки дунёда юзингни ёруғ қилсин!»

Мунаввархоним шундан сўнг икки кўлини Мустафонинг елкасига қўйиб:

— Менга сўз бер, Мустафо, кўлингдан келганча, кучинг етганча, айтганларимни бажар. Яхши турмуш кечириш учун сабр-матонат билан ҳаракат қилишга сўз бер. Мукулмон киши сўзидан қайтмайди, сўз бер ўғлим, — деди ва Мустафонинг ваъдасини олди.

Мустафо катта жомеъ ҳовлисида ана шуларни эслади. Кошки берган сўзим ёлгон чиқмасайди, дея ўйлар эди.

Осмон тиниқ, қуёшли, сарин шабада эсиб турган бир кунда Амина кўз ёшлари сел бўлиб, ота уйи билан ҳўшлашди. Улуғларнинг қўлларини ўпди, дуоларини олди.

Янги уйига бормоқ учун мураккаб, ғаройиб туйғулар оғушида машинага, шу беш-ўн кун ичида таний бошлаган бир-икки аёл орасига ўтирди. Улов йўлга тушди.

Аминани бир уйга туширдилар. Униб-ўссин дейилди. Устидан танга-пул сочдилар. Эркаклар чекингач, илк бор Мунаввархоним унинг ёнига борди. Аминага:

— Қайнонангнинг қўлини ўп, — дейишди. Мунаввархоним уларга қайрилиб қаради:

— Йўқ, бу менинг қизим, онасининг қўлини ўпади, — деди ва қўлини тутди. Амина йиллар бўйи фақат яхшилик учун очилган, фақат яхшилик учун чўзилган гуллардай пок, озода қўлни ўпди, кўзига, пешонасига оҳиста босди. Уйга қадам ташлаши билан айтилган бир жумла сўз берган ишонч унга кифоя. Гўё ғариблик ва ёлғизлик ҳислари тумандай тарқаб, кўнгли офтобли осмондай чарақлаб кетди. Мунаввархонимнинг «Хуш келдинг, болам!» дея очилган кучоғи Аминага ором ва ҳузур боғидек туюлди.

* * *

Оқшомгача келиб-кетувчилар кўп бўлди. Кечгача уй аёлларга тўлди. Оқшом яқинлашгач, эркак меҳмонлар кела бошлади. Юсуф афанди уй соҳиби сифатида келганларни кутиб олди.

Охири маҳалла имоми дуо қилди, сўнг Мустафо дўстлари билан қўл сиқишиб хайрлашди, кейин онасининг олдига келди.

— Болам, Аллоҳ сени икки дунёда масъуд этсин, — дея дуо қилди Мунаввархоним. Мустафо онасининг қўлини ўпди. Келиннинг хонасига, Аминанинг олдига кирди.

* * *

Амина тонгда уйғониб, Мунаввархонимнинг қулини ўпди. Янги оила қурганлар учун бир одат бу. Жума бўлгани учун Мустафо жомеъга кетди. Мунаввархоним келини билан ёлғиз қолди:

— Қизим, бундан сўнг сендан ҳар ким «Қайнонанг билан қандайсан», деб сўрайди. Мен аслида бир яхши аёл эмасман. Балки сенга ноҳақлик этиб, билиб-билмай хафа қилиб қўйишим мумкин. Булар ўзимизнинг дардимиз, уйнинг ичида қолсин. Сенга нисбатан ноҳақлик қилсам, фақат ўзимга айт, тузатаман. Аммо бошқаларга гапирма, яхшимиз дегин. Бу саволларни берганларнинг мақсади дардингга чора изламоқ эмас, қўшиб-чатиб элга тарқатиш. Иккимиз қайнона-келин эмас, она-боламиз. Шундай яшашга ҳаракат қиламиз. Бугундан эътиборан келинлигинг ниҳоясига етди. Балки мен сенга оналик қилишни уддалай олмасман, аммо сен қиз бўлишни уддаларсан, деган умиддаман.

* * *

Тўйдан кейин уйда Маҳмуд оға билан хотинидан бошқа ҳеч ким қолмади; улар олдига қўйилган турли таомларга қўл ҳам узатмаган ва томоқларидан ўтмасди ҳам. Уй Чўрум таъбири билан айтганда, суви тинган тегирмондай жимиб қолган. Кетган фақат Амина эди. У ўзи билан уйнинг барча нашъу намосини ҳам олиб кетганди. Маҳмуд оға қорни очлигига қарамасдан:

— Онаси, ол дастурхонни, ҳеч нарса емаймиз, — деди. Хонимнинг йиғлаши учун шунинг ўзи кифоя.

— Онаси, яна йиғлаяпсанми?

— Йиғламай нима қилай, кулайинми?

— Кул. Худога шукр, қизинг яхши бир хонадонга тушди. Энди юзимиз ёруғ, хурсанд бўламиз.

— Хўш, унда нега хурсанд эмассиз?

— Меники ҳозир ўтиб кетади онаси. Фақат ундан айрилганим учун кўнглим бироз қайғули. Лекин келин қилиб узатганим учун хафа эмасман.

Аминани одатга биноан тўйдан сўнг ота уйига қўл ўпмоққа олиб бордилар. Меҳмондорчиликка чақирилган бир-икки яқин қариндошлар ҳам бор эди. Кирганда-чиққанда ёлғиз дуч келган ҳар бир киши:

— Қайнонанг билан қалайсан? — дер эди, Амина ўргатилганига биноан:

— Худога шукр, жуда яхшимиз, — деб жавоб берарди.

Тўйдан бор-йўғи икки кун ўтди. Икки кун ичида ҳам саволларига жавоб бўлгулик бирор ҳодиса бўлгандир, деб ўйлашарди. Лекин Аминадан яхши жавоб олишарди. Аслида оила муҳити жавобдан ҳам яхшироқ эди.

Бир она фарзандига шафқат кўрсатади. Амина ҳам бу шафқатни кўрмадим деёлмайди. Онасидан меҳр-муҳаббат кўрмаган фарзанд бўлмайди. Бу ўлгунча давом этади. Амина келин бўлгач, Мунаввархонимни онасидай яхши кўрмаганлигини иддао этолмайди. У буюк, шуурли меҳр-муҳаббат билан яхши кўришига ҳар вақт гувоҳ бўлажақдир.

Онаси хавотирланиб унинг юзида хафалик излари бормикин деб қараган бўлса-да, мамнуниятдан бошқа нарса кўрмади.

VII

Ҳар маҳаллада сувни лойқалатиб юривчи бекорчи хотинлар топилади. Улар келин тушган уйга ўралашиб қоладилар, келин кўриш баҳона, мақсадлари — эзмалик, ғийбатчилик. Жуда ҳам қизиқиб тўй бўлиб ўтган хонадонга югуради улар. Келинни, сепларини кўрадилар, ким нима ҳадя этганлиги тўғрисида маълумот оладилар. Бойлар билан беллашолмаган, керагича ёки ошириб-тошириб уйини тузаб-безай олмаганлар бўлади-ки, келганларга уй кўрсатишни истамайдилар. Бу бекорчи ғийбатчилар эса ҳеч узрни қабул қилмайдилар. Гўё ҳокимдай, терговчидай туриб оладилар. Ҳамма ёқни титиб кўрадилар, текширадилар. Ҳадялар ҳақида насихатлар ўқиб, қайнона-қайнота қуруқ қолганлигини, бу иш жуда катта айб эканини уқтирадилар. Келган ҳадяларнинг бир қисми оддий, буларни келтиргандан келтирмаган афзалроқ эди, дейишади.

Ҳадяларни бир-бир кўздан кечириб, яхши-ёмонга ажратиб берган бўлишади. Камчиликларни айтиб ўтишгач, навбат уй тузашга, нарсаларни жойлаштиришга келади. Шу кароват бу бурчакка эмас, унисига муносиб, кўчириш керак. Четда турган мана бу кичик таглик бир қарич яна ўнгроққа олинса, уйга бошқача файз киради. Кўрпа-ёстиқ оч мовийдан ним пушти бўлса, ётоқдаги нарсалар фалончиникига ўхшатиб жойлаштирилса яхши бўларди. Шунга ўхшаш маслаҳатлар айтиб чиқиб кетишади. Келинпошша ўша ондан эътиборан маъюсланади.

Не-не заҳматлар эвазига йиғилган сеплар, ҳадялар ерга урилди, келин кўзига паст кўрсатилди. Бу ишлар бир-икки ғийбатчи аёллар томонидан амалга оширилади. Бу хотинлар сепларни йиғиш учун эртани эрта, кечни кеч демай тер тўккан ота меҳнатининг қадрига етармиди? Қўл қадоқларини кўрармиди? Уларнинг яна бир мақсади келиннинг қусурларини топиб, элга ёйишдир. Қусур тополмаса, кўшиб-чатиб ғийбатнамо гапларни

кўпайтирадилар, шундан завқланиб, кўнглини хушлаб юрадилар.

Мунаввархоним буларни яхши билгани учун борган жойида келин хонасини, сепини кўришга интилмайди. Ҳатто уй эгалари:

— Келиннинг хонасини кўрмайсизми? — деб таклиф этса ҳам, шундай жавоб қилади:

— Йўқ. У жой фақат келин-куёвга тегишли, менга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Амина келгач, бу одат такрорланадими? Албатта. Лекин Мунаввархоним бунга рухсат бермайди. Бегона аёл тугул, ҳатто ўзи ҳам уларнинг хонасига кирмайди; деразасидан ҳам қарамайди. Гарчанд ҳозиргача юзлаб келин уйлари кезилган бўлса-да, кўрган гийбатчи хотинлар учун ҳам, келин учун ҳам асло фойда берган эмас. Мунаввархоним биладики, рухсат этмаса, буни ҳам гийбат қиладилар, албатта. Йўқ ердаги гапларни тўқиб чиқарадилар. Бу гаплар ё Мунаввархоним ёки Амина ҳақида бўлади. Уй кўришни истайдиларми? Марҳамат! Меҳмонхона, ошхонани кўрсинлар. Улар уйдан, уйдагилардан, Аминадан қанчалик камчилик ахтармасин, асло тополмайдилар. Чунки Амина уй ишларига ота уйида яхшилаб ўрганган. Қолаверса, Мунаввархоним ҳам қараб турмайди. Кутилмаган бир пайтда меҳмон келиб қолиши ёки одамлар кўзи учун эмас, балки покизаларни Аллоҳ севгани ва Аллоҳ ризоси учун озодаликка эътибор берилади бу хонадонда. Бир умр гийбат ва миш-мишлардан узоқ юрган, дили пок Мунаввархоним тонглари:

— Мени банда ҳаққи билан ҳузурингга келмоқдан ўзинг сақла, мен ҳақимда гийбат қилганларни ҳам афв эт, — дея дуолар, илтижолар, нолалар қилган. Кўнгил уйини нурлантирган Мунаввархоним уйида бирор тартибсизлик кўролмайди. Аминага айб тақолмайди. Янги келин тушган уйга келиб ўтирган гийбатсевар хотинлар барибир бир йўл топиб мақсадига эришишга

интиладилар. Аминанинг бир дақиқа ташқарига чиққанидан фойдаланиб сўрашади:

— Мунаввархоним, шу келин буғдойранг ёки жиндай қорамағиз эмасми, менга шундай туюлди-да. Бир оз гўзалроғини топсангиз бўлмасмиди?

— Бўлиши мумкин, — деган жавобни олдилар. Хотинларнинг ранг-рўйи салгина ўзгаргандай бўлди. Мунаввархоним давом этди:

— Ташқи чирой икки кунда ўтиб кетади, бировга вафо қилмайди. Қаригач бизни ҳеч ким ёшлиқда гўзал бўлганимиз учун ҳурмат қилмайди. Аммо кўнгил гўзаллиги ўткинчи эмас. Муҳими ҳам шу — ички гўзаллик, қалб гўзаллигидир. Мен келинимни ташқи чиройидан зиёдароқ ички гўзаллиги, одоби ва тарбияси учун олдим. Майли, менинг келиним, қорамағиз, буғдойранг бўлсину, гўзаллик бошқаларда қолсин. Буғдойранг чиркинлик аломати эмас-ку! Биров оқни, биров сариқни яхши кўради. Мен эса қорамағиз, буғдойрангни ёқтираман.

Амина кириши билан Мунаввархоним гапини тўхтатди. Мақташни лозим кўрмади. Бировнинг ёнида келинининг камчилигини айтишни ёқтирмаганидек, Аминанинг кўзича уни мақташни ҳам хуш кўрмади Мунаввархоним. Хотинлар кетишга чоғланди. Кексароқ бир хотин Аминанинг қулоғига пичирлади:

— Қизим, қайнонанга эътибор бер. Умринг бўйи Аллоҳга ёлворсанг ҳам, эҳтимол бундан яхши, бундан гўзалроқ бир қайнона тополмас эдинг. Қадрига етгин.

* * *

Уч эшик наридаги қўшниларга келин тушди. Келин уйини маҳалла кезгувчи хотинлар обдон текширдилар. Зарур гаплар айтилди. Кетар чоғи қайнсингил келинга эшитилмайдиган товушда:

— Хомроқ чиқди, опа. Қайнота учун ақалли сочиқ ҳам қўймади. Бир жуфт пайпоққа лойиқ эмасми? Уялиб кетдим, ўзим қўйдим. Эшитса қиёматни бошлайди. Начора, бошга тушганини кўз кўради, — деди.

Сўнгра хўрсиниб, қўшиб қўйди:

— Билмай қолдик, билолмадик.

Яна гапирилажак нималар бор? Икки кун ичида миш-мишга арзирлик қандай воқеалар рўй берди?

Келинни кўриб, унинг камчиликларини атрофга ёйишга келган, бундан завқ оладиган хотинлар учун ҳозирги воқеа ҳам ғийбатлари учун етарли хом ашёдир. Улар тўғри ўз уйларига бормадилар, аввал қайсидир дугоналариникига кириб, остонаданоқ воқеага ўзларидан қўшиб, навбатдаги дугонаникига шошадилар. Ахир вазифа жуда оғир, шошилиш керак. ўйбатни тарқатиш керак. Бу орада йўлда таниши тўхтатади.

— Қаёққа бундай шошиляпсиз, Закия хоним?

— (...)никидан келяпман. Келин кўргани борган эдим.

— Қандай экан?

— Билмадим, охири бахайр бўлсин. Ҳар ҳолда яхши эмас. Чиқаётганимизда қайнсинглиси бир-икки гапни айтди. Фурсат бўлганида ким билади яна неларни сўзларди. Икки кун ичида шунча гап, билмадим охири нима бўлади? Яна бировларга гапириб юрманг, эгачи. Нимадир сабаб бўлиб, оиласи бузилса бизлардан кўришади. Яхши бўлса икки кунда шунча қабоҳат топармидилар? Бу менинг келиним-ку, деб ёмонини яшириб, яхшисини оширмасмиди?!

Сўнг хўрсинди:

— Келинга ачинаман. Қиз не ниятлар билан келган бу уйга. Қандай қилиб уялмасдан ўзларини ўзлари мақтайдилар. Ҳеч кимга билдирмасдан икки кунда келинни келтирди-қўйди. Мен билсайдим, қараб турмасдим, берманг қизингизни буларга деб, дунёни остин-устин қилардим. Менга нимаям қилишарди?! Кўрасиз кўп ўтмай келинни қай аҳволга солишаркан?! Фурсатини топиб, буларнинг кимлигини келинга англатарман. Билсин-да бу қизча, ҳеч бўлмаса шунга яраша оёғини, қадамини улар билан тенг ташласин.

Сухбатдоши бош тебратади:

— Аввалги келинга нималар қилишмади булар. Э, эгачи сиз булардан инсонийлик ахтариб юрибсиз. Тагинам бардошли, яхши келин экан, икки йил сабр-тоқат қилиб яшади. Қутулди, аммо дунёсидан кечиб қутулди.

Сухбатлашарканлар йўл ўртасида эканини, оёқлари толганини ҳис этишиб, қўллари билан ўтайлик дегандай ишора қилишиб, йўлнинг четига ўтиб олишди. Хотин такрор сўз бошлади:

— Нима деяпган эдим? Ҳа ... бизникилар судларига боришди. Ҳакам: «Қизим, эрингни дейсанми, отангни?» деб сўрабди. Қиз: «Ҳакам афанди, мен на эримни, на отамни дейман. Мени буларнинг қўлидан қутқаринг! Истасангиз бир дорга осиб ўлдиринг, ҳатто шунга ҳам розиман!» дебди. Қиз буларни сўзлаётганда ҳакамнинг кўзлари ёшланганмиш.

Хотин яна давом этди:

— Эгачи, булар Аллоҳдан қўрқмайдилар. Ҳеч бўлмаса бандадан уялсалар эди. Йўқ.

Уйида боласини ёлғиз қолдиргани эсига тушиб:

— Турайлик, эгачи, болам уйда ёлғиз ухлаб қолувди, уйғонса йиғлайди, — деди ва кетди.

* * *

Бир кун қайнона ва қайнсингил уйда йўқ пайтида «тасодифан» эшик тақиллади. Аслида, бу тасодифий ташриф эмас, балки у қайнона ва қайнсингил бирга чиқиб кетганини кўриб, шоша-пиша келганди.

— Меҳмон оласизми, қизим?

— Марҳамат, хола!

Ичкари кирди. Оёқ кийимларини ечди.

Келин оҳистагина қайнонаси уйда йўқлигини айтди.

Аёл гўё маҳзунланди:

— Кўрдингизми, қизим, шоша-пиша келувдим. Майли болам, салом денг, мен кетай.

— Беш дақиқа ўтиринг, хола. Ҳозир келиб қоладилар.

— Кетай, чирогим, ишим бор. Мен бу ерда эканимда келсалар, нари-бери гап бўлади. Улар борида келаман.

Келин зериккан эди. Бир оз суҳбатлашгиси келарди. Неча кундир қайнонанинг қовоғи солиқ. Уйга ҳокимлик ҳавасида бўлган қайнсингил гапларидан сиқилганди. Шу сабаб улар йўғида Хўжаи Хизрдек пайдо бўлган бу аёлнинг келиши бир неъмат билиб, бир оз суҳбатлашамиз дея севинди. Бир оз ўтирса ҳеч нарса бўлмайди, одам ҳоврини одам олади, очилишади.

— Хола ўтиринг, қаҳва олиб келай, ичиб кетасиз. Йўқса, ҳурмат этмабсан, деб қайнонам мендан хафа бўлади. Мен ҳам зерикиб ўтирибман, беш дақиқа суҳбатлашамиз, мени хафа қилманг. Хўп денг, хола, келинг, хўп денг.

Аслида ўтиргиси келиб турган аёл:

— Майли, беш дақиқа бўлса, ўтирайин. Аммо сенинг ҳурматинг учун, болам. Ишим бор эди, — деб қаҳва қуйган келиннинг ёнига ўтирди. Қаҳвадан устма-уст икки хўплаб, яхши деб мақтади, қўли энгил, одобли, тарбияли эканини айтгач деди:

— Қизим, сени яхши кўриб қолдим. Оёқ остида қолиб кетмаслигинг учун гапираман. Қайнонанг яхшидир-у, фақат баъзан бўлар-бўлмасга асабийлашади, пашшадан фил ясайди. Ҳушингни йигиб ол. Ҳурмат қил. Начора, қизим. Келинлик бу. Биз ҳам бошимиздан кечирдик.

Қаҳванинг қолганини бир-икки хўплаб-хўриллатиб ичди:

— Офарин, болам, қўлинг дард кўрмасин. Кўпдан бери бундай ширин қаҳва ичмагандим. Айтгандай, қўлинг энгил экан.

Чуқур нафас олиб:

— О-оҳ, оҳ, ким тақдирлайди сени. Асосий масала шу, қизим, шу. Куни билан ишлайсан, бир пуллик қадринг йўқ. Келинсан. Менинг ҳам икки қайнсингил, бир қайнонам бор эди. Дарров қайнсингиллар қовоғи солинади, қайнона оғзига талқон солиб олган. Унинг ҳам қовоғидан қор ёғилади. Саволингга жеркиб жавоб беради ёки умуман жавоб бермай қўя қолади, сўз ҳайф. Овқатда сал камчилик кўрилса, жағлари очилиб кетади. Овқат

дастурхонга қўйилиши билан ҳеч ким йиғилмайди. Бир қошиқ луқма олиб, дарҳол ташқарига отилиб туфлаб ташлайди, сўнг қуруқ нон ейди. Бошқаси яна нимадир келтириб ейди. Бири яна бир бурчакка чекиниб қовоғини уюб ўтириб олади. Эрим не қилишни билмай ҳайрон. Уларга бир нарса демайди. Менга ҳам ҳеч гап айтмайди. Бир куни яна шундай чекинишаётганида эрим асабийлашиб бақирди:

— Нигор, нега туриб кетдинг, овқатланмайсанми? — деди синглисига.

— Қорним тўқ, ака, еёлмайман.

Қайнсинглим «бундай пиширилган овқатдан тўйдим» деган оҳангда гапирди.

— Қорнинг тўку, бир луқма олиш учун ўтирганмидинг? Емасанг ҳеч бўлмаса афтингни бужмайтма, одамнинг кайфиятини бузма. Сизларга нима бўляпти ўзи, билмадим. Кечгача ишласам, уйга келиб сизларнинг қор ёққан қовоғингизга қарайман. Сизлар ҳам ҳеч ўйлайсизларми? Бизни деб шунча уриняпти, чарчаб келяпти, биз ҳам бир оз сабрли бўлайлик, уни хафа қилмайлик, демайсизларми? Хўш овқатланаётганда нега қовоғингни солиб, афтингни бужмайтирасан?

Эримнинг бу сўзларидан мамнун бўлдим. Фақат бу мамнунлигим узоқ чўзилмади. Қайнсинглимнинг жавобидан ер ёрилмади — кириб кетсам.

— Қовоқ солсак ўзимиз учун эмас, сизга ачинганимиздан. Албатта, бир овқатга икки-уч овқатлик ёғ солинса, мазали бўлади. Билмаганингиз учун сизга ширин туюлади. Лекин мен акамни ўйлаганим, ёғ пули топай деб эртадан қора кечгача тер тўкканини билганим учун менга аччиқ туюлади. Юзим шундан ўзгаради. Онаси уйда ёғ солса таом тотли бўлишидан бошқа нарсани ўрганмаган келин пошшалар бу ишни қилаётиб ичи ачимайди. Акамиз ҳам икки кунлик хотинини деб, йигирма йиллик синглисини айблайди, хафа қилади. Бировнинг қизи яхши кўринади-да.

Бу сўзлар бошимга болғадай урилди. Улар ўзлари кундузлари таом пиширадилар ва буни менга тўнқайдилар. Ҳақиқатдан ҳам бир ҳафтадан сўнг ёғ тамом бўлди, деганимда эрим менга айтдики:

«Хоним, фақат кўп исроф қилманг. Аввал олиб келганимда бир ярим ойга етарди, энди ўн беш кунда ёғ тамом бўляпти».

Ҳолбуки, мен таомга ортиқча мўл ёғ солмасдим, бу ўзларининг қилғилиги. «Онасиникида овқатга мўл ёғ солгач, ширин бўлишидан бошқа нарсани ўрганмаган», деган гапи алам қилди менга. Чунки буни айтган қайнсинглим тухум пиширишдан бошқа нарсани билмасди. Буни ҳеч бўлмаса қўлидан иш келадиган қайнонам айтса, менга алам қилмасди. Ростини айтсам, қайнонам таомни жуда ширин қилиб пиширарди.

Ўша қайнсинглим келин бўлиб борган жойида қандай иш тутаркин? Лоақал бирор хил таом тайёрлашни билмаса? Айниқса, унинг: «Бировнинг қизи яхши кўринади-да», дейиши айни нишонга урилган эди. Шу сабаб оқшом эрим билан роса айтишдилар. Охири қайнонам:

— Бас, етар, жуда ошириб юбординглар, икковингиз ҳам таёқ ейсизлар, — дегандан сўнг тўхташди.

Эрталаб қайнсинглимдан гарчи пазандалиқда нўноқлигини билсам-да, овқат пиширишини илтимос қилдим. Шундай жавоб берди:

— Овқат тайёрлаш менинг вазифамми? Сиз нима учун келин бўлиб келгансиз?

Сўнг дағал оҳангда қўшиб қўйди:

— Менга қаранг кеннойи, ҳушингизни йиғиб олинг. Бу уйда сизнинг эмас, бизнинг айтганимиз бўлади.

Менинг нима дейишимни кутиб ўтирмасдан:

— Ҳиҳ, шу ҳам ўзини одам санабди, — дея лабини буриб чиқиб кетди.

Қизим, келин бўлгандан кўра ҳар нарса бўлган яхши. Менга жуда оғир ботди. Хонамга кириб йиғладим. Ҳолбуки, мен уларни менсимайдиган ҳеч бир иш

қилганим йўқ. Ҳали уйдалигимда: «Ўзинг тенги икки қайнсинглинг бор» дейишганида севингандим; «улар мени тушунишади, дўстлашиб кетамиз» деб ўйлагандим. Бу умидларим пучга чиқди.

Ўша куни овқат тайёрлаётганимда қайнсинглим ёнимга келиб, бир муддат тикилиб, томоша қилиб турди. Эрталабки сўзлари етмагандай яна нимадир демоқчи бўларди.

— Ўтиринг, Нигор хоним, — дедим. Томдан тараша тушгандай:

— Кўрамиз, бугун таомни қандай тайёрларкансиз? Кечагидек бўлмасин, — деди.

— Бўлмайди, ундан ширинроқ бўлади. Бу гал сизга ҳам маъқул қиламан, — дедим. Яна пича мени кузатиб тургач:

— Овқатни онам пиширганда кўринг. Мен онам пиширган таомни яхши кўраман, — деди.

Жаҳлим чиқди.

— Онангизга гап йўқ. Аммо бундан сизга не фойда? Онангиз тушган жойингизга бориб овқатингизни пишириб берадими? — дедим. Бу сўзим унинг газабини кўзгади.

— Менга қаранг, сиз менинг ишимга аралашманг. Ҳар ҳолда сизчалик билсам керак. Сиз кимсизки, менга ақл ўргатасиз?! Гўё келинлик вазинфангизни дўндириб қўйгандек менга насиҳат берасиз. Ўзингизни билмасангиз, билдириб ўзингизга келтириб қўядиганлар топилади. Жа-а биздай ювош қайнсингилларнинг бошига чиқиб олаяпсиз. Аслида айб ўзимизда. Инсондай муомала қилдик, — деди.

Гапни чўзмадим. Вайсаётган қайнсинглимга бир пас тикилиб турдим. Инсон зоти шу қадар орсиз бўлишини шу кунгача билмасдим. Сўзларини жавобсиз қолдирганим учун қайрилиб кетди. Қозонга масаллиқ солиб бошқа ишлар билан машғул бўлдим. Орада овқат тагига олмасин деб сувига қараб, таъмини кўрдим. Оловни баланд-паст қилдим; «Қани, бу кеча нима

дейишаркин?» Менимча, овқатнинг ҳеч камчилиги йўқ эди. Лекин қаердадир хато қилгандай, гап эшитадигандай бўлавердим. Ҳақиқатдан ҳам қўрққанимдай бўлиб чиқди. Эрим биринчи қошиқни олар-олмас юзини буриштирди. «Эй воҳ, энди у ҳам камчилик ахтара бошлайди» Юрагимнинг уриши тезлашди. Ажабо, нима бўляпти? Қайнонам кўзларини менга тикди. Бир нарсалар демоқчи бўлди. Индамади. Балки эримнинг сўз бошлаши уни тўхтатди. Эрим тўғри қайнсингилларимнинг олдига бориб сўради:

– Ким пиширди бу таомни?

– Мен пиширдим.

Улардан аввал жавоб бердим.

Эрим мулоҳазакор:

– Ундай бўлса, бир қошиқ сен ҳам ол. Кўр, қандай бўлибди.

Тезда бир қошиқ олдим. Менинг ҳам юзим буришиб кетди. Ейишнинг ҳеч иложи йўқ эди, шўр, жудаям шўр эди овқат. Еёлмасдим. Юзларим қирмизи тус олди, лекин бу хатолик учун эмасди. Капалаклардай бир бурчакка ўзини урган қайнсингилларимдан сўнг қайнонам ҳам кўзгалди. Эрим ҳам кўлига нон олиб ўрнидан тургач;

– Ҳасбуналлоҳ ва неъмал вакил, – деб жўнаб қолди. Дастурхон атрофида мендан бошқа ҳеч ким қолмади. Мен ҳам турайма-турмайми деб тараддудландим. Нима қилишимни билмай ҳайрон қолдим. Турсам, ўзиям еёлмайди-ку дейишади, қолсам, билмадим яна нима балолар дейишади. Барака топсин эрим:

– Дастурхонни йиғиштир, ҳар ким топганини есин, – деди ва дастурхонни ўраб, олиб қўйдим.

Ётиш олдидан эримга сўз очдим:

– Агар мусулмон бўлсангиз сўзимга ишонинг. Таом шўр эмасди. Оқшомгача неча марта сувини ҳам, тузини ҳам кўрдим. Дастурхонга қўйишдан олдин ҳам ҳаммаси жойида эди, – дедим. Бу гапларим эримни ҳайрон қолдирди;

– Тушунолмадим, таомнинг тузи яхши эди дедингми?

— Ҳа, яхшийди.

— Хўш, унда қандай қилиб шўр бўлиб қолди?

— Мана, шунисини билолмаяпман. Билганим шуки, мен бунча туз солганим йўқ.

Эрим ўйланиб қолди. Сўзимга ишонсинми? Бир тўхтамага келолмасди. Жуда соф, пок ва бегубор йигит эди. Сингиллари шу хиёнатни қилишлари хаёлига ҳам келмасди.

— Мен энди бундай ҳийлаларга чидаёлмайман. Ёдингизда бўлсин, эртага таомга умуман туз солмайман. Кўрайлик-чи, нима бўларкин? — дедим.

Эрим ҳайратланиб сўради:

— Нима бўлади?

— Билмадим. Лекин шуни билинг-ки, эртанги таомни тузсиз пишираман.

Гап шу ерда тўхтади. Лекин эрим ҳануз асабий ҳолда эди. Туриб юзини ювди. Деразани очди, уйга салқин шабада кирди.

Ярим соатча шундай турди. Мен майда-чуйда ишларим билан банд эдим. Кўнглимда:

— Мени уялтирганларни, ўзинг паришон қил, хор қил, юзларини қаро айла, — дея дуойибад қилдим.

Ниҳоят эрим деразани ёпди.

— Қани. Энди ухлайлик, — деди ва ухладик.

Эртаси кунни бу ишни қандай амалга ошириш керак, деган ўй билан ўтказдим. Кеча ҳеч нарса бўлмагандай кўриндим уларга, очиқ чеҳра билан муомала қилдим. Бирон нарса сўраганда, яхши жавоб бердим. Айтганимдай таомни туз кўшмай пиширдим. Кечкурун эрим жомедан қайтиб келди. Дастурхон тузадим. Бу гал қандай бўларкин, дея ҳаяжон билан кутардим. Натижа, яна аввалги кечагидек бўлди: илк луқмадан оқ буришган юзлар, тарк этилган қошиқлар, юзимга ғазаб-ла тикилган кўзлар ва яна бирин-кетин дастурхондан узоқлашишлар. Бу гал улардан олдинроқ мен сўзладим:

— Нега овқатланмаяпсизлар? — дедим, — Бу гал ўзингизга ҳавола дея ҳеч туз солмадим, яна хатолик

бўлдими? Мана ўзингиз истаганча солиб олинг, — деб ёнимдаги туздонни олдиларига қўйдим.

— Машааллоҳ, қизим. Демак, сизнингча тузсиз шундай бўлади, тўғрими? Бу овқатни бир кўринг, агар умрингизда заҳар емаган бўлсангиз, заҳар қанақа бўлишини билиб оласиз, — деди қайнонам.

Бир қошиқ олдим. Ютишнинг иложи йўқ. Туз оғуси дейсиз. Ҳолимни ўзгартмадим.

— Мен бугунги таомга бир чимдим ҳам туз қўшмадим. Ким қўшган бўлса, Аллоҳ қўлини синдирсин, разил-расво айласин, — дедим.

— Сизнинг қўлингизни синдирсин, айбни ўзингиз қилиб бировга тўнкайсиз, сувдан қуруқ чиқмоқчимисиз?! Уялмайсизми-а!?

Бу сўзни айтган Нигор эди. Ўзини ошкор қилди. Эрим энди тушунгандай бўлди:

— Нигор, нега бундай қиляпсан? Айбмасми, синглим? Кеча таом шўр бўлди, емадик, тўкдик. Бу оқшом яна шундай. Менга осонми, синглим? Сизлар бу ерда овқатни еёлмайдиган даражага келтирар экансиз, мен бир кунлик овқат пулини топиш учун офтобда тер тўкаман. Юк қўтариб қийналаман. Сизлар ёрдам бериш ўрнига, бундай ишлар қиласизлар, Аллоҳ рози бўлармикин, синглим?!

Нигор бошини эгиб қолди, ҳеч нарса демади. Эрим ҳам сўзини чўзмади. Қайнонам ҳам жим эди. Эрим хуфтонгача одатдагидек «Таборақ» ўқиди... Вақтлироқ уйқуга кетдик.

Эрталаб ошхонада ёлғиз эдим. Нигор келди. Деворга суянди, оёғини чалкаштириб турди. Мени бир паст кузатиб тургач:

— Кеннойи, жудаям маърифатлисиз, — деди киноя билан.

— Сиз ҳам яхшисиз, ғайратлисиз, — дедим.

Балки мендан бу сўзни кутмаганди. Унингча, узр сўрашим керакмиди, йўқса нима қилишим кераклигини билмасдим. Бу сўзимдан сўнг гапирмай чиқиб кетди.

Яна нималар бўлганини айтсам, катта бир китоб бўлади. Ҳар қалай кўп ўтмади, бир йилдан сўнг Нигор узатилди. Тушган жойида балодай бир қайнсингил менинг ҳақимни зиёда қилиб олибди. Зулм қилган зулм кўриши аниқ. Ўз турмуши тўғрисида менинг олдимда сўзламасди, аммо мен сезардим.

Нигорнинг узатилганига бир ярим йил бўлган эди. Бир кун уйда ёлғиз эдим. Қайнонам кичик қайнсинглим билан айлангани кетган эди. Эшик қўнғироғи чалинди, очдим. Нигор ва қайнонаси. Нигор киргач, қайнонаси:

— Мен холамларникига кириб чиқаман. Бирор соатда қайтаман. Сиз ўтираверинг, — деди ва кетди. Ўтириб бирпас суҳбатлашдик. Дардли эди Нигор. Нималардир демоқчи бўлар, лекин истиҳола қилиб, очилиб гапиролмас эди. Охири:

— Янга, сизга бир нарса айтмоқчиман, мендан рози бўлинг, — деди.

Нигорнинг гоҳо «келин ойи», кўпинча «келин пошшо», «келин хоним» дейишига ўрганиб қолгандим, ҳозир «янга» дейишига ҳайратлангандай бўлдим. Кўнглида пўртаналар, довулу бўронлар кўзгалгандек тўлқинланар ва чекаётган виждон азобидан халос бўлишни истаётгани кўриниб турарди. Кўнглим зирқираб кетди, унга ачиндим. Меҳрим товлаб самимият билан:

— Нигор, мен розиман. Нима бўлди? — дедим.

Кўз ёшларини артиб дедики:

— Кўп ҳаққингиз бор менда, янга. Сизга кўп ҳақсизликлар қилдим. Бир кун ўзимга қайтишини ўйламадим. Бугун жазойимни олаяпман. Бунчалик қийин, аччиқ бўлишини билмаган эканман. Бир ярим йил-ки, тортмаган азобим қолмади, бўғзимга келди. Энди чидолмайман, янга.

Нигорнинг кўзларидан жаладай кўзёшлар тўкилди, рўмолчаси ҳўл бўлди. Давом этди:

— Фақат қайнсингил дарди, қайнсингил балоси бўлса, чидардим, сабр этардим. Икки кундан сўнг эгалик бўлиб кетади, дердим. Лекин эр дарди ундан ошиб тушди. Ҳар

оқшом ичиб келади. Куним мастни овутиш, сўкиш эшитиш билан ўтмоқда.

«Гапир, — дейди, — гапир, мен яхшиманми?»

«Яхшисиз, ҳаммадан яхшисиз!» дейман.

«Мен яхшилигимни сендан сўраб биламанми? Сен ким бўлдинг-ки, менинг яхшилигимни таърифласанг», деб бақиради. Уят сўзлар айтиб сўкинади. Жим туриш иложсиз, ёмонсан десанг бу ҳам бўлмайди. Қусади. Эрталаб либосини ифлос ҳолда кўриб, айбни менга ағдаради.

Нигор шу тариқа гапириб, кўнглида борини тўкиб бўшатди:

— Сизга қилганим ортиғи билан қайтди, янга. Оҳ, бир қутулсайдим, — деб сўзини тугатди. Тасалли бердим:

— Хафа бўлманг десам, фойдасиз, аммо начора, сабрдан ўзга чора йўқ. Дунё роҳат дунёси эмас. Ҳамманинг бир дарди бор. Бир кун сиз ҳам ҳузур кўрасиз, — дедим. Шу ерда сўзимни бўлди:

— Менинг дардим бошқаларникидек эмас. Бу кетишда фақат ўлим ҳузурига бораман, — деди ва кўзларини юмди. Кўз ёшлари дув-дув тўкиларкан, диққат қилдим: Нигор бир ярим йил аввалги Нигор эмас, хароб бўлганди, ўн ёшга қаригандек эди. Аввал ўчим ошиғи билан олинди деб ўйладим, сўнг яна ачиндим. Бечора мендан ҳам кўпроқ азият чекибди.

Аёл ҳикояси сўнггида яна шуларни айтди:

— Мана, шундай, қизим. Сепларингни кўрдик. Дунё келтирмайсан-ку. Кучинг нимага етса, қўлингдан нима келса, шуни адо этасан. Қани нималар дейишаркин, дея бир йўқлаб қўйгим келди. Улар ёнида бир-икки оғиз гапирдим, сиз ҳам бор эдингиз. Чиқаётганимда қулогимга нималар демасди. Сочик, пайпоқ келтириб олдиларига қўймабсизми-ей... Яна нима балолар. Бундай қилиш уят. Бунга гапириб юриш инсонга ярашмайди. Тарбияли одам бундай иззатталаб бўлмайди. Яна тўйнинг иккинчи куниеқ келган-кетганга буларни гапириб юриш яхшимас. Шундаймасми, болам?! Машааллоҳ, гўзалсиз,

одоблисиз, кўлингиздан иш келади. Кўрдим, уйни тартибга келтирибсиз. Яна нима керак?

Уйга бир кўз югуртириб чиққач:

— Сиз келгунча ифлос бўлиб ётарди бу уй. Ҳамма нарса остин-устун, айқаш-уйқаш эди. Начора, болам. Ўз бошидаги калини кўрмаганлар, бошқанинг сунбул сочидан айб ахтараркан. Дунё шундай, тескари дунё, тескари айланмоқда.

Келиннинг дарди кўзгалди. Ҳақиқатдан аёл айтгандек эмасми?! Не қилса, ёқтиришмайди. Меҳмон олдида изза қилади, кийган кийимигача гапириб камситади:

«Буни кийиб бўлмайди, қизим, бориб пушти кўйлак кийиб келинг», дейди. Бошқа меҳмон олдида бошқача гапиришади.

«И-е, қизим, ҳар келганнинг ёнида бу кийилавермайди-ку, айб бўлади. Тез ўзгартириб, бошқасини кийиб келинг. кўлимни ўпишни унутманг».

Буйруқ бераверишади. Истаса унисини, истамаса бунисини кийдиргизишади. Ҳар келган меҳмон учун алоҳида либос киймоқ керак, деган хулосага келган ҳолда эртадан кечгача кийим алмаштиради.

Келин бугун ўзига бир ҳамдард (аслида дардига дард қўшувчи) топганди. Унинг ҳикояси дардига малҳамдай кўринса, аслида туз, ундан ҳам баттар бир заҳар эдиким, икки томонни — қайнона, қайнсингил ва келинни жиққа мушт қилишга, оила ва айниқса келиннинг дардини кучайтиришга бемалол етиб ортарди.

Бечора келин тушуна олмасди. «Мен бу ерга турмуш қургани келдим, ғавғо учун эмас» дея олмасди. Уларнинг ёмонликлари ҳақида эшитган ҳар ёмон гапни интиқомнинг бир тури сифатида қабул этар ва руҳи бу сўзлардан шифо топажигини ўйларди. Қолаверса, унинг сўзлари кунлар келиб асқотиб қолиши мумкин.

Қайдан келиб қолди бу аёл? Ҳар куни келсайди! Ҳар куни суҳбатлашсайди. Унга дардини ёрса, бироз енгил тортармиди?!

Беш дақиқа деган аёл икки соат ўтириб қолганини жуда яхши биларди. Бугунча шуниси кифоялигини, вазифасини етарли бажарганини, ҳали замон уй эгалари — қайнона ва қайнсингил келиб қолишини сезган аёл:

— Вақт кеч бўлди, болам. Беш дақиқа деб шунча қолиб кетдим. Сизнинг ҳурматингиз учун, қизим. Яна келаман, сизни яна йўқлайман. Ҳозир келсалар нарибери, паст-баланд гапириб юришар. Яхшиси кетайин. Келганимни айтманг, ҳеч нарса гапирманг, яхшиси, — деди.

Турди, рўмолини олди, эшикка томон юраркан, ногоҳ тўхтади, ёдига муҳим нарса тушиб қолгандай келинпошшога насиҳат қилишни унутмади:

— Сабр қилинг, чироғим. Сабр билан ҳар иш ҳал бўлади. Сабр қилсанг, гўрадан ҳолва пишар, деб бежиз айтишмаган. Бу дунёга ҳеч ким устун бўлмайди. Ҳамма кетади. Бир кун қарабсизки, эрингиз билан ёлғиз қолибсиз. Икки кунда қайнсинглингиз узатилади. Уй ўзингизга қолади. Бир эрингизни амаллаб идора қиларсиз.

Дарвоза томон юришди. Шунда келин:

— Хола, айбга буюрмайсиз, кўлингизни ўпишни унутибман, — деди.

— Ундай деманг, чироғим. Тушунмайманми?! Бегона эмасманку, холангиз ҳисобланаман-а?! Фалон-писмадон десангиз хафа бўламан. Қўл ўпишга ҳавасмандлар кўлини ўпинг. Мени қўяверинг. Хайр, хўш, Аллоҳ ёр бўлсин!

Дарвозани очди, аста бошини чиқариб, аланглади сўнг биров кўриб қолмасин деган тарзда тез чиқиб, йўрғалаб қолди. Келиннинг оҳистагина:

— Яна кутаман сизни хола, бошқа келинг, бизни унутманг, — дейишига тасдиқ маъносида бош қимирлатиб, узоқлашди.

Аёл қай даражада самимий эди? Албатта, келин бу ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади, аёл ўша кун бошқасига:

«Келини жуда аҳмоқ. Бугун бордим ўтирдим-ўтирдим, то дарвоза олдига келиб хайрлашгунча қўл

ўпиш эсига келмади» деб айтганларини эшитса, ҳар ҳолда ўша аёлнинг кимлигини дарҳол билиб олар эди. У кетиши билан келин эшикни оҳишта бекитди. Неча кунки, ўзига ҳамдард бир дўст тополмаётган келин томонга ҳам сарин бир шабада эсгандай бўлди. Чуқур нафас олди, хўрсинди. Қайнонаси кетаётиб айланишга уни ҳам таклиф этмагани учун ўзича койиниб хафа бўлганди, ҳозир эса бундан хурсанд бўлди. Сабр қил деди аёл, қарабсиз-ки, уйда бир эр, бир хотин қолибсиз.

Тўғри айтади. Султон Сулаймонга қолмаган дунё қайнонасига вафо қилармиди, у ҳам бир кун хайр-хўш қилади, дунёга видо айтади. У кетгач, ўзи хон, кўланкаси майдон. Ёлғиз қайнсингилнинг қўлидан нима ҳам келарди. Бир-икки йил ўтсин, кетишмаса иккисига ҳам ўзи бас келади. Ҳозирнинг ўзиданоқ қайнсингил билан ёлғиз қолса, уни чўқиб ташлайдигандай кучли ҳис этарди ўзини. Ҳатто ўтган кун қайнонасининг боғчада йўқлигидан фойдаланиб, ишга аралашмоқчи бўлган қайнсингилга шундай тикилдик, сўзсиз, уни чекинмоққа мажбур этди. Қайнонаси бўлса, бундай қилолмасди, аммо унга ҳам навбат келади. Зотан, опаси келин бўлаётганда унга:

— Синглим, қайнона ва қайнсингил шундай-ки, жим турсанг, улар гапиради, агар сен гапирадиган бўлсанг, улар жим бўлади. Овозингни чиқармасанг бошинга чиқиб олади, бир оз дағалроқ муомала қил, дарҳол бўйин эгадилар, — деганди. Айтишича, келганининг иккинчи ҳафтасидаёқ қайнсинглисига қўрслик қилган эди:

— Қани кетинг-чи, сиз кимсизки менинг ишимга аралашасиз?! Бу уйнинг келинпошшоси менман. Икки кун ўтар-ўтмас кимнингдир эшигига кетасиз, шу икки кун эримнинг нонини ейиш учун ишларимга аралашасизми?! Қорнингизни тўйдирганимиз етмаганидай, энди гапингизниям эшитамизми?! Одобингизни тузатинг, — деди ва қиз жимиб қолган эди ўшанда...

Ёлғиз қолиб ортиқча тотли хаёллар суролмади. Эшик очилгандай бўлди. Деразадан қаради. Келдилар. Қаҳва идишларини йиғиштирмагани ёдига тушиб, тезлик билан саранжомлади. Сўнг: «Хуш келдингиз», дея уларни кутиб олмоқ учун ташқарига чиқди.

* * *

Ҳар гал келин хонасига кириб, ўзларича тафтиш ўтказиб, хотинларга ғийбат қилиш учун ахборот тўплаш ҳавасида бўлганлар Аминанинг хонасига кириш имконини топа олмадилар. Лекин барибир гап топиш илинжида келинга «Қалайсиз?» дейишни унутмадилар. У ҳақида ёмон гап эшитмаган, ҳатто Мунаввархонимнинг миш-миш, ғийбат қилмаслигини билсалар ҳам, ҳар дуч келганда бу саволни такрорлайдиганлар бор эди.

Бир кун хаста қўшни хотиндан ҳол сўрагани кетишганди. Бемор оғриқ ва изтироб ичида эди. Бир хилда ётолмай беҳузур бўлар, гоҳ ўнг, гоҳ чап ёнига ағдариларди. Мунаввархоним соғайиб кетинг, деб шифолар тилади. Аёл чекаётган азоб қаршисида изтиробга тушмоқда эди. Шу сабаб хасталиқдан кутулолмаслигини сўзларди.

— Ҳеч бўлмаса, ўлиб қутулсам, — дерди. Мунаввархоним тасалли берди:

— Ноумид бўлманг, синглим. Аллоҳ буюқдир. Хасталигингиз унинг мағфирати учун балки бир каффоратдир. ҳали тузалиб қоласиз. Аллоҳ таолонинг ўзи бир кун ичида шифо беришга қодир. Ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз. Шифо бергани учун шукр этиб, яхши ишлар қиласиз. Ўлимни орзу қилиш яхши эмас. Ҳаммамиз ўламиз. Бироқ қандай? Бўш қўл биланми ёки охират учун йиғилган сармоя биланми? Гап шунда. Аллоҳдан шифо сўранг. Хайрли умр сўранг.

Бу орада қўшнининг тоби қочганлигини эшитган бошқа бир хотин ҳам кириб келди.

— Ҳой қиз, жудаям мазангиз йўқ. Нима бўлди? Хабар юбормабсиз. Келиб кўрардик. У-бу нарса керакми, ёлғизликдан сиқилмаяпсизми, аҳволингиз қалай? Қаранг,

қабоқларингиз, чаккаларингиз чўкиб кетибди. Одам сал ўзига қарамайдами? Бир устихон бўлиб қолибсиз.

У бир оз шунга ўхшаш гапларни вайсагач, Мунаввархонимга қаради.

— Қалайсиз, Мунаввархоним? Яхшимисиз?

— Худога шукр, яхшиман?

— Келин ҳам яхшидир, иншааллоҳ. Ие, шу ердამисан, қалайсан қизим?

— Раҳмат, яхши хола.

Орадан беш дақиқа сассиз-садосиз кечди. Фақат бемор аёлнинг ингроқлари эшитилиб турди: Мунаввархонимга қаради.

— Бир оз сув...

Амина дарҳол сув келтириш учун ташқарига чиқди. Хастанинг тўққиз ёшлардаги қизи ҳовли супириш билан машғул эди. Онаси сув сўраётганини эшитиб ичкарига кирди. Бир оздан сўнг Амина Мунаввархонимнинг кулоғига яқин қилиб секингина:

— Она, ҳовлига чиқмоқчиман, — деди.

Мунаввархоним бош қимирлатиб тасдиқлади ва Амина ташқарига чиқди. Бу орада ҳалиги хотин бемор ёнида ўринсиз сўзларини давом эттирди. Бу гал Мунаввархонимга:

— Келин билан яхшисан, иншааллоҳ, шундайми? — деди. Бу биринчи, иккинчи ёки бешинчи сўраши эмас эди.

— Худога шукр, яхшимиз, — деган жавобни олди.

— Келин бироз ётсирагандай, галатироқ кўринди. Юзи ҳам тундроқ бугун, бир гап бўлди дейман?

Келгандан бери хастага хасталик, дардига дард қўшган, озгина яшаш умиди бўлса шуни ҳам сўндирган бу эзма хотинга не керак ўзи? Нимага эришмоқчи?

— Масалан, келиним билан ёмон бўлсам, бунга бирор чорангиз борми ёки бу билан бирор нарсага эга бўласизми?

— Бу қанақаси, Мунаввархоним, сизлар яхши яшамасангиз, чиқишмасангиз мен нимага эга бўлардим?!

— Ундай бўлса, бунчалик сўраб-суриштиришда қандай маъно бор? Тушунолмаёйман. Яхши яшаса сизга фойдаси йўқ, ёмон бўлса ҳам бирор зарар кўрмайсиз. Ташвишланманг, чиқиша олмасак, атрофга ёйилиб кетарди, гапиришга ҳожат қолмасди. Умуман, нега энди чиқишолмаслигимиз керак? У ўзимнинг қизим, мен эса онасиман. Ҳайрон қоладиган жойим шуки, биров қизингиз билан қалайсиз демасди, келинингиз билан қалайсиз дейди. Нега у кўпчиликни бунчалик қизиқтиради: ҳеч тушунолмаёйман. Яна такрор айтаман, мен келиним билан яхшиман. Бундан кейин ҳам Худо хоҳласа яхши яшаймиз. Келинимнинг ҳозирги маъюслигига келсак, менинг қизим бемор ёнида ўзини қандай тутишни яхши билади. Албатта, бу ерда тўй бўлаётгани йўқ. Аллоҳдан беморга шифо сўраб, қалбан дуо этаркан, кулолмайди, албатта, кулса одобсизлик қилган бўлади.

Яна кўп гапириши мумкин эди, бироқ ўз дарди билан овора хастанинг ёнида ноқулай. Зотан, беморни хафа қилган бу аёлга озгина сабоқ берилди. Хасталар зиёрати ҳақида ҳам озроқ гапирса бўларди, бироқ аёл алақачон чиқиб кетган эди. У кетгач беморнинг Мунаввархонимга биринчи сўзи шу бўлди:

— Тўғриси, аҳволим шунчалик бўлиб қолдимиз? Демак, анча ёмонлашибман-да ?

— Йўқ, синглим. Худога шукр, яхшисиз. Айтганимдай, умид узманг. Шу ёшга кирдим, ҳар йил ниҳолларнинг, дарахтларнинг ёздан сўнг қуп-қуруқ бўлиб қолганини кўраман. Баҳор келиши билан улар яна жонланади. Ўша жонсиз қуруқ новдалар, шохлар ёз келиши билан қанча одамга соя бўлади, қанчасига мева беради. Сиз ҳам шундай бўласиз, синглим. Бу хасталик сиз учун, баҳор ва ёздан сўнгги бир мавсумдир-ки, дарахт япроқларидек гуноҳларингиз тўкилмоқда. Насиб этса, яқинда онадан қайта туғилгандек покиза, беғубор бир мусулмон хоним бўлиб оёққа турасиз. Узоқ йиллар қанчадан-қанча одамларга фойда келтиргансиз. Фақат

сабр этинг. Келган-кетганга аҳволингиздан шикоят қилманг.

Хаста ёнида узоқ қолмаслик лозим эди, бироздан сўнг кетишга рухсат сўрадилар. Бемор эшитган сўзларидан мамнун эди. Яна бир оз ўтиришларини, йўқса тез-тез йўқлаб туришларини илтимос қилди. Мунаввархоним сўз берди. Такрор-такрор шифолар тилаб, Аминани ёнига олиб хайрлашди, ўзига айтилган сўзлардан фароғат топган, бир талай яхшиликлар ҳис этган бир хаста вужуд ва бу вужудда илиқ ёшларга тўлган бир жуфт кўз бор эди.

VIII

1966 йил. Баҳорнинг охирги кунлари... Ҳаво бир салқинлаб, гоҳ исийдиган кунлар...

Бир кун Амина ўрнидан ҳолсиз турди. Вужудида бир ланжлик сезди. Мунаввархоним одатдагидай:

— Хайрли тонг, қизим, қалайсиз? — дер экан, унинг ҳолсизлигини дарҳол билди.

— Хайрли тонг, она!

— Нега ҳолсиз кўринасиз, Амина?

— Ўтиб кетади, она, унчалик оғирмас.

Мунаввархоним кўлини унинг пешонасига кўйди, ҳарорати баланд эди. Дам олиши керак.

— Амина, дам олинг, болам. Иссиғингиз баланд.

— Ҳозир ўтиб кетади, ишларим бор, она.

— Ишингизни қаранг-у, бир-иккита кир-чир билан бир уйни супуриш иш бўптими?! Яхши бўлгач, қиласиз.

Амина мажбуран ётди. Боши қаттиқ оғирди. Мунаввархоним сочиқни ҳўллаб пешонасига босиб кўйди.

— Аллоҳ шифо берсин, қизим!

Амина кўзларини юмди. Мунаввархоним зўрлаб ётқизмаса барибир бир-икки соатдан сўнг ўзи ҳам ётишга мажбур бўларди. Бутун вужуди пичоқ санчгандай оғирди. Кўли қаерига тегса, игна киргандай ҳис этарди.

Орадан ярим соат ўтди. Тўшагида бир ўннга, бир чапга ағдарилиб, тўлғаниб ётган Амина, эшик оҳиста тақиллаб, секин очилганини эшитди. Бир-икки лаҳзадан сўнг Мунаввархонимнинг паст овозда:

— Амина, Амина! — деганини эшитиб кўзларини очди.

Амина туришга ҳаракат қилди. Бу орада кўлидаги лаъли- патнисни кўйиб, Мунаввархоним ёрдамга етиб келди. Елкасига икки ёстиқни таяб кўйди, жун чойшаб билан яхшилаб ўради, сўнгра жўка гули қайнатмаси тўла истаконни оғзига тутди.

— Кўйинг, она, овора бўлманг, ўзим ичаман.

— Йўқ, кўллариңгиз совуқ қотмасин, ўзим ичираман.

– Уялтирманг, она!

– Уяти йўқ, қизим. Бир она бемор қизига хизмат этса, нимаси уят?! Мен хаста бўлсам, сиз ичирмайсизми? Қани, «Бисмиллоҳ» денг.

Амина «Бисмиллоҳ»ни айтиб ичди. Ютум-ютум, хўплам-хўплам ичар, ҳар ичганда онасига миннатдор боқиб кўярди. Ҳар бир қайнона келинга шундай муомалала бўлармикан? Устма-уст ичиргач, яна ўрнига ўраб-чирмаб ётқизди.

– Иссиқлаб кетдим, деб устингизни очиб юборманг, қизим. Терланг, иншааллоҳ шифо топасиз, – деди Мунаввархоним.

Амина ётди. Номаълум бир нарса бошидан айлангандек бўлди. Бу тушунча, бу фикр, бу ҳодиса бир, беш, ўн беш бор ўтди калласидан. Мияси зирқирайди. Қутулмоқ истайди, аммо имкон йўқ. Ҳеч бўлмаса бошида тасмадай давомли айланаётган нарсанинг нималигини билса эди. Гоҳ ўзига келганда зеҳн чарчоқлигини ҳис этди. Бошидаги нима эканлигини билгани йўқ. Баъзан Мунаввархоним эшикни аста очиб, унинг паришон ётганини кузатиб оҳиста чекинарди.

Икки соатлардан сўнг Аминанинг пешонасида тер доналари пайдо бўлди. Ташқарида ишларини битириб келган Мунаввархоним унинг бош томонига ўтириб, етти бор «фотиҳа» ўқиб, Аллоҳ таолодан шифо тилади.

Амина иситма таъсирида чойшабдан кўлини ташқари чиқарди, энди-энди терлаётганини кўрган Мунаввархоним уни ўраб қўйди.

Орада гоҳ Аминанинг пешонасини артарди. Ярим соатча Амина роса терга ботди. Сўнг кўзларини очди. Боши устида қайнонасини кўрди. Дудоқларида ҳолсиз бир кулимсираш пайдо бўлди.

– Қалайсиз, қизим?

– Терлабман, она.

– Ҳа, терладингиз, қизим. Ўтиб кетади, иншааллоҳ.

Мунаввархоним турди, кийим келтирди. Тезда алмаштириб яна ўрнига ётқизиб қўйди.

Ўша куни Амина яна бир неча бор терлади. Бутун танаси ҳар гал жиққа-жиққа терларга ботди.

— Она, жуда ҳолсизман, миям чақнагандай бўляпти.

— Сабр этинг, Амина. Бундай дейишдан фойда йўқ, қизим. Жуда қийналганингизни билиман. Агар сабр этсангиз Аллоҳ кўп ажру савоб беради. Сабр этиб дардингизни Яратгандан бошқасига шикоят этмасангиз, бу тер гуноҳларингизни ҳам ювиб юборади. Пок-покиза, гуноҳлардан фориғ бўласиз, Амина. Пайғамбаримиз (с.а.в.) сабр этган хастанинг гуноҳлари кузги дарахт япроқларидек тўкилишини марҳамат қилганлар.

Мунаввархоним аср вақти Аминанинг кийимларини қайта алмаштирди, устидан ечиб олганларини кўтариб ташқарига чиқаркан Аминанинг:

— Она, кийимларимни бир четга қўйинг, тургач ўзим юваман, — деганини эшитиб:

— Хўп, қизим, энди дам олинг, — деб ташқарига чиқди. Кирларни ювиб, илиб қўйди.

— Она!

— Лаббай, Амина!

— Тонгдан бери нима бўлаётганини билмай овораман. Бошимда бир нарса музлаб, қотиб қолгандай. Ҳеч қутулолмаяпман. Зеҳним шу қадар толдики, тушунтириб беролмайман. Нима қилишни билмай ҳайронман?

— Бу нимаданлигини биласизми, қизим? Инсон соғ пайтида нима билан кўп шуғулланган бўлса, ўзига ҳоким бўлолмай хасталаниб қолганида ҳам ўй-хаёллари мажбуран ўша нарса билан машғул бўлади. Бундан кейин кўнглингизни ибодат билан нурлантиринг. Хасталанганда ўзингиз билиб-билмай тилу дилингиз Унинг зикри билан машғул бўлади. Шунда ҳолсизланмайсиз. Ухлаётганда ҳам ўз-ўзидан уни эслайсиз, уйқунгиз ҳам ибодатга айланади.

Амина оқшомга бориб ўзига келгандай бўлди. Тураин деди, рухсат этилмади, яна ётди. Хасталигини оёқда ўтказадиганлар бор.

— Касал бўладиган нима бор, ётишга бало борми, ноз қилади-да, энди бир хизматчи керак бу келинпошшага, — деган сўзларни эшитадиган келинлар ҳам бор.

Бу хасталик Мунаввархонимнинг олижаноблигини, қайнона бундай ҳолда ўзини қандай тутиши кераклигини ва бу ҳолда келинга самимий ёрдам кўрсатиш яхши бир вазифа эканини намоён қилди. Бу жиҳатдан Амина бахтиёр эди. Чунки бу уйда инсоний муомала туфайли қайнонасини онасидай яхши кўриб қолган бир келин, бир умр Аллоҳ ризосини топай деб ҳаракат қилиб яшаётган шарафли бир қайнона бор.

* * *

Бир миллатни маҳв этмоқ учун излаб топилган йўлларнинг энг таҳликали бузувчиси мода, деган киши янглишмайди. Мода эҳтироси, модапарастлик, мода тажовузи миллат ичига вабодай кириб тарқалса, бу йўл охирида фалокат бор, холос.

Амина хасталигининг учинчи кунда ён қўшниси Сория хоним, келини, қизи ҳол сўрагани киришди. Эски билан янгини бир онда кўришни истаган киши Сория хоним билан қизига назар ташласа етади. Сория хоним сочининг бир толаси кўринмайдиган шаклда муносиб кийинган, қизи эса боши тамоман, қўллари тирсақдан юқорисига ва оёқлари тиззаларигача очиқ ҳолда. Она қизининг бу кийимидан, қизи онасининг эскича қолганидан уялишмоқда. Бири қизида одоб ва иффат туйғуси қолмаганидан, қизи оила шарафини бир пулга чиқарганидан маъюс ва изтиробда. Бошқаси онасининг эски тушунчаларига берилиб, маданий оламга муносиб ва мувофиқ қадам ташлашда ғайрат кўрсатмагани учун маҳзун. Она истайдикки, қизи ҳам ўзидай ўрансин, сотиладиган молдай ўртага чиқмасин. Қизи орзу этадикки, онаси хонанишин бўлиб, уйда бекиниб қолмасин ва дунёдан бир оз бўлса-да насибасини олсин.

Меҳмонлар келдилар, ўтирдилар. Амина энди ўрнида ётмас, туриб ўтирарди.

— Тузукмисиз, Амина, хаста деб эшитдик?

– Раҳмат, Сория хола, бир оз шамоллабман. Худога шукр ўтиб кетди.

– Ўзингизга қаранг, қизим, яхши қаранг. Эҳтиёт бўлиш керак.

Сўнг Мунаввархонимга қаради:

– Бизнинг қизимиз гапга кирмаяпти, сўзимизни олмаяпти, қўшнижон. Қизим бунчалик очилма, шамоллаб қоласан десам, қулоқ солмайди. Бошига рўмол ўратолмайман. Кўйлагини тиззасидан баланд киярмиш. Мода бу йил шунақамиш. Шу етмай турганди ўзи. Бу модаси қаёқдан чиқди. Авваллар биз бунақа мода-подани билмасдик. Шундайми, Мунаввархоним?!

Қиз «портлади»:

– Сиз онамга қараманг, қулоқ солманг, Мунаввар хола. Эскилик сарқитларига ёпишиб олганлар. Замонга мослашайлик, деган мақсад йўқ. Қўлларидан келса, мени эрли хотинлар, кампирлардай кийинтирадилар. Рўмол ўрармишман, тиззамдан бир қарич паст либос киярмишман. Кинога бориш йўқ. Яна бир қанча мантиқсиз ишлар. Ҳеч бу ҳам ёш, айлансин, кўнгил очсин, ёшлик завқини тотсин демайдилар.

Сўнг онасига қаради:

– Она, нима бўлди ўзи сизга?! Уйда гапирасиз майли, энди бу ерда нимага тинмайсиз?! Уйнинг гапини ташқарига чиқаришдан не фойда? Ҳамма кулмайдими? Бунчалик мутаассиб бўлиш тўғрими? Ўзингиз амал қилмайсиз, бизга халал берманг, масхара бўлмайлик.

Амина хасталигини унутди. Она-бола ҳол сўрагани эмас, баҳслашгани, гурунглашгани чиққандай. Сория хоним қизининг гапларидан кўнгли оғриди.

– Тўғри айтасан қизим, ҳамма мендан кулмоқда. Қизини модага ўргатди, одобга ўргатмади, ахлоқини унутдирди, сотиладиган нарсанинг мазаси, ҳидини кўрсатгандай қизининг қўл-оёғини очиб қўйди, деб мендан кулишмоқда. Қаранг қизимга, очиқ жойларини кўриб қўйинг, шунга кўра баҳо беринг, деяётганлар бу ҳолга тушганим учун кулсалар ўринли, қизим. Менинг

отам: «Хотиним, қизим номусли бўлсин, ҳаё билан яшасин, йўқса ўламан», деб душман билан урушди, шу йўлда шаҳид бўлди. Мен унинг васиятига амал қилиб, шу кунгача бир тола сочимни номаҳрамга кўрсатмадим. Фақат сен мени хор қилдинг, наслингга тортмадинг. Нима, соянгни сотасанми, ҳаммага кўз-кўз қиласан?

Онаси ўртаниб, юраги ёниб-ёниб, кўзлари ёшларга тўлиб сўзлади. Қизи бу сўзларни мийиғида кулиб тинглади. Онаси: «Сен мени хор қилдинг, наслингга тортмадинг», деганда қаҳ-қаҳа отиб кулди. Сўнг жиддий тортди.

— Нималар дейсиз, она, фақат ўранганлар номусли бўладими? Номус инсоннинг ичидаги бир туйғу. Ўзимни жиддий тутсам, ким менга нима дейди? Очилганимиз учун хор бўлармишимиз. Наслу насабимизга тортмаётган эмишимиз. Наслимизга тортамыз деб, нима, уйда қамалиб ўтирамызми?

Кейин Мунаввархонимга қаради:

— Мунаввар хола, онам бунчалик исканжага олмасин. Айтиб қўйинг. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, демайдиларми? Бир оз ақлни ишлатиш керак-да. Бунчалик қилишлари айб эмасми?

Мунаввархоним, бир тарафдан бу қизнинг ҳаёсизлигини, одобсизлигини, иккинчи томондан ёш қизларнинг, ҳатто оналарининг секин-аста очилиб бораётганини, уят туйғусидан узоқлашаётганини ўйларди.

Қизнинг «Мунаввар хола» деган мурожаати ўйларини тарқатиб юборди. Бечора қиз ёрдам умидида мурожаат қиларди.

— Қизим, келинг, мен сизларга бир орачилик қилай. Она-бола баҳслашиб, бир-бирингизни хафа қилишингизнинг асосий сабабини айтай. Бу, бир суҳбатда ечилиб, ҳал бўладиган масала эмас. Буларнинг бир асосий манбаи бор. Масалан, сен бир газмол олсанг уни тикиш ёки тиктириш учун дарҳол бир андоза излайсан, шундайми?

— Шундай, хола.

— Андоза китобларни олиб такрор-такрор қарайсан, ниҳоят биттасига ўхшатиб тикасан. Яъни сенинг доимий бир мўлжаллаган, ўртак оладиган нусханг йўқ. Бугун бир турлисини, эртага бошқа бир турлисини тиктирасан. Ўтган йили модангиз тиззадан пастда эди. Бу йил тиззага чиқди, мен аминман-ки, келгуси йил тиззадан баландда бўлади. Келажак йилларда бир қарич яна юқори кўтарасиз ва бундан уялмайсизлар. Мен яна аминман-ки, бир кун келади-ки, уят жойларингизни ҳам очасиз, уятли жойларингизни ҳам кўрсатиб юриш сизлар учун шараф ва обрўга айланади. Мода туфайли кимдир қўлига қайчи олиб, либосининг олдини қирқади, йиртади ва моданинг янги шаклини жорий этади. Мода деб сизларни кимлардир бармоғида ўйнатадилар, айлантирадилар, хоҳлаган куйларига соладилар. Кимлар булар? Бир пуллик, насли-насабининг тайини йўқ кимсалар эмасми? Барча ўй-мақсади содда халқни алдамоқ, оила номусини топтамоқ, мусулмонлар шарафини йўққа чиқармоқ, мўминларни ҳам ўзларига ўхшатмоқчи бўлган бузғунчи кимсалар иши эмасми бу? Бошларингиз, сочларингиз ҳар ой ҳар тусга киради, қўлларингиз, елкаларингиз очилди. Эртага кўксингиз очилмоғи амр этилади, кейин яна бир кун келади-ки, онадан туғилгандек қип-яланғоч кезмоқдан номус қилмай қўясиз.

Мунаввархоним бир оз сукут қилгач:

— Ҳозир меҳмондорчиликда аёл-эркак аралаш-қуралаш ўтиради, шундайми? Тўғрими? — деди.

Сўзларини қизиқиш ва ҳайратланиш билан тинглаётган қиз:

— Ҳа, шундай хола, — деди

— Хўш, улар бирга ўтиришганда аёл-эркакнинг бири-бирига кўзи тушмайдими, кўзларини уриштирайдими? Эртага бир баҳона билан бир-бирларига янада яқинроқ келмайдиларми? Ҳозир янгича тўйларда бир-бирларининг хотинлари билан тансага туша бошладилар.

Мунаввархоним сўзлаётганда секин-секин пешонасида ва ёноқларидан чиққан терлар бу нуроний

юзни ёмғир томчиларидай ювиб, гўё бир гул ҳолига келтираётгандек эди. Қизнинг бир оз аввал онасига нисбатан масхаромуз қараши жиддийлаша бошлади. Ва масала ҳам жиддийроқ тус олди. Чунки қаршисида турган аёл онаси эмас ва онасига ўхшаб «Биз шуларни кўрдик, сен ҳам шундай бўл», демаётганди. Мунаввархоним бир оз ҳаяжонланди. Бир муддат ҳаяжони босилишини кутиб, сукут қилгач, давом этди:

— Биз бундай эмасмиз, қизим. Сен мода дея бир йўлга киряпсан. Бу моданинг етакчиси ким, бошқарувчиси қайси имонсиз, билмайсан. Имонсиз деяпман, менинг таърифим шу сўзда мужассам. Бутун бир мамлакатни буздилар, юз мингларча инсонни одоб-ахлоқидан жудо қилдилар. Номахрамдан арслондан қочгандай беркинган аёлларнинг қизларини фоҳишалар каби яланғочладилар. Денгиз қирғоқларида ҳаммомда ечингандай ечишиб, эркакларга аралашиб юрганлар акасининг ёнида тиззасини очишдан уялган аёлларнинг қизлари эди. Яна нималар қилади? Қайси душман бир миллатга бундан каттароқ ёмонлик қилган ёки қилиши мумкин?

Шундай қизим, сизнинг модаларингиз сизга шуларни ўргатмоқда. Бу яшаш шакли сизнингча номусли, фазилат тўла бир турмуш тарзи эмиш. Билмадим. Бўлиши мумкин. Бир нарса деёлмайман.

Мунаввархоним қаттиқ ҳаяжонланар, овози кўтарилиб борар, кўтарилган сайин қиз эзиларди.

— Бизнинг ҳам андозаларимиз бор. Бизнинг ҳам ўрнак оладиган улуғларимиз бор, қизим. Фақат уларни яхши билмайсизлар. Сизлар амрини бажо келтирганларингиз, бир куни келиб сизларни ҳар кимнинг аёлига айлантиражак, зотан вазият шуни кўрсатмоқда. Биз амрини тутган буюклар эса бизга фақат эрларимизга қарашли эканимизни, улардан бошқа ҳеч кимнинг олдида очилмаслигимиз кераклигини билдирмоқда. Очиқ-сочиқ юрганлар қимматли ҳаёсини йўқотдилар, биз эса, Худога шукр, бугунгача номус билан

яшадик. Ота-боболаримиз шу йўлда жон бердилар. Бизнинг биргина «мода»миз бор қизим, лекин у бугунгача ўзгармади, қиёматга қадар ўзгармайди, иншааллоҳ. Бу «мода» соҳибига шарафдан бошқа нарса келтирмайди. Бизнинг «мода»чиларимиз шаън ва шарафни бошларига тож қилган, ҳар ким уларни ўз онасидай кўрган, ўз онасидай ҳурмат этган, ёшу қари эҳтиром билан тилга оладиган хонимлардир улар. Сизнинг модачиларингиз тонггача майхоналарда, қиморхоналарда бегоналар қўйнида сафолат билан овунадилар. Бизникилар эса фазилатли турмуши билан кўнгилларда тахт қурганлар, ҳар бири шарафли ҳаёт кечирган аёллардир.

Мунаввархоним сўзлари фаросатли бир инсон учун кифоя эканлигини ўйлаб тўхтади. Қиз паришон бўлиб қолди, умридаги энг кучли зарбани олди. Шу билан бирга кўнглида бир мароқ, бир қизиқиш пайдо бўлди. Ким экан бу Мунаввархонимларнинг «мода»чилари? Нега шу пайтгача ҳеч ким эшитмаган уларни. Секингина сўради:

— Кечирасиз, Мунаввархоним, кимлар сизларнинг модачиларингиз? Нега ҳеч ким билмайди, нега ҳеч ким эшитмаган? Сиз айтган мода қай бичимда?

— Қизим бизнинг «мода»чиларимиз Хадича онамиз, Ойша онамиз ва Фотима онамиздир. Биз уларнинг андозасига эргашамиз. Бу юз, қўлимиздан бошқа жойларимиз ёпиқ бўлиши, номаҳрамга кўрсатмаслик, номаҳрамлар билан бирга ўтирмаслик, ёлғиз ҳолда ҳам уятли бир қиёфада қолмасликдир. Мана, ҳаммаси шу. Бу улуғ миллатларни тиклаган, маънавиятларни сақлагандир. Бу улуғ зот аёлларни эшитмаганлигингиз масаласига келсак, кўпгина ёшларнинг қулоқлари очиғу, жон қулоғи, қалб кўзи беркилган. Аксинча бўлса, яхши эди. Яъни, инсон қулоғини турли зарарли шамоллар, ёмон сўзлар, маънавий хасталиклар киришидан тўсса, беркитса, шундагина кўнгил кўзи ва қулоғи очилса ажаб эмас...

– Ким бу Хадича онамиз, Фотима онамиз, хола?

– Хадича ва Ойша онамиз Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) хотинлари. Фотима эса қизлари.

– Хола, ундай бўлса онам иккингиз бир «мода»да экансиз-да?

– Шундай, қизим. Фақат битта фарқи бор. София хоним вақтида буларни қизига англамади. Қалбига Аллоҳдан кўрқишни жойламади. Бошига рўмол ўратсам бўлди, иш битади, деб бошқа томонларини эсдан чиқарди. Бугун ўша унутишнинг жазосини тортмоқда.

Бу орада Амина меҳмонларга чой келтирди. Мавзу шу ерда тугади.

Яна ярим соатча ўтиришган меҳмонлар такрор-такрор шифолар тилаб кўзғалишди. Кўшни қизнинг ҳолида ўзгариш борлиги кўзга ташланди. Энди аввалгига нисбатан бироз ўранса, янада одоблироқ йўлдан кетса ажабмас. Улар кетиши билан Амина ҳайратини яширолмади:

– Она, сизнинг бунчалик гапирганингизни кўрмагандим.

– Қизим, бундай пайтларда гапириш жим турмоқдан хайрлидир. Қиз тўғри йўлга кирса ажабмас.

Кўшни қиз бир неча кун ўтиб, эшик қўнғироғини чалди. Кийим-кечаги нисбатан одоб доирасида эди. Онасига бир кийим тиктирмақчи экан. Ўша кун эшитганига кўра қандай бичимда тиктиришни сўрамоқчи бўлибди. Мунаввархоним кулимсиради:

– Қизим, бизнинг андозамизнинг шакли йўқ. Осон. Фақат чегаралари бор, буни ўша кун айтдим. Юз-қўлдан бошқа жойларнинг ёпиқ бўлиши. Шаклини эса ҳар кимнинг хоҳиши, таъби, диди белгилайди. Ҳар ким истагандай тиктиради ва сизнинг бунга ақлингиз етади. Гўзал бир кийим тиктиринг-ки, ёшларимизга ҳам ёқадиган бўлсин.

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Амина Мунаввархонимдан фақат яхшилик ва самимият кўрди. Мунаввархоним унга она ўрнида она, керагида опа ва

бир яқин жигар мавқеида бўлди. Унга йўл кўрсатди, қадрлади, рағбатлантирди, ўрни келганда кўнглини огритмай танбеҳ-насиҳатлар қилди. Бу унинг она меҳри билан бирга ақлий, мантиқий бир шафқати ҳам эди. Балки бу шафқатни она ўз қизига кўрсата олмас, лекин Мунаввархоним келинини асло ранжитмади.

Уйқунинг энг ширин пайти саҳарга тўғри келади. Бомдод вақти. Бу вақт Холиқ ошиқлари учун бедорлик, гофиллар учун гафлат пайтидир.

Мана шу дамларда Аминанинг эшиги оҳиста чертилар ва ташқаридан:

— Мустафо, Амина, туринглар, болаларим, — деган овоз эшитиларди.

* * *

Тўй ўтганига икки йил бўлай деб қолди. Бу вақт ичида келин-қайнона ўртасида ҳеч қандай кўнгилсиз воқеа бўлмади. Аммо, кейинги бир воқеа, оқ қанддай ширин турмушга сиёҳдай сизиб доғ солмоқчи бўлдимми?

Ўша кун Амина юраги ғаш бўлиб уйғонди. Кўнгилсиз тушлар кўрган эди. Уни очиқ чеҳра билан қаршилаган Мунаввархоним:

— Бугун қалайсиз, қизим? — деркан ундаги паришонликни сезгандай бўлди.

— Тузукман, она.

— Аллоҳ янада яхши айласин, қизим.

Мунаввархоним бошқа ҳеч нарса сўрамади. Лекин Аминанинг ичини бир нарса кемирарди. Сабр этолмади. Мунаввархонимнинг ёнига ўтирди:

— Она, сизга бир нарса айтмоқчиман.

— Айтинг, Амина.

— Кўнглим ғаш. Алоқ-чалоқ нарсаларни туш кўрдим тонгда, кўрқдим.

— Яхшилиқдир, Аллоҳ хайрли ўнг атасин.

— Айтайми?

– Йўқ қизим. Айтманг, кўрқинчли тушлар айтилмайди, фақат яхшилик ато этиш тиланади. Ҳеч кимга ўша тушни айтманг. Хайрли бўлишини сўранг.

Дарвоза кўнғироғи жиринглади. Амина бориб очди:

– Она, почтачи келди.

Лекин келган почтачи эмас, бир фақир эди. Бироз кутиб туришини айтиб, Амина ичкари кирди.

– Садақа бериш яхши иш. Шундай туш кўрсанг садақа беришни унутманг. Ўз оёғи билан келибди, мамнун этинг.

– Нима берай, она?

– Сўраб ўтирасизми?! Ўзингизни фақир ўрнига кўйинг, нима берилса мамнун бўлишини ўйлаб кўринг ва ўшани беринг. Бу уйда сиз яхшилик қиламан десангиз, ким қаршилиқ этади?

Амина ичкаридан бир нарсалар олиб, фақирга берди. Садақа беҳуда кетмайди. Балони қайтаради, садақа – радди бало. Охиратда ўн баробардан зиёдаси билан қайтади. Яна бу фақир дуолар қилади.

Бугун Юсуф афанди амакилар келмоқчи. Амина бу одамни жуда яхши кўрарди. Аввал совчи бўлиб боргани учун хафа бўлди, кейин бу уйдаги инсоний муҳит уни бу ҳисдан узоқлаштирди. Барибир турмушга чиқиши керак бўлган Амина учун Мустафодай эр, Мунаввархонимдай қайнонани топиш осон эмас, албатта. Яхшиликми? Шунинг учун Амина Юсуф афандини амакисидай яхши кўрар ва ҳурмат қилар эди.

Улар пешиндан сўнг келишмоқчи эди. Юсуф афанди кечки овқатга қолмоқчи эди. Пешингача ҳам анча вақт бор. Амина бир-иккита кир-чирларини ювиб-чайиб олмоқчи бўлди. Ташқарида алоҳида катта қозонда сув иситиш зарурати йўқ, шунинг учун уйдаги қозонга сув кўйди.

Аслини олганда Мунаввархонимнинг кўнгли ҳам бир оз гаш эди. Тиловат қилар, сабр тилар, ёмонликни тўсиб, яхшиликка айлантиришни Парвардигордан сўрарди.

Эшик қўнғироғи чалинди, келган Али эди. Мунаввархоним унга:

— Кел, онасининг гули, кўзичоғим, — деди. Али бир оз хаста кўринарди.

— Она, тобим йўқ. Ётгим келяпти.

— Хўп майли, болам, чойшаб ёпиб қўяман, ётавер.

Али ётди. Онаси ёнига ўтирди. Амина ювиладиган кирларни тайёрлаб, сув исиганига қараш учун ичкарига кирди. Сув энди илиганди, яна бир оз кутиш керак эди, ташқарига чиқди.

Ярим соатлар ўтиб, тагин ичкари кирганида сув қайнамоқда эди. Иссиқ бўлганидан олиш қийин эди.

— Қўлингиз куймасин Амина, бир нарса билан ушланг, — деди Мунаввархоним.

Амина қўлига қалинроқ иккита латта олиб, улар билан қозонни кўтарди. Ташқари чиқаётиб, қайниси ёнига келганда негадир қўллари титраб, қозон уйқудаги Алининг устига ағдарилди. Мунаввар хоним ўқдай отилиб қозонни оларкан, айна замонда Аминани ҳам итариб юборди. Бу бир лаҳзада бўлди. Ўн учларга кирган Али сапчиб уйғонганида, қўлида қозон.

— Болагинам, нима ҳам бўлдию, ағдариб юбордим-а, — дея фарёд чекаётган онаси билан бир оз нарида бу ибрат саҳнасига ҳайрат ичра қараб қолган Аминани кўрди. Сув қайноқ, лекин жун кўрпадан ўтиб, Алига таъсир қилгунча бир-икки лаҳза ўтган, бу орада онаси жуда ҳам тез ҳаракат билан ечинтирган, балки бир ҳамлада кўйлагини устидан йиртиб олиб ташлаган эди.

Али бир оз куйди. Лекин шуниси ҳам хаста болага етиб ортди, фарёди кўкларга етди. Аминанинг юзи сарғайди, қўл-оёғи титраб, нима дейишини, нима қилишини билмади. Қалтирарди. Мунаввархонимга ёрдам қилсинми ё кўшнилари ёрдамга чақирсинми? Бир қарорга, бир фикрга келолмасди.

Боланинг елкаси анча қаттиқ куйган, ҳатто баъзи жойларининг териси шишиб чиққанди. Бусиз ҳам дардманд боласининг бу аҳволини кўриб

Мунаввархонимнинг юраги ҳам куйиб-ёнди. Кўзларидан инжулардек тизилган ёшлар нурли юзларига думалаб тушар, боланинг азобини зиёдароқ ҳис этарди.

— Уйда куйишга қарши дори бор, Амина, тез келтиринг қизим.

Амина югурди, жавонни очди, уч-тўрт хил дори бор эди, қайси бири эканини билмади, ҳаммасини тўплаб келтирди. Бу аччиқ ҳодиса қаршисида ўзини йўқотиб қўймаган Мунаввархоним дорини олиб, Алининг куйган жойларига «шифо бўлсин» деб мўл-мўл сурди.

Пешиндан сўнг келган Юсуф афандининг хотини Алини юзтубан ётган ҳолда кўрди. «Мазаси йўқ, хаста», дедилар.

— Нега юз тубан ётибди? — деди. Али жавоб берди:

— Куйиб қолдим. Устимга сув тўкилди.

— Ким тўқди, болам.

Али жавоб бермади. Онасига қаради. У куйдирди демоқчи бўлди.

Мунаввархоним:

— На чора, шундай бўлиб қолди, жигарим. Фалокат оёқ остида бўларкан. Бунинг устига боламнинг сал тоби қочганди, — деди.

Амина ич-ичини ерди, виждони қийналарди. Куйган боласининг азоби етарли бўлса ҳам Мунаввархоним Аминани ўйлаб бу ишни ўз бўйнига олди. Унинг кўзига қаради. Амина: «Алини мен куйдирдим, айбни онам ўз бўйнига олмоқда», демоқчи эди. Мунаввархоним «товушингни чиқарма» дегандек унга илкис қаради. Амина индамади. Лекин кўнгли ҳам тинчимайди. Ичидан қон йиғларди Амина.

Оқшом Юсуф афанди ва Мустафо келгач, воқеани қисқача тушунтирдилар.

— Воҳ болам-а, воҳ болам, — деб Алининг бошини силарди Юсуф афанди.

— Амина янгам шу ерда эди, онам унга қилдирсайди, балки тўкилмасди, — илк бор товушини чиқарди Али.

— Не илож, кўзим. Шундай бўлишини билибманми? Мендан хафа бўлдингми, ўғлим?

— Йўқ, она, сиздан хафа бўлармидим, сиз менинг бирдан бир онамсиз-ку?!

Шу билан масала ечилди. Меҳмонлар кечгача ўтирди, шифо тиладилар.

Шундан сўнг Мунаввархоним Аминанинг қулоғига:

— Мени яхши кўрасизми, Амина? — деди. Амина унинг юзига ҳайрон бўлиб қаради:

— Бу нима деганингиз, она, сизни яхши кўрмасам, кимни яхши кўраман?!

— Шундай бўлса, Али ҳақида Мустафога бошқача гапирманг. Мени яхши кўрсангиз...

— Лекин, она, нечун?

— Бу менинг сизга буйруғим!

Амина ғалати бўлиб кетди, ажабланди.

— Бу бўладиган нарса эмас, чидолмаяпман, она.

— Агар гапимга қулоқ солмасангиз, рози эмасман. Ақлингизни йиғинг, — деди Мунаввархоним. Бу орада меҳмонларни кузатиб қайтган Мустафо ичкари кирди:

— Нимани гаплашяпсизлар, она? — деди. Онаси кулимсираб:

— Она ва қиз нимани гаплашса, биз ҳам шуни гаплашяпмиз, — деди.

Шу кеча тонггача ухлаёлмаган уч жуфт кўз бор эди.

Бу кўзлар куйган бир вужудни, маҳзун бир қалбни, зирқираган бир виждонни тамсил этарди.

* * *

Бу ҳодиса... Бунда Мунаввархонимнинг инсонийлиги, вазминлиги, оқила ва олижаноблиги қаршисида Амина довдираб қолди, ҳайратланди. Ўйлади. Кечалар ўйлади, кундузлар ўйлади. Қариндош-уруғларини, онасининг барча таниган аёлларини бир-бир кўз олдидан ўтказди. Ҳеч бирининг бу даражадаги олий фазилатларини эслаёлмади. Келинининг энг кичик қусурини ҳам ҳар келганга айтиб, тилларда «достон» қилган ғалати қайноналар олдида ўз қайнонаси улуғлашиб, буюклашиб,

унинг юксак фазилатлари қаршисида ўзининг нақадар кичик эканлигини ўйлади. Яна Мунаввархоним шу гап шу ерда қолишини, куйиш воқеасини иккисидан бошқа ҳеч ким билмаслиги кераклигини уқтирди.

Амина кўп кутди. Кунлар, ойлар ўтди ҳамки, бир четга чақириб: «Бу хатони ўз бўйнимга олдим, бошқа такрорланмасин» демади. Амина шу сўзларни беҳуда кутди. Қайнонасининг қарашларида, ҳаракатларида ҳеч ўзгариш сезмади. Муомаласи ҳам худди илгаригидек.

Бир кун Амина кўлида пайпоқ тўқир, Мунаввархоним тасбеҳ ўгириш билан машғул, пок, нуроний юзидан ёққан самимият Парвардигорга бўлган таслимиятини ифода этарди.

Амина кўлидаги ишини тўхтатиб нимадир сўрамоқчи бўлар, лекин Мунаввархонимнинг ҳолини кўриб, маънавий ҳаловатига тўсқинлик қилишни истамас ва яна ишида давом этарди. Охири:

— Она, — деди. Мунаввархоним унга қаради:

— Лаббай, марҳамат, қизим, гапиринг.

— Она, нега мени ҳанузгача жазоламайсиз, койимайсиз?

— Нима сабабдан жазолашим керак, Амина?!

— Алини куйдириб қўйганим учун.

— Бу гапни қайдан топдингиз? Ўтди-кетди. Бир йил бўлди. Нега ҳалигача ўйлаб юрибсиз?

— Мен ўйламай ким ўйласин, она?

— Қизим, эслашдан не наф? Хафа бўлсангиз, яхши бандалик қилмаётганимиздан хафа бўлинг. Сиз айтган ишдан эмас. Яхшилик қилинг. Билмасдан хатоликка йўл қўйсангиз, она сифатида бекитмоғим лозим. Мени хафа қилишни истамасангиз, буни ҳеч кимга айтманг, ёдингиздан ўчиринг. Буни ўша кун ҳам айтганман. Бу гапни бошқа қўзғаманг. Акс ҳолда, кечирмайман, Амина.

Бу гап шу тариқа якун топди.

* * *

Бир куни Амина Мунаввархонимга шундай савол берди:

– Она, сиз ҳам қайнона дардини тортганмисиз?

– Қайнонам вафотига ўн беш йил бўлди, қизим.

Амина кулимсиради:

– Ҳар ҳолда сал бошқачароқ тушундингиз, она. Қайнонангиз қачон вафот этди демадим, қайнона дардини тортганмисиз, деб сўрадим.

– Билдим, қизим. Мен ҳам сизга вафотига ўн беш йил бўлди демадимми?

– Дедингиз. Аммо саволимнинг бу гапга алоқаси борми?

– Унда, тушунтирай. Бизнинг тарбиямиз ҳатто тирик одамнинг ортидан гапиришни ман этади. Унинг дунёдан ўтганига ўн беш йил бўлди. Хатоси бўлса, агар лозим келса, тиригида юзига айтган бўлардим. Энди айтадиган ягона сўзим – Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!

Амина бугун қайнонасининг одатини унутгандай кўринди. Уни гапиртирмоқчи эди. Сўзлашгиси келди.

– Агар мени яхши кўрсангиз, қисқача бўлса ҳам гапириб беринг.

Мунаввархоним гапириб беролмасди. Булар бир имтиҳон эди. У ўз ақидаларида содиқ ва собит. Айтолмайди. Амина ёлвориб сўраса ҳам, ўлган одамни ёмонлаб гапиролмайди. Йўқ. Агар севимли дўсти келиб, чўғни кафтига олишни таклиф этса, ким ҳам рози бўларди?! Мунаввархонимнинг фикрича, куйишидан ҳам ахлоқсизлик зарарлироқдир. Сўровчини мамнун этиш учун беодоблик қилишга рози эмасди.

– Қизим, сизни яхши кўраман, аммо бу бошқа масала. Сиз учун, номақбул бир ишни қилиш эса яна бошқа гап. Сиз сўраган масалангиз юзасидан суҳбатлашишимни хоҳлайсиз, менинг Жанобим эса сукут сақлашимни истабди.

– Сизнинг Жанобингиз ким, она?

– Пайғамбарим.

Деворда осиглиқ Равзаи Мутаҳҳара сувратига қаради. Шунда Амина Мунаввархоним ҳар он бир улуг зот қаршисида туриб одоб сақлагандай оҳиста сўзлашининг

сабабини энди англади. Демакки, бу хонимлар хоними ҳар он ўзини Пайғамбарларнинг ҳузури покларида санайди.

Амина бу мақсадига етолмади. Етолмасди ҳам. Мунаввархоним уни қаноатлантириш учун:

— Амина, сиз бир инсоннинг зарарига сабаб бўлсангиз, масалан, бир болани алдаб ишонтириб ўғрилиқ қилдирсангиз, бир неча кун ўтгач, сир очилса ва бола жазоланса, бундан хафа бўласизми? Бу ҳам шунга ўхшаш. Саволингизга жавоб бермаганим сизни ҳам худди ўзимдай ўйлаганимдан, тушундингизми, қизим?!

— Тушундим, она. Узр сўрайман.

* * *

Мунаввар хонимнинг ёшлиги, келинлиги

1942 йил... Олмон ҳарби шиддат билан давом этаётган йиллар. Қаҳатчилик. Қийинчилик. Қимматчилик. Очарчилик. Бир кило буғдой нархи осмонда. Нон, ёғ чек билан олинади... Мана шундай даврда уч болали, ночор оила. Бизга таниш бўлган тўнғич қиз энди ўн саккизга қадам кўяётир, бошқа болаларнинг бири ўн икки, бири ўн ёшларда.

Фақирлик — ҳаёт синови, машаққатли бир ҳолдир. Бу ўн саккиз яшар қиз фақирликнинг тор туйнукчасидан дунёга бўйлаган, таъбир жоиз бўлса, инсонийлик ва ҳаёт мактабининг тиришқоқ толибасидир.

Чек билан олинадиган нон бир одамга жудаям камлик қилади. Кўпроқ олишнинг асло имкони йўқ. Нон ёпиш учун эса бозорда буғдой жуда ҳам қиммат. Пуллари етмайди. Буғдой топилмайди ҳам. Тирик қолишнинг бирдан бир чораси чек билан олинадиган нонга қаноат қилиш. Бошқа илож йўқ.

Чек билан нон сотилишининг илк ҳафтаси эди. Дастурхондаги нондан биринчи бўлиб қўл тортган тўнғич қиз бўлди.

— Нега олмайсан, Мунаввар?

— Етарлича едим, ота.

— Яхши тўймадинг қизим, қара, нонингнинг ярми қолди.

— Кўп емоқчи эмасман. Сиз олинг, ота, менга қараманг.

Отаси тўғри айтди, Мунаввар тўймагани. Шугина нонга одам тўймайди. Зотан, неча кунки ўз улушини емайди, бари-бир тўймади Мунаввар. Икки кичик укаси-чи? Улар ҳам ўзидай оч қолади. Мунаввар чидайди, аммо улар-чи? Шу сабабдан дастурхондан қўл тортди. Қолган нонни икки бўлиб укаларига узатди. Кичигига:

— Бақр, мана буни ҳам еяоласанми? — деди.

Боланинг кўзлари порлади. Севинч билан ҳа дегандай бош қимирлатди.

— Ундай бўлса, кўрайлик-чи, еб қўяоласанми?

— Еб қўяман, опа.

Болалар ҳам тўймаётганди. Учови оч қолгандан кўра, иккови пича тўйгани маъкул. Ўша кундан эътиборан Мунаввар опалари ўз улушининг ярмидан кўпини емади. Онаси бир кун илтимос қилди, қистади, оч қоласан, деди.

— Оч қолсам емасмидим, она, оч қолишни истаيمانми?

Бир оз кейин ўн саккизга тўлган Мунаввар ҳам келинлик ҳаётига қадам қўйди. Замонанинг оғирлигига қарамай турли харажатлар билан қизларини узатаётганлар олдида Мунавварга ҳам нималардир тайёрланди, дейишга тил бормади. Бундан куйиниб, ташвишланган онасига Мунаввар тасалли берди:

— Куйинманг онажон, кийимнинг, зийнат ашёсининг не қиймати бор?! Ҳозиргача уларни тақдимми? Энди тақармидим? Сиз мени яхши кўрасиз-ку, шунинг ўзи менга етарли. Кўлингизда не бўлса, мендан аямаслигингизни билмайманми? Дуо қилинг. Бахтли турмуш ато этишини сўраб ёлвораман. Сиздан ошиқча нарса кутмайман, она.

Тўғри гапирарди Мунаввар. Отаси не ҳасратда қийналиб олиб берган бир-икки тақинчоқларини уйдан

ташқарида таққанини ҳеч ким кўрмади. Тўйга кетаркан тақинчоқларини бир четга кўяр, келгач отаси тақмаганига хафа бўлмасин учун яна тақиб оларди. Ҳатто бир кун онаси:

— Нега бўйнингдаги тилло тақинчоқларни олиб қўйдинг, Мунаввар, қайга қўйдинг? — деганида:

— Она, топган бор, топмаган бор, бирор фақирнинг кўнгли оғримасин, — деб жавоб берди.

— Қизим, ҳамма тақади-ку, сен ҳам тақсанг нима қилади?

— Ҳар ким ўйсиз тақиб, ўзини атай намоён қилса, мен ҳам шундай йўл тутайми? Бир инсоннинг кўнгли эзилишига мен сабабчи бўлмайин, она.

— Хўп, майли сен айтгандай бўлсин, — дея бошқа қистовга олмади онаси.

Агар бу зийнат ашёлари инсонга бир фазилат келтирса, Мунаввар уларни уйда етарлича тақарди. Кибр ва ғурурдан бошқа не фойдаси бор?! Вақти келиб бир эҳтиёжни қондирадиган ҳар нарса зийнат, лекин ўзига фойдасиз олтин ё олмоснинг безакдан бошқа не нафи бор?! Бир йил аввал отасининг муҳтож кунида олтин тақинчоғини олиб, унинг олдига қўйди, отаси ололмайман деб қайтарганда:

— Буни сиз олгансиз. Ҳозир эҳтиёжни кетказинг, кейин яна олиб берасиз. Сиз изтироб чекиб юрасизу, мен истироҳат қилиб тақиб юрайми, ота? — дея отасини кўндирди.

Мунаввар бой бўлиши, тақинчоқларини тақиши мумкин, лекин бир шарт билан — қаршисида ҳеч кимсанинг кўнгли эзилмасин, молининг кўплиги уни севинч ва ғурур кўчасига йўлламазин, қўлидан кетса, гусса ва қайғу чекмасин. Фақат бундай бўлиши қийин.

Мунаввар ота уйини келин бўлиб тарк этгач, бошидан нималар кечди? У ҳам қайнона дардини тортдими? Бу саволларга бир сўз билан жавоб бериш мумкин эмас.

Чунки баъзи нарсалар кишилар ва уларнинг дунёқарашига кўра ўзгаради ва тушунчаларига кўра қиймат топади, бирининг фикрича дард, бошқасининг фикрича ҳеч нарса эмас. Булар Аллоҳ томонидан юборилган синовлар-ки, сабр этганларнинг мақоми юксалади.

Келин, яъни Мунаввар борган жойида роҳат топмади. Ёмон сўз эшитди ва ҳақсиз муомала кўрди. Қилмаган иши учун айбдор саналган пайтлари бўлди. Рағбат ўрнига туҳматга қолди, яхши сўз ўрнига танбеҳ эшитди. Самимият кўрсатиб, изтироб чекди. «Лекин буларни мендан зиёдароқ чекаётганлар бор-ку», деб кўп ҳам аҳамият бермади. «Шундай муомалага лойиқ бўлиб, гап эшитганимда эди, бундан ёмони бўлмасди», дея ўзига тасалли берди. «Дину имонимга тўсқинлик қилмаяптилар, куфр келтирмаяптилар, ахлоқсизликка ташвиқ этмаяптилар, бундан ёмонроғини кўришим мумкин эди», дея овунарди. «Парвардигорим олдида қанча қусурим бор, балки булар шунинг жазосидир», дея ўйлар ва сабр этарди. Бу ишлар келажакда асқотиб қолишини ўйлаб, фикр сузгичидан ўтказар, яхши-ёмонга, ёқимли-ёқимсизга ажратарди. Аслида ёқимлиси оз, ҳатто йўқ дейиши мумкин. Фақат ёқимсизи бор. Мунаввар шу ўйлар билан ҳаракат қилар, таъбир жоиз бўлса, қайнона элагида эланиб, тандирида пишиб етиларди.

Турмушидан, қайнонасидан ғийбат қилиш учун камчилик ахтарганларнинг уринишлари беҳуда бўлди. Бир оз дадилроқ, дағалроқ муомала қилиб қайнонангга ҳаддингни билдириб қўй, ҳаққингни кетказма, иложи бўлса қўлга ол дегувчи насиҳатгўйларга:

— Қайнонам ёмон деб сизларга ким айтди? У зот катта, мен кичик, — деган жавобни олдилар. «У катталигини билмайди», дедилар. «Мен кичиклигимни биламан», деди. Ҳеч курса, ёмон сўзласа, жавоб қайтаришни насиҳат қилганлар бўларди.

— Мен бу уйга айтишиш ёки гафго чиқариш учун келмадим, — дерди ва жим бўларди.

Йиллар давомида келинлик ҳаётидан шикоят қилганини биров кўрмади, ҳеч ким эшитмади. Бу уйга жанжал учун эмас, яхши турмуш учун келганини барча хатти-ҳаракатлари билан исбот этди. Ўрнак бир қайнона бўлиб етишганидек, аввал намунали келин бўлиб яшади.

Ёмонликка қарши яхшилик, турли муомалаларга нисбатан ҳурмат, тескари гапирганларнинг, миш-миш тарқатганларнинг фойдасини ўйлаб сўзлаш фазилати у келин бўлган уйда кунлик ҳодисалар орасидан ўрин олди.

Ҳар қачон, ҳар маҳаллада бўлганидек, жағи очилган вайсақи хотинлардан бири қайнонасидан эшитганларига бир талай гапларни кўшиб-чатиб, унга айтиб бериш, тўғрироғи, чақиш учун чиқди. Мунаввар бир пасда унинг умидини пучга чиқарди.

— Хола, мен унинг қизиман, бундан ортиқроқ танбеҳ беришга ҳаққи бор. Сиз нега бекорга заҳмат чекапсиз? Узоқда эмасман-ку, чақириб юзимга айтар. Бундай ишлар учун ўзингизни уринтирманг. Ёшман, уларчалик тажрибам йўқ. Албатта, қусурим бор; улар гапирадилар. Агар улар гапириб, ўргатмасалар ҳолим не кечади? Эл-элатга шарманда бўлмайманми?

Эшитган танбеҳлари ўз-ўзини тарбиялашга, камчиликларини йўқотишга ёрдам берарди.

Аввал ўйлаб кўради: «Мен ҳақиқатан ҳам шундайманми?» Шундай бўлса, бу феълдан воз кечтирадиган чоралар ахтаради. Аксинча бўлса, Аллоҳдан қайнонасини афв этишини сўрайди.

Мунаввар қайнонаси айблагандек сохтакор эмасди. Ҳийладан, икки юзламачиликдан нафратланарди. Ўзини бир муддат сохтакор эмасман, дея оувтди. Лекин бир кун рўй берган ҳодиса сабабли ўз-ўзидан уялди.

Муҳим бўлмаган бир нарса хусусида икки аёл сўхбатлашарди. Зотан, баногоҳ учрашиб қолган икки хотин қандай муҳим гапни гаплашарди. Диндан, фазилатданми?! Мунаввар бундай миш-мишларни тинглашни хуш кўрмасди. Лекин уйига келган бу икки меҳмон аёлни ташлаб кетиб бўлмасди. Иккиси ҳам

нимадир тўқир, гаплашишни ҳам унутмасди. Бири тўқиётган нарсасининг тугунларини санай бошлади. Қаршисидаги хотин бундан хабарсиз эди.

— Эртага, Фотима хонимларникига келасизми? — деди. Жавоб бўлмагач, бошини кўтариб қаради, тугун санамоқда. Саволни такрорлади. Аёлнинг фикри ҳисоблаш билан банд эди. Тугатиб қаради:

— Бир нарса дедингизми, иш билан бўлиб яхши тушунмадим, узр, санаётувдим-да, — деди.

Тўғри. Ҳисоблаётганда тинглаёлмайди, тингласа ҳисоблаёлмайди. Бир инсоннинг фикри-зикри, касби бир онда икки нарсага машғул бўлолмайди. Бири билан машғул экан, бошқасини унутишга мажбур. Мунаввар мана шу фикр устида тўхталиб қолди. Шу пайтда сохтакор эканини яхши англади.

Неча йиллар бу маънавий ҳузурдан бебахра қолганидан ўкинди. Натижада уни сохтакор атаб, билмасдан ўзини ўзига танитган қайнонасини дуолар қилди.

Мунаввардаги ахлоқий ўзгаришлар асосан шундан бошланди. Нотўғри ишга қўли, нотўғри сўзга тили бормай қолди, бунга кўнгли рози бўлмас, қандайдир ички ҳис жиловлаб турарди.

Мунавварда ғайриинсоний ҳаракатларга нисбатан инсоний муомала билан жавоб қайтариш, уйга иккинчи келин келиши билан бошланди. Тўғрироғи, қайнонанинг фикрича, унинг истагини келини бўйин товламасдан бажариши керак. Мунаввар шундай эди. Иккинчи келинни ҳам Мунаввардай эгиб, букиб олмоқни истарди. Бу унинг табиий ҳаққидай, ҳатто бошқасини хаёлига ҳам келтирмасди. Қиз бола баъзан ўз онасидан танбеҳ эшитади-ку, қайнонадан кўпроқ эшитиши табиийдек эди гўё. Не бўлса-да, қайноналикнинг ҳам алоҳида, ўзича шарафи бор.

Иккинчи келин келганига, орадан ўн беш-йигирма кун ўтгунча қайнонаси шундай фикрда эди.

Инсон қўпинча яхшиликнинг қадрига етолмайди. Унутади. Лекин мусибат, эсини жойига тушириб қўяди. Шу жиҳатдан мусибат рағбатга лойиқдир!

Мунавварнинг қайнонаси учун ҳам бир мусибат кутилгандек эди. Келди. Қайнона хоним Мунаввардан яхшироғини кўзлаб юрганида, Мунавварнинг қадрини билдириб янги келин келди. Қўлини ўпиш ўрнига юзига тупурилган, салом бериш ёки алик олиш ўрнига сўкиш эшитган, ҳақоратланган одам қандай ҳолга тушса, қайнона ҳам шундай ҳолга тушди.

Қайнона довдираб қолди. Мунаввар саломатга ўхшаса, янги келин, юмшоқ қилиб айтганда нақ хасталикнинг ўзи эди. Сиҳатлик қадрланмаган, унинг ўрнига хасталик бош кўтарган эди. Беҳаловат ҳолат тинчликнинг қадрини билдириб қўяди. Мунаввар қайнонасини ҳар жиҳатдан мамнун этадиган бир фазилат эгаси эди. Лекин ношукр қайнона ундан мамнун бўлмаганди. Бунинг эвазига бало-офат келган эди. Кўрайлик-чи, нима бўлар экан?

Мунаввардан мамнун бўлинмади? Шундайми? Йўқ. Чунки тонгдан шомгача иш билан машғул. Ахлоқидан шикоят борми? Бу масала озгина тафсилга муҳтож. Аслида, агар ўзидай юзлаб қайнонанинг фақат яхши тарафларини йиғсалар ҳам бир Мунаввар чиқмасди. Эртадан-кечгача миш-мишдан, ғийбатдан завқланадиган хотинларда қанақа фазилат бўлсин? Улардаги қийматли бир нарса — фақат оналик шафқати. Бироқ бу шафқат ҳайвонда ҳам бор. Бу шафқат туфайли она боласини эмизади, асраб-авайлайди. Қўй сурувдан ажраб даладан қайтаркан, елинларига тўлган сутни кўзичоғи тезроқ эмсин, дея югуради. Лекин бу хотинларнинг бир хусусияти бор, ўғли учун аталган меҳрга шерик бўлган келинини рақибдай кўриб, шунга яраша муомала қилишади. Ўзини ғийбатчи хотинлардан ҳимоя қилган Мунавварга ҳам шундай қаралди. Бу аёлнинг дарди нима? Мунаввардан нима истайди? Ҳеч нарса истамайди. Шунчаки вайсақилик, эзмалик ва кўнгил ҳаловати.

Негаки, она-бола меҳр-муҳаббатига шерик чиқиб қолди. Янаям тўғрироғи, ўғлимни мендан совутади, деган ҳис шунчаликка олиб келди. Шу сабаб келган-кетган Мунаввар ҳақида бўлар-бўлмас сўзлар эшитар, Мунаввар қанчалик очиқ чеҳра бўлмасин, қанчалик қарамасин, бари бир уюлган қовоқни кўрди, ёмон сўз эшитди.

Кўрайлик-чи, энди нима бўларкин? Янги келин ҳам шундай муносабатда бўлармикан? Қайнона хоним шу завқли ҳаётини давом эттира олармикин?

Бу саволга келиннинг дастлабки беш-ўн кунлик турмуши жавоб беролмайди. Аммо ишнинг чаппасига кетаётганини кўрсатувчи аломатлар секин-секин намоён бўлмоқда эди. Илк кунлардаёқ, қандай иш юритишини тушунтираётганда: «Ҳасбуналлоҳ ва неъмал вакил», дегандай бош чайқаб қўйиши шундай ҳоллардан эди. Бу ҳол қайнонанинг асабига тегар, лекин бир ой ўтмасидан ғавғо чиқармайлик, деган ўйда жим қоларди.

Бу вазиятда Мунаввар ўзини қандай тутди? Бундан аввал қайнонасининг ёмон муомаласига яхши жавоб-ҳурмат кўрсатди. Ҳақсиз гапларни онанинг қизига айтган самимий танбеҳлари, дея қабул қилди. Лекин энди уйга бошқа келин тушди. Вазият янада нозик, ноқулай кўриниш олди. Янги келин тишли-тирноқли эди. Осонгина таслим бўла қолмаслигини, қайнона қаҳрига лойиқ жавоб бериши мумкинлигини сездирди. Кичик бўлса ҳам, ёшига ярашмаган ғалати қайсарлик, кўрслик ва ўжарлик бор эди янги келинда.

Бу ўринда Мунаввар ўзини бир оз тортиб туриши, мени ёқтирмаган қайнонам энди бу ёғини тотиб кўрсин ва ўзидан кўрсин қабилида иш тутиши мумкин. Бироқ: «Мана энди менинг қадримни билади, қандай яхши бўлди», деган фикр унинг ахлоқ дафтарида йўқ эди. Унинг мақсади — яхши турмуш. Шу сабабли яна фазилат йўлидан кетди. Тез орада қайнона-келин орасида чиқиши аниқ бўлган кўнгилсизликларнинг олдини олиши ёки иложи борича кечиктириши керак эди. Вазият шуни

кўрсатиб турарди. Олдини олса-ку янада яхши, ҳеч бўлмаса, енгиллатишга, яхшилашга уриниб кўради.

Овсин билан бирга қилинадиган юмушларни Мунавварнинг ўзи жимгина бажараверди. Тонгда ҳар кунгидан ва келинпошшадан бир оз олдинроқ туриб боғни супурди. Нонушта қилар-қилмас бир гап бўлмасин, дея идиш-товоқларни, кир-чирларни ювди.

Бу ҳолни кўрган қайнонаси:

— Мунаввар, навбат билан ювинглар. Бир кун сен, бир кун Комила ювсин, — деди.

— Майли, она. Бугун мен бошлайверай-чи.

Лекин ҳар кун навбат уники эди. Ва бу ҳолдан у хафа бўлмади. Бу не кўргилик, фақат мен ишлайман, демади. Бир кун қайнонаси Комилага:

— Қани, Комила, мана буни ювиб қўйинг, — дейиши билан жанжалнинг биринчи пардаси очилгандай бўлди. Келин хоним:

— Мен қиладиган ишни сиздан ўрганмоқчи эмасман. Қилмоқчи бўлсам, ўзим туриб қилавераман, — деб гап қайтарди.

— Хўш, бўлмаса нимага қилмаяпсиз?

— Бунинг сизга алоқаси йўқ. Нима қилишни ўзим биламан.

— Менга алоқаси бўлмаса, кимга алоқаси бор, қизим? Бу уйга нима учун келдингиз?

— Ҳар ҳолда сизга чўрилиқ қилиш учун эмас!

Ишнинг бундай тус олганини кўрган Мунаввар:

— Она, бугун менинг навбатим. Комила, эртага қилар, — деди.

— Қизим, ҳар кун навбат сизники бўлмайди-ку. Ҳаммасини сиз бажаряпсиз.

— Майли, она. Бугун мен бошлайверай...

Гап тўхтади. Мунаввар барча ишни ўзи қилди, жанжалнинг олди олинди.

Асрдан кейин қайнона қўшнилари уйига чиқиб кетди. Икки келин уйда қолди. Комилага бир оз насиҳат қилиш мақсадида:

– Комила, бугун жанжал чиқишига сал қолди-я, эҳтиёт бўлинг, синглим, – деди Мунаввар.

– Чиқса нима бўпти? Қўрқармидим ундан?!

Мунаввар секин давом этди:

– Мақсад – яхши турмуш, жанжал эмас, бу инсон бизнинг онамиз. Каттадан ёмонлик чиқмайди. Сизга яхшиликдан бошқа нарса истамайди. Она қизига бақиради, яхши-ёмон сўз айтиши ҳам мумкин.

Комила келин бу уйда истаганини кўрмади, излаганини топмади. Бир келин борлигини эшитгач, қайнонани қайириб оламиз, деган уйда эди. Мунавварнинг феъли бу ўйга мувофиқ эмаслигини илк ҳафтадаёқ тушунди. Бу гал иккисининг ҳақларини бирдан бериб қўйишни мўлжаллади. Фақат қайси бирдан бошлаш керак?

Мунаввар сокин ва хотиржам оҳангда сўзлади. «Ишни бундан кейин бошлаш маъқул». Мунавварни ортиқ тингламади.

– Қаёқдан бизнинг онамиз бўлсин?! Қайнонани она дейиш одат бўлдими, дейман?!

– Одат эмас, синглим. Агар турмушингиз яхши бўлишини хоҳласангиз, она деб биласиз. Менга қулоқ солсангиз, сабрли бўлинг. Ёмонлик қилганга яхшилик қилинг. Инсондан яхшилик, инсонийлик қолади. Албатта, келин бўлиш осон эмас. Ота уйидаги роҳат борган жойда топилавермайди. Қовоқ солса, кулиб қаранг. Дағал гапирса, юмшоқ жавоб беринг. Ҳийла қилганга, яхшилик қилинг, охири бахайр бўлади.

– Хўш, сиз шундай қилдингизми? Қайнона қўпол муомала этганда сиз уни она билдингизми, сабр этдингизми?

Мунаввар бу саволга жавоб бермади. Сукут сақлади. Келин давом этди:

– Бошқага ўргатиш осон. Аммо амал қилиш қийин. Ўзингиз амал этмаган ишни менга қил дейишга уялмайсизми? Сиз оқловчимисиз? Иккингиз бир бўлиб мени эзмоқчимисизлар? Мен ҳайвондай ишлармишман-

да, хонимлар истироҳат қилмоқчи эмишлар. Яна она-бола бўлармишмиз.

Овоз баландроқ кўтарилди:

— Менга қаранг! Ҳушингизни йиғинг! Мен ўзимни эздириб, хор қилиб қўймайман. Шундай қайнонага ёлғондан чўри бўлиб, мени ҳам шу кўйга туширмоқчимисиз? Ҳаддингиздан ошманг. Бугунгача жим юрдим, сабр этдим.

Мунаввар бу сурбетлик олдида жим туришни маъқул кўрди. Лекин келиннинг оғзи ҳали замон ёпиладиганга ўхшамайди.

Дағал оҳангда амр этди:

— Бугундан бошлаб бу уйда бирор ишга аралашмайсиз. Сизга биринчи танбеҳим шу.

Нима демоқчилигини Мунаввар англай олмади:

— Тушунмадим, Комила...

— Тушунмайдиган жойи йўқ. Бугундан бошлаб бу уйда ишламайсиз.

Во ажаб! Шу кунгача қўлини совуқ сувга урмаган Комила барча ишни ўз зиммасига олмоқчими? Йўқ, ололмайди. Уйнинг бутун ишларини унга юклаб, ўзи бир чеккага чиқиб ўтириш хонимнинг қўлидан келмайди. Дарҳол эътироз этди:

— Бўлмайди. Барчасини сизга топшириб, ўзим қараб туролмайман. Бирга бажарамиз.

Бу гапни янги келин англамади:

— Қандай қилиб, барча ишни менга қолдирармишсиз?

— Мен иш қилмасам, барча иш сизга қолмайдими?

Келин қаҳ-қаҳа отди.

— Тентак, иккимиз ҳам иш қилмаймиз.

— Унда ким бажаради?

— Қайнонам.

Сўнг масхараомуз қўшиб қўйди:

— Яъни сизнинг онангиз.

— Йўқ, бунақаси бўлмайди.

— Шунақаям бўлади-ки!...

– Сиз ишламоқчи эмассиз, шундайми, бир четга чиқиб турмоқчисиз? Аммо мен ишлайман. Мендан йигирма ёш катта одамни ишлатиб қўйиб, қараб туролмайман. Худога шукр, виждоним бор.

– Виждонингизни қаранг-у!

Сўнг буйруқ оҳангида деди:

– Мен ортиқча нозу карашмани кўтаролмайман. Нима десам, шуни бажарасиз. Ўзингизга зарар бўлишини истама-сангиз, сўзимни икки қилмайсиз. Йўқса, ўзингиздан кўринг.

Келиннинг сурбетлиги ошиб борарди. Яхшилиқни англамагани етмаганидек, бировни ҳам йўлдан уриб, зўравонлик қилиб измига солмоқчи. Ёши кичик бўлса-да, Мунаввардан сал бўйчанроқ эди. Жанжал-тўполон ичида ўсганга ўхшайди.

Мунаввар яна паст келиб, гапни узоқдан бошлади, юмшоқ оҳангда деди:

– Мен бу уйда шунга ўргандим, бошқача иш тутолмайман.

Келиннинг кўзларида ғазаб чақнади. Ҳайқирди:

– Тутасан дедим, тутасан!

Мунавварнинг юзига шаполоқ туширди. Уч шаполоқ еган Мунаввар нима қиларини билмай довдираб қолди. Бир одим чекинди.

– Нима бўляпти, Комила?

– Нима бўляпти дейди-я, тагин!

Шундай дея шиддат билан қайтадан қўл кўтарди. Мунаввар чаққонлик билан унинг қўлини тутиб, тўсқинлик қилди. Ўзини зўравонлик билан йўлдан урмоқчи бўлган бу аёлдан таёқ еб, жимгина кетавериш ҳар қалай инсонийлик аломати эмас. Унга сабоқ бермоқ керак, чунки насиҳат билан, яхшилиқ билан қабул қилмади. Ҳамма ишни қайнонага қолдиришни буюрди, Мунаввар кўнмагач урушга отланди. Худо билади, қўйиб берса, иккинчи-учинчи галда қайнонасини уришга буйруқ берар, эътироз этса, яна калтаклашга тушар?! Шу сабабдан ушлаб олган қўлини қўйиб юбормади ва:

— Одоб сақланг, — деди.

Келин қутулмоқ учун типирчилади:

— Кўйвор, кейин дабдала қиламан сени! — дея бақирди ва иккинчи қўли билан урмоқчи бўлди. Мунаввар иккинчи қўлини ҳам қаттиқ тутиб турди. Сўнг ўз ҳолига қўйди.

— Комила, майли сизни кечираман. Олдимдан кетинг, — деди. Келин жаҳлга минди. Тингламади, яна уришмоқчи бўлди. Фақат юз-кўзига чақмоқдай тушган шапалоқ уни довдиратиб қўйди. Ўзини тутиб яна ҳужумга ўтди, бу сафар устма-уст икки шапалоқ тушгач, эсанкираб қолди. Чунки бу аввалроқ ургани учун олинган ўчгина бўлмай, ҳақиқат учун туширилган зарба эди. Келин такрор ҳужумга ўтмоқчи бўлди.

— Комила, сиз уч марта урдингиз, мен ҳам. Келинг, ярашайлик. Хоҳласангиз, яна бир марта ошиқча уринг.

Келин эътибор бермас, ураман-ўлдираман деб уятли сўзлар билан ҳақоратларди. Мунаввар бу сўзлар таъсирига берилмади. Ўзини босиб олган эди. Шу сабабдан уни ўз ҳолига қўйиб, ташқарига чиқа бошлади. Лекин бехосдан сочлари тортилди. Қаттиқ оғриқ сезгач, одамгарчиликни билмаган бу келиннинг адабини бериб қўймоқчи бўлди. Бу орада Комила Мунавварнинг сочларини тортиб силкитарди. Сочлари тубидан суғурилгандек оғрир, кўзлари ёшланар, қўллари билан унинг билаklarини сиқарди. Қаттиқ сиқди. Ниҳоят бармоқлари бўшаб, сочлари бу ифлос қўлдан халос бўлди. Билаклари бироз жонлансин дея индамади. Қўллари дармонсиз пайтда уришмоқ мурувватдан эмас, деб ўйлади. Лекин келин такрор ташланиб қолди. Мунаввар уни яна тутди.

— Ташвишланма, яна уришамиз. Фақат қўлларинг оғриди. Бир оз дам бер.

Лекин ҳирс Комилани қўзғар, ҳақоратлаб, ташланар эди. Қараб туришдан фойда йўқ.

— Тинчимадингми, мана ол, тинчи!

Типирчилаши, ташланишига қарамасдан шапалоқ остида Комиланинг вужуди ҳолсизланиб, яна устма-уст тушган зарбадан дармони қуриб, чайқалиб қолди. Мунаввар уни қучоқлагандай букди ва остига босиб олди. Уруш учун эмас, тавба қилдирмоқ учун шундай қилди. Комиланинг тарбияга муҳтожлиги кундай равшан эди.

Ниҳоят тарбиянинг биринчи дарси учун шуни кифоя билиб тўхтади ва ташқарига чиқди. Оқшом яқин эди. Қайнонаси қайдандир келди. Ошхона томонга ўтди. Келин бориб юз-қўлини ювди. Мунавварнинг ёнидан ўтаётди:

– Кўрсатиб қўяман, сенга – дея мингиллади.

– Насиҳат қилдим, тушунмадингиз, одобсизлик қилиб охири калтак едингиз. Агар ақлингизни йиғиб олмасангиз, билинг-ки, бу бошланиши. Иккинчи мартасида ёмон ураман. Таёқ билан тарбиялаш сизга ёқадиганга ўхшайди.

Келин мағлубиятни ҳеч қабул қилолмаётган эди.

– Ким кимни уради, кўрасан, нималар қиларканман сени.

Ҳеч нарса қилолмасди. Қўлидан пўписадан бошқа ҳеч нарса келмасди.

Биринчи ишни унинг айтганларини бажармасликдан бошлади. Нима деяпсан, демади. Эшитмагандай турди. Билмагандай юрди. Мақсади — уни ҳурмат қилмаслигини билдирмоқ. Баъзан ҳатто унинг айтганларининг тамоман тескарисини бажарарди. Қайнона жанжаллардан хабарсиз эди. Келин бориб мени Мунаввар урди, деёлмасди. Мунаввар эса мақтанмайди.

Мунаввар билан бўлган иккинчи жанжалдан кейин чамаси йигирма-йигирма беш кунлар ўтди. Уйда янги келин ва қайнона орасидаги вазият ниҳоятда таранг тортилган бир пайт. Гўё икки келин орасида энди бундай ҳол йўқдай кўринарди. Лекин янги келин ва қайнона бир-бирини кўрганда ҳурпайишарди. Аслида бу ҳолатнинг мағлубият эшигида қайнона турарди. Жангда голиб чиқиш учун эмас, бир оз кечроқ таслим бўлиш

учун кўлида қолган қурол-яроғлардан фойдаланаётган ярадор жангчи ҳолига тушганди. Не қиларини билмасди. Бугунга қадар бир гапани икки қилмаган катта келинидан ёрдам умид этолмасди. Унинг хонимлик шаънига, тарбиясига энди тан берар, дилдан кадрлар, аммо энди бунинг қандай фойдаси бор?! Бугунгача уни хафа этмоқдан, келган-кетганга гийбат қилмоқдан бошқа унга не қаромат кўрсатди-ки, бугун ундан иккинчи келинга қарши ёрдам сўрасин? Ёрдам сўраса: «Яхшиликка ёмонлик қилиб, энди ёрдам сўрашга уялмайсизми?» демайдими? Шундай деса, яна не куйга тушади?

Бугунгача Мунаввардан ёмонлик кўрдими? Йўқ. Аммо у ҳам келин. Ҳеч бир келин қайнонани ҳимоя қилиб, бошқа келинга қарши чиққанми?! Шунинг учун Мунаввардан фойда йўқ. Энди фақат ўғли қолди. Аммо ўғил... уйланганига бир ҳафта ўтмасданоқ қорасини кўрсатмай кўйди ҳисоб. Фақат ишга кетаётиб:

– Хайр она, – дейди, холос.

Хотинининг қовоғи уюлса дарҳол:

– Комила, нима бўлди? Хастамисан, – деб типирчилаб қолади. Во ажаб! Агар онаси хасталанса, шундай заҳмат чекармикан? Яхшиям хаста бўлиб, уларнинг кўлида хор эмас. Илгари бошқача эди бу ўғил. Келин гаҳ дея кўлига қўндириб олди. Бегона бир қиз келиб уни ўзига бўйсундириб олганини тушунолмасди. Тунов кун бозордан бир тўрвачада нарса келтириб, Комиланинг кўлига тутқазди. Кейин билса, узум экан. Кўрсатмасдан нелар қилишади, нималар ейишади? Ким билсин? «Она, сизга мана шуни олиб келдим», деб бирор нарса бермайди. Кўлидаги нарсаларни, халта-тўрваларни Комилага берар-бермас тўғри ҳожатхонага шошилди. Ахир одам ёрилиб кетмайди-ку. Беш дақиқа кейин борса ҳам бўлар эди. Уйга олиниши керак бўлган нарсаларни ҳам келиндан сўрайди. Онадан сўраш лозим эмасми? Икки кун аввал келган келин олдида не деган одам бўлди? Одам ўрнида кўришми бу? Олдин онанинг

хурматини ўринлатиш керак эмасми? Онасининг ёнига ўтириб: «Қалайсиз, келинингиз билан чиқишяпсизларми? Ё шикоятингиз борми? Одобсиз бўлса менга билдиринг, қулоғини чўзиб қўяман!» демайдими? Ўғил шу пайтгача ҳеч бўлмаса, бир-икки марта хотинини озорлаши, кўз олдида мушт ўқталиб таёқ кўтариши керак эмасмиди? «Ақлингни йиғ. Агар онам зиғирча шикоят қилса ёки қош чимирса, ўзинг биласан, кўрадиганингни кўрасан», демайдими?

Не ўйлар, не сафсаталар айланарди қайнонанинг бошида. Энди унинг янги онаси бор. Келган-кетганида отилиб туриб: «Марҳамат она, букуринг она!» деб жой кўрсатади, қўлини ўпади. Унинг олдида ўз онаси ким бўпти. Йиллар бўйи ювиб-тараб ўстирган қизини берган аёлдан қимматли бўлишармиди онаси?! Нега ўғли келиннинг қилмишларини текшириб кўрмайди? Қисқаси, келин ўғлини хоҳлаган мақомига ўйнатади. Келинини қайириб олишга ҳеч кўзи етмасди. Оҳ, бир оз ёш бўлсайди, кучи етсайди бошлаб адабини берарди бу келиннинг. Энди нима қилсин? Баъзан эрталаб чиқиб кетиб, тушгача вақтини қўни-қўшниларникида ўткази. Баъзан уйга келганларни қистаб ўтқизар, кетгани қўймас, дардини тўкиб солади. Лекин бир куни бу иши ҳам тескари натижа берди. Наридега сўзлаганларини ғийбатчи хотинлардан бири келинига етказди. Келин келиб оғзига келганини шанғиллади:

— Яна бир бор мен ҳақимда бошқаларга ёмонлаб гапирганингизни эшитадиган бўлсам, ўзингиздан кўринг, — деди. Огоҳлантирди.

Бугунгача одобсизлиги билан жонини зада қилган келинидан ҳар нарса кутса бўлади. Ҳозирги қилиғи ҳолва. Уни инсофга чақириш йўллари тополмади. Яна бир уриниб кўрай деб, икки оғиз гапирмасидан, сўзи оғзида қолди.

— Яна хўжайинликми? Насиҳатингизни бошқа вақтга қолдиринг. Бугун жоним чиқиб турибди. Мен сизга насиҳат тинглайдиган вақтни айтаман, ўшанда

бошларсиз, — дея эрмаклади. Бир гал қайнона синаб кўриш учун:

— Қилиқларингнинг ҳаммасини ўғлимга айтаман, нима қилдиришимни кўрасан, — дейиши билан келин қаҳ-қаҳа отди:

— Бизнинг тилимиз йўқми? Айтинг, ким таёқ ейишини ўшанда кўрамиз, — деб жавоб берди. Кейин бироз жиддийлашгандай:

— Сизга бир нарса айтайми, сеvimли онажоним? Бундай ишларга яқинлаша кўрманг. Агар эримдан бир гап эшитадиган бўлсам жазосини ортиғи билан қайтараман. Айтганингизга пушаймон қилдираман, — деди.

Вазиятдан ўғлини хабардор қилмоқчи эдимиз? Йўқ, бунинг имкони йўқ. Келинга пўписа қилиб қўймоқчи эди, холос. Лекин бу ҳам беҳуда кетди. Катта ўғлига ҳам бир нарса деёлмасди. Деса-чи? Бориб укасининг хотинини урмайди-ку. Наридан борса, укасига айтади, укаси хотинига, айланиб зарари яна ўзига қайтади. Қайнона не қиларини билмасди. Мунаввар унга ачинарди. Бир куни кичик келини эри билан онасининг уйига кетгач, эркин нафас олаётган қайнонанинг ёнига Мунаввар келиб ўтирди. Муҳим масалани гаплашмоқчи.

— Она, сиз билан бироз гаплашиб ўтирайлик, — деди.

«Она» сўзи қайнонага хуш ёқди. Кичик келиндан бундай сўзни эшитиш амримаҳол. Баъзан «қария», баъзан «кампир», деб камситади, баъзан масхаралаб «сеvimли онажоним», дейди. Комиланинг олдида Мунавварга чиндан тан берарди. Дардли эди, дардли бўлганидан умидсиз эди. Унингча ҳеч илож қолмаган. Суҳбатдан не наф? Бошини «Хайҳот, ҳаммаси тугади», дегандай тебратгач;

— Нимани гаплашамиз, қизим? — деди.

— Уйдан турмушнинг тотиди кетиб қолмадимиз, она? — деди.

Қайнонанинг кўзларида ёшлар йилтиллади. Рўмолчаси билан артди.

— Нималар дедингиз, қизим? Қанақа турмуш? Кундан-кунга кунларимиз қийин кечмоқда. Кундан-кунга баттар-лашмоқда. Кўрмаяпсизми, она-боладай яшаган кунларимиз қани?

Тўғри сўзларди қайнона. Она-қиздай яшадилар. Аммо ўша ҳаётда ўзига қандай фойдаси тегди. Агар келини Мунаввар сабр этмаса, она-боладай яшашлари мумкин эдими?

— Она, биргалашиб бирор чорасини топамиз.

— Қанақа чора топиларди, қизим? Кўрмайсизми, нима десангиз, бетга чопади. Қулоқсиз хилидан экан. Гапни тингламайди.

— Рухсат берсангиз, бу ишни ўзим ҳал қиламан.

— Қандай қилиб қизим? Бирор кимса эплайдиган нарса эмас.

— У ёғини менга қўйиб беринг. Фақат бундан сўнг индаманг. Уни қил, буни қил деманг. Нима қилиши керак бўлса, мен бажараман. Сиз фақат кузатинг.

— Сиз билан уришса, сизни урса-чи, қизим?!

— Урсин. Мени урмаса, сизни уради.

— Майли, билганингизни қилинг.

* * *

Бир кундан сўнг... Кичик келиннинг қовоғи одатдагидек солиқ. Ҳар кунгидай ҳозирланган дастурхон атрофига келиб ўтирди. Нонуштадан кейин доимий одатига кўра бир-икки соат қайтиб чиқмайдиган бўлиб хонасига кириб кетди.

Бугун қайнона Мунавварнинг таклифига биноан ишга аралашмайди. Икки келин юзма-юз келади. Ювош Мунаввар билан баджаҳл, ўжар Комила орасида мароқли томоша бўлади. Комила Мунавварнинг сўзига кирмаслиги сабабли жанжал чиқиши аниқ. Дастурхондан туриб бир четга ўтиб олган қайнона ҳайиқарди.

Мунаввар овқатини еяр-емас, уйига кириб кетган келин ортидан:

— Комила, бир дақиқага чиқасизми? — дея чақирди. Қайнонанинг хаёлига жанжал келди, сочлари юлинган

кичик келин остида чирпинган Мунаввар кўз олдига келди:

— Эҳтиёт бўлинг, жанжал қилманг, — дея ёлворди, Мунаввар жавоб бермаган келинни яна баландроқ овозда чақирди.

— Комила, бир дақиқага чиқинг.

Дераза очилди:

— Нима дейсиз?

— Бир дақиқага чиқинг, сизга айтадиган гапларим бор.

Комила келди...

— Нима дейсиз, мана келдим?

— Шу дастурхонни йиғиштириб қўйсангиз. Менинг ташқарида ишим бор эди.

— Хоним афандининг айтадиганлари шуми? Ўзларининг ташқарида ишлари бўлса, менинг ичкарида ишим бор. Йиғиштирайсизлар-да, кейин ташқаридаги ишларини бажарсизлар.

— Ҳамманинг ҳам ичкарида ўзига хос ишлари бор. Фақатгина сизнинг эмас. Аммо кўряпсиз-ки, бу ишларни мен бажаряпман, сиз уйингизга кириб оляпсиз.

— Хоҳласам чиқаман, хоҳласам ўтириб оламан. Сизга алоқаси йўқ. Иш қилишни хоҳламасангиз, сиз ҳам уйга кириб ўтириб олардингиз. Онамиз нега ишламайди?

— У ишламайди. Ишлатмайман ҳам. Барча ишларни мен қилиб, сиз уйда бемалол ўтирсангиз Аллоҳ рози бўлармикан?!

— Мен рози бўлсам, шу етарли!

— Комила, сизга бир нарса айтаман! Бундан буён бу уйда мен қанча ишласам, сиз ҳам шунча ишлайсиз. Онам икки ой аввал ишларимизни тақсимлади, бирор иш қилмадингиз. Бир кун инсофга келар, виждонига қулоқ солар дедим, бўлмади. Энди бугундан бошлаб ҳар ишни тенг бажарамиз.

— Бажармасам-чи?

— Бажаришга мажбурсиз.

Бу орада жанжал чиқишини сезган қайнонанинг юраги қаттиқ урар, қўл-оёқлари қалтирарди. Аммо унинг гапига ким кирарди, ким қулоқ соларди?!

— Ким мажбур этаркан, кўрай-чи?

— Мен!

Сўнг ҳайқирди:

— Тез йиғиштир дастурхонни, жаҳлимни чиқарма!

Мунавварнинг овозидаги шиддат қайнонасини қўрқитиб юборди, сапчиб тушди. Мунаввар Комила томонга икки одим отди; зора жанжалсиз бажарса. Комиланинг юз-кўзидаги шишлар ҳали кетган эмас. Икки марта мағлуб бўлгани эсига келди, ташланмай жим турди. Яна бир томони; агар ташланса, енгилиб қайнона олдида шарманда бўлади. Мақсад қайнонани букмоқ экан, Мунаввардан мағлуб бўлишга чидаш қийин. Аммо бу ҳолда муштарини тугиб, итоат қилишдан бошқа чора йўқ. Минғирланиб, дастурхонни йиғиштиришга тушди.

— Ундан кейин кирларни ювинг. Мен боғни супураман, — дея буйруқ берди Мунаввар. Кейин:

— Агар хоҳласангиз, боғни сиз супуринг, кирни менга қолдиринг, — деб ташқари чиқди.

Қайнона ҳайратланди; шу пайтгача сассиз, садосиз Мунаввар, беш дақиқа ичида қайсар, қайтмас Комилани уриш-жанжалсиз таслим этди. Албатта, қайнона аввалги икки жанжалдан хабарсиз эди. Ҳайрон бўларди қайнона; бундай жасоратли Мунаввар бугунгача қандай ва нечун ўзига итоат этди? Қўрқармиди? «Ҳа» демоқни йўққа чиқарганди ҳозирги ҳолат. Бу итоат Мунавварга яхши муомала қилганиданми? Тамоман виждонсиз бўлсайди «Ҳа» деб жавоб берган бўларди. Қолган биргина асос — Мунавварнинг юксак хонимлик шаъни, аёллик шарафи эди. Тўғри сўз ҳам, тўғри ҳукм ҳам шу! Кунлар ўтиши билан малак юзли Мунаввар айтган ҳар бир ишни истаса-истамаса Комила адо этадиган бўлди. Қайнона бу дардан узоқлашди. Энди қайнона ўрнини ўз-ўзидан Мунаввар ола бошлади. Эрталабдан ишларни тақсимларди:

— Шуларни сиз бажаринг, мана буларни мен, хоҳласангиз алмашиб олиб ёки баробар, тенг бажарамиз, — дерди адолат юзасидан таклиф этиб, ихтиёрига қўйиб, хоҳишига қарарди. Комила истар-истамасдан итоат этарди. У секин-аста ишга ўрганган сайин Мунавварнинг ҳам чимирилган қошлари жойига тушиб, секин-секин юзи ёришиб борарди.

Бир ойча вақт ўтгандан сўнг бу уйда қайсарлиги кетган итоатли, уй ишларига анча қобил Комила билан унинг дағаллигини мағлуб этган, гўзал бир муомала билан йўлга киритган Мунаввар ва бу ҳолдан мамнун қайнона яшарди.

Мана, Мунаввар хонимнинг Амина сўраганда жавоб бермаган азият ва ҳиммату мурувватларга тўла келинлик ҳаёти...

* * *

Мунавварнинг бутун ҳаётига қаралса, кичиклигидан ўрناк оладиган аёл эканлиги намоён бўлади. Хўш, бу етуклик, камолот манбаининг илдизи қаерда ва нимада?

Мактаб ва таълим-тарбия инсонни нималарга эриштириши мумкин, нималар бериши мумкин? Баъзиларга кўп нарса, кимларгадир ҳеч нарса. Мунаввар махсус тарбия берадиган бир мактаб кўрган эмас. Диний таҳсил ҳам олмаган. Чунки замоннинг диний таҳсил билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Ҳатто бир кун муаллим синфда:

— Қани болалар, Аллоҳдан қанд сўранглар-чи, берармикан? — деган, ҳамма қанд сўраган, бир иш чиқмаган, сўнгра, — қани энди мендан сўраб кўринглар-чи, — деган, болалар ундан сўрагач, қанд тарқатганди. Шу орада болалардан бири қўлини кўтарди.

— Нима дейсан?

— Муаллим, онам менга қанд егизмайди, тишинг чирийди, дейди. Қанд ўрнига менга олма берсангиз...

Муаллим шошиб қолди. Унинг мақсади болаларга қанд тарқатмоқдан ташқари Аллоҳнинг борлиги ва йўқлиги хусусида бир-икки сўз айтмоқ ва натижада:

«Мана ундан қанд сўрасангиз бермайди, мен бердим» демоқчи эди. Лекин муаммо чиқди. Унинг олдини олиш учун:

– Сенга ҳам эртага олма келтираман, – деб масалани ёпди. Аммо энди икки қатор олдиндаги бир қиз қўлини кўтарди.

– Нима дейсан, Мунаввар?

– Дугонам қанд емаяпти. Бошқа ҳамма еяпти. Мен ҳам емайман, у ёлғиз қолмасин. Эртага иккимиз олма еймиз.

Масала чўзилиб кетмаслигини истаган муаллим «майли» деди. Аммо олма сўраб ололмаган боланинг хафалиги олдида, кўпгина дўстларига қанд тарқатгани ҳолда, бир болага олма беролмаган муаллимнинг кўзбўямачилиги сезилди.

Ана шундай қиёфали мактаб болаларга яхши ахлоқ бериши мушкул эди. Диний тарбияни уйда олиш ҳам анча қийин эди. Лекин онасидан Қуръон ва намоз ўқишни ўрганди. Озгина бўлса ҳам диний маълумот олди.

* * *

Мунаввар, туғма – фитратан покиза эди. Фазилатларининг манбаи ва илдизи мана шу. Агар истейдод яхши томонга йўналтирилса, бебаҳо инсон бўлиб камолотга эришади. Шу йўл – Мунавварнинг ҳаёт йўлидир. Яхши-ёмонни нозик фаҳмлагани учун шундай вояга етди.

Масалан, отаси оқшомлари ҳориб-чарчаб қайтганида онаси нохуш қаршиларди. Хўш, онаси ўзини отасининг ўрнига қўйиб қараса-чи? Қандай кутиб олишини истарди? Бир кун бу саволга гўзал жавоб топди.

Боғларида тут бор эди. Шу сабаб қушлар, айниқса, чумчуқлар кўп бўлади. Ҳатто ён деворга уя қурган, ин солган қушлар ҳам бор эди. Мунаввар уларни деразадан бемалол кўра оларди. Бу уяларнинг бирида эрталабдан-кечгача онаси ва онаси келтирадиган егуликни кутишдан

бошқа нарсага ярамайдиган икки полапон бор. Ногоҳ бошқа чумчуқлар сайроғи аро уларнинг ҳам шиддатлироқ чирқиллаши эшитилиб қолар, бу оналари келганидан ишорат эди. Ва уясидан ошиб тушгудек талпиниб: «Она, менга беринг, менга беринг, она», дегандек бўларди. Оғизлар шу қадар катта очилиб кетади-ки!.. Она наридан-бери тўплаб оғзида олиб келган егуликни бўлиб бериб, тагин уларга ризқ ахтармоқ учун учиб кетади.

Мунавварнинг отаси ҳам яхши кутиб олиниши, бемалол дам олиши учун шароит ҳозирлаб, бирга севиниб, бирга дард чекиб инсонийлик кўрсатилиши лозим эмасми?!

Онаси қовоғи солиқ ҳолда кутиб олади, отасининг кўнглини Мунаввар кўтаролмайди. Ҳеч бўлмаса очиқ чеҳра билан кутиб олса, отасининг боши осмонга етмайdimи?

Бир кун девор четида ўргимчакнинг тўр тўқишини кузатди. Тартиби ёқди. Шу кундан бошлаб уйга бошқача бир файз, ўзгача бир тартиб кирди. Бошқа кун катакдаги икки товуқ, бир хўрозга дон сочди, ажабо, хўроз қичқириб товуқларни чақирди ва улар тўйгунча дон чўқимай турди. Ўзидан кичикларга яхши муомала қилиш, ўзидан аввал уларнинг ғамини ейиш лозимлигини ўшанда чуқур англади.

Шу тариқа атрофидаги воқеалардан керакли хулосалар чиқариб, ўз ҳаётига тадбиқ қилиш Мунаввархонимнинг одатига айланди.

Ўн тўрт-ўн беш ёшларида онаси билан қариндошлариникига боришди. Хотинлар алоҳида хонада. Уй бекаси:

— Қизлар бу тарафга, — деб Мунавварни бошқа хонага олди. Ичкаридигилар янги келганга бир қараб қўйдилар. Яна суҳбатларида давом этдилар. Мунаввар танимайдиган кимдир ҳақида гаплашдилар. Либос тиктиргани тўғрисида. Ўша қизга қаралса, янги либосни кияр-киймас улғайганмиш, ҳатто ўтган кун ўзига: «Олти

ойки, доим бир кийимни кияди», дегандай қараб, лабини буриб ўтаверганмиш. Қиз буларни дугоналарига айтгач:

— Ихтиёр менда, хоҳлаганимни кияман. У нега аралашади. У бир либос кийгач ўзини одам санай бошлади. Уялмайди. Бир кун шарманда қиламан. Масхаралашни кўрсатиб қўяман. Кўрсатмасам, одам эмасман, — деди.

Бошқа бир қиз аралашди:

— Шунга хафамидинг? Сени қара-ю мен эса асло хафа бўлмайман. Ўтган ҳафта ямоқли кўйлақда ичимизда эзилиб турган шу эмасмиди?! Хоҳласак, отамизга айтиб, янги кийимлар олдиролмаймизми?

Яна шу мавзуда бир муддат суҳбатлашдилар. Мунавварни таниган бир қиз:

— Сен нега жимсан, Мунаввар? — деб сўради.

— Сиз гапираётган қизни мен танитайман-ку, — деб жавоб берди Мунаввар.

Бир пайт очилган эшикдан бир бола:

— Опа, юринг, кетяпмиз. Онам чақиряпти, — деди. Гап мажбуран бўлинди. Боядан бери дугонасининг ўзига лаб бурганидан тортиб, бошқа турли қусурларини айтаётган қиз:

— Менга рухсат беринг, дугоналар, — деб чиқди. Оёқ товушлари ҳали тиниб улгурмасиданоқ қизлардан бири:

— Эзма. Унинг-бунинг камчилигини гапиришдан бошқа иши йўқ. Тинмай гапиради. Осмондан тушгандай, камчиликсиз дунёга келгандай. Шу ишларига жаҳлим чиқади. Шулар ҳам одам бўлдимми?

Ҳолбуки, бу қизнинг ўзи ҳозиргина кетган қизни қувватлаб гапирган эди. Ортидан ғийбат қилди. Шунга кўра, ким билсин тагин Мунаввар кетса, у ҳақида нималар дейди? Туриб кетишни хоҳларди. Бундай одобсизлар орасида сиқила бошлади. Шуларни ўйлаб турганида эшик очилиб, бир хотиннинг боши кўринди; «Қани, кетамиз!» дегандай ишора қилди. Биринчи бўлиб кетганни ёмонлаган қиз хотиннинг ортидан эргашди. Кетаётиб қолганларни уйига таклиф этди. Ваъдаларини

олиб ташқари чиқди. Энди ёмонланиш навбати шу қизга келди. Мунавварни танийдиган қиз сўз бошлади:

– Тарбиясиз. Дугонаси кетар-кетмас ортидан нималар демади. Ўзи яхши бўлса, ҳар кимнинг ортидан гапираверадими?! Эртага кўзи-кўзига тушади-ку. Жонажон дугонадай гаплашиб кетади. Инсон дўстининг орқасидан шундай гапирадими?

Мунаввар бошқа тингламади, турди. Онаси ўтирган хонага кирди. Ёнига ўтирди. Бу ерда ҳам ғийбат. Унинг-бунинг ортидан гапириш... Онаси туриши билан бу кўнгилсиз суҳбатдан қутулди. Шундан сўнг Мунаввар уй ишларини баҳона қилиб бундай жамоатларда қатнашмайдиган бўлди.

Мунаввар маданиятли қиз бўлиш йўлида эди. Оила аъзолари билан бирга тамсил этмоқ лозим бўлса, бир гул ғунчасини кўз олдига келтириш кифоя. Ғунча, банди, новдаси, япроқлари, тиканлари бир оилани ташкил этади. Шохчалар, япроқлардан, тиконлардан мурод ғунча – гул. Ғунчасиз қаралганда, мўлжалдаги завқли ҳузур ҳосил бўлмайди. Шу гул-ғунча гўзаллиги ҳурматидан қўлга кирувчи тиканларга ҳам ёмон назар солинмайди. Унинг хушбўйли малҳами тикан заҳмини енгиллаштириб, ҳатто унуттириб юборади. Ёки унинг гўзал, муаттар ҳидларидан атрофдагилар шу қадар маст бўладилар-ки, ҳатто қўлларига кирган тикандан хабарсиз қоладилар. Оилада Мунаввар бир гул-ғунчаки, оиласи унинг хуш феъли, гўзал ахлоқи соясида, кафтда, қўлда тутилар ҳолга келмоқда.

Гул-ғунча қайда бўлса, у ерни хуш бўйи билан гулистонга айлантиради. Бу муаттар ҳидлардан кўнгиллар энтикади. Атроф ҳам чиройли ҳолатга келади. Мунаввар гул-ғунчани қандай авайлашни яхши билади. Келини Аминага ҳам гулбоғ завқини муносиб кўрди.

IX

Мунаввархоним Аминани ҳафтада бир марта, жума кунлари ота-онасиникига олиб борарди. Қайнонаси ёнида Аминанинг айтолмайдиган, махфий бир гапи йўқ эди. Шу билан бирга у:

— Амина бугун жума, қизим, менга бир жойнамоз беринг, ибодатни адо этайин, — дер, бир хонага кириб, узундан-узоқ намозини ўқиб чиқар эди.

Келинлигига олти ойча бўлиб қолганди, бир гал онаси Аминадан турмуши ҳақида жиддийроқ сўради:

— Қизим, ҳар сафар яхшиман дейсан. Тўғриси айт, балки менинг ёрдамим тегар. Эринг, қайнонанг билан қалайсан? Шикоятинг борми, айт, қизим.

Амина ҳар гал яхшиман деб айтарди. Бу гал жиддий бир тарзда:

— Ҳамма ишим яхши, баридан мамнунман. Лекин қайнонамнинг бир камчилиги бор. Оҳ, шу... Бўлмаса...

Онанинг юраги ҳаприқди:

— Нима у, қизим?

Амина жиддиятини бузмасдан давом этди.

— Менга қайноналигини кўрсатгани йўқ. Мен келин эмасманми? Бошқалардай бўлишга ҳаққим йўқми? Улардан кам жойим борми?

Онаси ҳеч нарсани англамади:

— Тушунмадим, қизим. Қайси қайнонанг? Қанақа ҳақ? Очiqроқ гапир, юрагимни сиқма.

— Ҳеч ортимдан гапирмайди. Ўзимга ёмон сўз айтмайди. Ўғлига ёмонлаб, урдирмайди. Камчилигимни юзимга солмайди. Қизишмайди. Нима қилай бундай қайнонани, она?!

Аминанинг юзи жиддий, ҳазил аломатлари йўқ; «Ажабо ҳазилми, рост гапиряптими?»

— Қизим, нималар деяпсан? Бундай фазилат қайси қайнонада бор? Қайси келин шундай қайнонага, шундай имконга эга? Сен шундан шикоят қилияпсанми ҳали? Ё ҳазиллашаяпсанми?

Амина онасини ташвишга қўймоқчи эмас. Чидолмади. Кулди.

— Аҳ, сен қиз, менга тегишяпсан, шундайми? — деб онаси кулиб юборди. Пича кулиб олгач Амина:

— Ҳазиллашдим, онажон. Шукр, ҳеч қандай шикоятим йўқ. На қайнонамдан, на эримдан. Фақат сизлардан бошқа яшаяпмиз, бу шикоятга кирмайди. Чунки ўзингиз кўряпсиз, ҳар жума келиб турибмиз. Сиз билан, отам билан кўришяпмиз. Ҳасратга ўрин йўқ. Аҳволим яхши бўлгач, нимадан шикоят қилай, онажон?!

Тўйдан сўнг уч ой ўтгач, бундай кўришиш масаласини Мунаввархоним қатъий бир қоидага боғлади. Аминани жума кунлари онасининг уйига олиб боради. Бир гал шундай таклиф бўлди:

— Ойшахоним, бир таклифим бор. Аминани ҳар ҳафта сизникига олиб келяпман...

Аминанинг онаси гапни бўлди:

— Табиий, бу ер онасининг уйи, ҳар кун келинг. У қизим бўлса, сиз опам. Шундай эмасми?

Мунаввархоним давом этди:

— Менинг айтмоқчи бўлганим шуки, Амина бу ерга жума кунлари келяпти, мен эса сизларнинг тезроқ кўришиб туришингизни истайман. Бунинг учун сиз ҳам ҳафтанинг бир куни бизникига борсангиз. Масалан, душанба куни. Шунда уч кунда бир кўришган бўласиз. Мабодо янада кўпроқ учрашишни истасангиз, марҳамат, эшигимиз сиз учун доимо очиқ. Фақат ўн беш кунда, ойда бир борайин деманг, — деди ва ўша кундан бошлаб, Амина душанба ўз уйида, жумада онасининг уйида дийдорлашув имконига эга бўлди.

* * *

Юсуф афанди айтганидек, Маҳмуд оға қизини «Яхши бир оилага» тушишига сабабчи бўлган биродарини дуо қилди. Ҳурмати янада зиёда бўлди. Гоҳ Мустафога, гоҳ Мунаввар хонимга нисбатан қизларига кўрсатаётган инсоний муомалалари учун кўнглида меҳр-муҳаббат уйғонди.

Бир кун уйда хотини билан суҳбатлашаётиб, гап Аминанинг бир неча кун келиб уйда туришига тақалди. Онаси истарди буни. Бир-икки кун кўз олдида бўлишини истарди:

— Мустафога айтсангиз, бир-икки кун келтириб кўйса, — деди. Огага бу фикр маъқул келмади.

— Нима қилардинг, онаси, бу ерда туришидан бир фойда йўқ. Уйида бўлгани яхши-ку. Узоқ эмас, хоҳлаганда бориб кўрасан. Ҳафтада бир келиб турибди. Худога шукр, шикоят-ҳасратга ўрин йўқ. Эрининг уйига кўнгли илисин.

— Отаси, у ер уйи-ю, бу ер уйи эмасми? Нега ундай дейсиз?

— Шунинг учунки, Аминанинг уйи бу ер эмас. Бу ер ота-онасининг уйи. Энди ўша ерда яшайди, кун кечиради, бу ерга фақат меҳмон бўлиб келади. Биз учун одатий меҳмонлардан эмас, ўз қизимиз сифатида келади. Лекин уни тунаб қолишига кўндириш учун ҳаракат қилма.

— Сизнинг қизингизга меҳр-муҳаббатингиз бормиди?

— Мен қизимни яхши кўраман. Лекин уни қандай яхши кўришимни билмайсан. Меҳр-муҳаббат сенингча, бир хил бўлса, менимча яна бошқача. Уч ёшли қизалоқни суйгандай жоним, жигарим қилиб эркалашимни истайман.

Ога хотинининг кўзига бир қараб, давом этди:

— Мен қизимни жуда яхши кўраман, аммо қалбан яхши кўраман. Масалан, унинг бу ерда туришидан кўра, эрининг уйида туришини истайман. Мен учун муҳими, бу ерга келиб олиши эмас, балки эри, қайнонаси билан яхши яшашидир. Худога шукр, тинч.

Маҳмуд ога гапининг сўнгида хотинига Аминани тунаб қолишга мажбур қилмаслигини уқтирди. Фақат бу суҳбатдан Аминанинг хабари йўқ.

* * *

Тўйдан сўнг ойлар ўтди. Шу кунларда Аминанинг кўзи ёриши кутилмоқда. Бир пайшанба оқшоми. Ярим

кеча. Амина енгилроқ санчишдан уйғонди. «Бисмиллоҳ»ни айтди. Санчиш давом этмади. Ўтиб кетди. Амина яна ухлаш учун кўзларини юмди. Энди уйқуга кетай деганида иккинчи санчиқ туриб, кўзларини очишга мажбур бўлди. Шундан сўнг Амина ухломмади. Мустафони уйғотиб онасини чақиритини айтди.

Мустафо эрталаб масжиддан уйга қайтганида, онаси уни очик чеҳра ва мамнунлик билан кутиб олди:

– Муборак бўлсин, болам, ўғилли бўлдик. Беадад шуқр, Аллоҳ шу кунларга етказди, – деди.

Бир кун ўтгач, Мустафо онасидан сўради:

– Она, неварангизга қандай исм кўясиз?

– Муносиб кўрганингни кўй, ўғлим. Онаси билан келишиб яхши бир исм топиб кўйинглар.

– Бу уйда бизнинг айтганимиз бўладими?

– Бўлмайдими, ўғлим? Жуда бўлади. Худога шуқр уйландинг, фарзандли бўлдинг. Уйнинг бошлиғи сенсан.

– Хўп, мен исм кўйиш ҳаққимизни сизга бағишлайман, она.

– У ҳолда, шу тўрт исмдан бирини танланг: Аҳмад, Иброҳим, Абдуллоҳ, Нуриддин. Булардан қайси бирини кўйсангиз ҳам менинг айтганим бўлган ҳисобланади.

– Энди Аминани бир кўриб чиқ.

Гўдакка Абдуллоҳ деб исм кўйилди.

* * *

Аминанинг ўғилли бўлганини эшитган қариндошлар ва кўшнилари: «Муборак бўлсин, кутлуғ бўлсин, униб-ўссин», дея дуолар қилиб, табриклаб бирин-кетин кела бошладилар. Мезбонлар: «Раҳмат. Қуллуқ, қуллуқ» деб кутиб олишди. Шундан сўнг биринчи саволлари шу бўлди:

– Исмини нима деб кўйдингизлар?

Абдуллоҳ исмини ёқтирганлар, жуда яхши бўлибди дейишди. Маҳалла имомининг хотини:

– Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) отасининг исми ҳам Абдуллоҳ экан. Ўтган кун бизникилар Пайғамбаримизнинг (с.а.в.): «Исмларнинг энг яхшиси

Абдуллоҳ ва Абдурахмондир», деганларини кимгадир айтаётган эдилар. Яхши бўлибди. Бундан яхши исм бўлмайди, — деди.

Бошқа бири:

— Энди ишлар тескарисига кетди. Хаёлга келмаган исмларни қўйишмоқда. Ҳайвонларнинг номлари билан аташмоқда, исм қилиб қўйишмоқда. Бир ой аввал опам неварали бўлди. Отини нима қўйдингиз, десам келин дарҳол:

«Олтой қўйдик, холажоним. Қандай, яхшими?», дейди.

«А? Қандай яхши бўлсин, қизим? Ҳеч бўлмаса Бўзтой демайсизми?» дедим. Келинпошшага гапим ёқмади. Лекин ҳеч нарса демади. Хафа бўлгани юзидан билиниб турарди. Дарҳол эри қўшилди.

«Холам-а жа ҳазилкаш, Эво, ҳазиллашдилар, — деди. Сўнг менга қараб, — шундайми, хола? Қаранг, Эво хафа бўлди, кўнглини олинг».

«Ҳазил бир ёқда турсин-у, аммо бу ишда ўзинг ҳазил қилмагин, ўғлим. Ростдан ҳам боланинг оти Олтойми?»

«Олтой, хола. Ё сизга ёқмадимми?»

«Ёқди десам, ёлғон бўлса. Той деб отнинг боласини айтишади. Кўяр экансиз, ҳеч бўлмаса, Қиртой қўйинг, эл бўлади, отларнинг ола-қизил ранглисидан кўра бўз бўлгани яхшироқ», дедим. Йигит ҳам бир оз ранжиди.

Ранжиса ранжисин, менга нима?! Олтойдан ҳам исм бўладими? Бугун Олтой дейди, эртага Бўзтой, индинга, Худо билсин, қандай той дейди. Бир кун келиб, отлар ҳам қолиб, бошқа ҳайвонлар хаёлларига келади. Келиннинг исми ҳам Эво эмиш. Етти пуштимда йўқ. Ўзини Истамбулдан топиб келтирибди. Опамдан сўрадим, кимлардан дедим, у ҳам яхши билмайди. Мусулмонми, бошқами?... Йигит менга бир балоларни тушунтирган бўлди. Олтой қайлардаги бир тоғнинг номи эмиш, аввал боболаримиз у ерда яшаганмиш, қаҳатчилик, очарчилик бўлгач, бу ерга келганмиш,

фалон-пистон деди, аммо кошки кулоқ солсам. Энди навбат тоғларга келибди.

Бошқа бир хотин:

— Бизнинг болалар қўйган исмига ақл етмайди, синглим. Менинг ҳам икки неварам бор. Эр-хотин бир бўлиб, яхши исм қўямиз дедилар. Бирига Тонгут дейишди.

— Иккинчисига тўғри, дуруст бир от қўйинглар, — дедим. Ўғлим: «Бу бизнинг ишимиз, ўзимиз биламиз», деди. Бунисини Ойкут қўйдилар. Каттасини Таҳсин, кичигини Олия дея бошладим. «Болани ҳозирдан бошқа исмга кўниктирманг, ўрганиб қолмасин», деб жаҳллари чиқди. Мен ҳам энди бир нарса демайдиган бўлдим. Тилим келмайди, уларнинг исмига, айб эмасми, синглим.

Мунаввархоним бу суҳбатларни тинглаб ўтирибди. Шукрки, ўғли улар айтган хилидан эмас. Келини ҳам кўнглидагидек. Тўрт исмдан бирини қўйинг деганида: «Йўқ, мен бунақасини истамайман», дейиши мумкин эди. Дея оларди. Қайнонани бирор ишга аралаштирмаслик ҳозирги келинлар учун одат ҳолига келди. Шундай бўлмагани учун шукроналар айтди.

* * *

Мустафо бу пайтда ўғлининг отаси бўлиш наъъаси ичида эди. Ҳаётидан беҳад мамнун эди. Мунаввархоним каби бир она, Амина каби бир хоним соҳиби бўлмоқ ва уч йилдан бери на онасидан, на хонимидан кичик бир шикоят эшитмаслик, бунинг устига самимият ичида яшашларини кўрмоқ бу кўҳна Чўрумда неча кишига насиб бўлган неъмат эди?! Агар бир бегона одам уларнинг турмушини бир-икки ҳафта кузатса, Мунаввархоним Аминанинг онасими, қайнонасими — билиши қийин эди.

Гул тикансиз демоқ, ҳақиқатдан юз ўгирмоқдир. Амина бир гул. Тикани ҳам бор. Тиканчалик бўлсин оғриқлари, қусурлари бор. Булар Мустафонинг фикрича, арзимас нарсалар. Аммо бир кун Мустафо онасига айтмоқчи бўлди. Масалан, ўтган кун туфлисини

тозаламабди. Икки кун аввал овқатни шўр қилиб юборди. Фалон кун кийимининг тугмасини қадаб кўйишни унутди. Шунга ўхшаш бир-икки камчилик... Шуларни гапирмоқчи эди. Мунаввархоним дарҳол:

— Мустафо, ўғлим, сен ҳар ҳолда дунёда туриб жаннатни талаб қилаётганга ўхшайсан. Шу ҳам гапми? Сендай эр йигитга бу ярашмайди. Бундай камчилик ҳар кимда бўлиши мумкин. Амина жаннатдан келган бир фаришта эмас-ки, истаган нарсангни истаган шаклда, истаган вақтингда бажарсин. Ёки бундай майда-чуйда гапларни сенга онанг ўргатган эдими? Сен гапирмадинг, мен эшитмадим. Агар шуларни гапириб, қизимни хафа қиладиган бўлсанг, мен ҳам сени хафа қиламан, — деди. Шу билан гап тугади. Аслида Мустафо бу гапларни шикоят учун айтмаган эди. Қани онам нима деркин, олдидан бир ўтиб кўяйин қабилида иш тутган эди. Онасининг бундай фикрини бир неъмат билиб, шукроналик билан қабул қилди. Чунки ҳамма жойда азалдан келиб, абадга ўтаётган бир дард бор эди. Одамнинг илк уйланиши билан бошланган ва сўнгги уйланганнинг уйида ҳам шу зайлда давом этаётган бир дард... Ҳар кун янгиланувчи ва бошқа бир ердан ёриб чиқувчи, камайиш ўрнига ортиб борувчи бир дард. Қайнона-келин муросаси дарди... Ўртадаги эркак эса ўзи иштирокчиси бўлмаган жангнинг томонларини мамнун эта олмаган ноҳақ ҳакам...

Шундай ҳукм берилиши билан иш битармиди? Яъни ноҳақлиги айтилган томон ҳақиқатни тан оладими? Қарши томондан узр сўраб, аҳволни яхшилашга ҳаракат қиладими? Асло!

Ҳақиқат шуки: тушунчаси мулоҳазасиз тор қайнона билан тарбиясиз келин орасида қолган эркакдек мушкул аҳволга тушган ҳакам бўлган эмас.

Ҳакам нимага асосан, кимнинг сўзларини эътиборга олиб ҳукм чиқарсин? Бир томонда йигирма йил заҳмат чекиб ўғил ўстирган, чексиз ҳуқуқи бўлган она, иккинчи томонда бутун умиди эридан бўлган, ўзига омонат

сифатида берилган рафиқа. Иккаласи ҳам норози, иккаласи ҳам ўзини ҳақли деб билади, иккаласи ҳам мазлум қиёфасидаги золим ёки золим кўринишидаги мазлум.

Ҳали ҳеч бир эркак бу икки азалий ва абадий рақиб ўртасида чиқарган ҳукм билан иккала томонни хурсанд қила олган эмас. Чунки золим ҳисобланган аслида мазлум дейилганнинг зулми билан мазлум, мазлум кўринган эса золим бўлиб чиқаверади.

Булар икки рақибдирлар: бири шарқда, бошқаси ғарбда бўлса ҳам жанжал учун бир-бирига энг яқин, лекин ёнма-ён бўлсалар тинчгина яшашлари учун коинот қадар келадиган масофаларни ошиши керак бўлган даражада узоқлар.

Мустафо шуларни кўнглидан ўтказар экан, турмушидан яна-да мамнун бўларди. Дўсти Ориф уйланганига ўн беш кун бўлди. Кеча тушдан сўнг айланиб келиш учун истироҳат боғи томон юраркан, унинг илк дардини тинглади. Ғамгин кўринар эди Ориф. Бироз юрдилар. Лицей қаршисига келган эдилар. Мустафо:

— Ориф, бугун хафароқсан? — деди. Ориф бош ирғади.

— Ҳа, афсуски, хафаман, Мустафо.

— Нима гап, бирон нима бўлдим?

— Бир нима бўлиши ҳам гапми Мустафо? Кеча оқшом жанжал бўлди.

— Тинчликми?

— Тинчликка ўхшамайди, ошна. Кеча сен билан хайрлашгач уйга бордим. Дастурхон тайёр экан. Иккита ликоп кўйилган. Алоҳида идишларда овқат ейишга ўрганмаганимиздан ҳайрон бўлдим. Кўрай-чи нима бўлар экан, деб кутдим. Бир маҳал рафиқам қозонни келтирди, ликоплардан бирига оз, бошқасига кўпроқ овқат солди.

— Нима гап? — деб сўрадим. Жавоб берди:

— Энди алоҳида ликопларда овқат еймиз.

— Хўш, яна битта ликоп қани? Иккита келтирибсан.

– Иккита етади. Онанг ана у ликопдан, биз иккаламиз бунисидан еймиз.

Шундай деб кўпроқ овқат солинган ликопчани олдимизга тортди. Сиқилдим:

– Нега онам алоҳида ейиши керак ёки нега биз бирга ейишимиз керак? – дедим.

– У овқат ейишни ҳам зўрға эплайди. Биз бўлсак иккаламиз биргамиз, битгамиз. Бирга ейишимизда маъно йўқ. Нима бўлганда ҳам у бошқа, биз бошқамиз, шундай эмасми?

Қанчалар эзилганимни сўз билан ифодалай олмайман. Дастурхон ҳам чирпирак бўлиб айланаётгандек эди назаримда. Келганига ўн беш кунгина бўлган хотиним менга хўжайин, эга чиқиб, биргалашиб онам бир четга суриб чиқарадиган бўлдик. Ўзимни тутдим ва сўрадим:

– Агар шу ерда менинг эмас, сенинг онанг ўтирган бўлса-ю мен уни бир томонга ажратиб, иккаламизнинг бирга овқат ейишимизни таклиф қилсам, нима деган бўлардинг?

– Менинг онам сеникидайми? Шундай қилишга лойиқ аёлми онам?

– Яъни сенинг онанг ҳурматга лойиқ, шундайми?

– Албатта.

– Мен учун эса ўз онам қадрлироқдир. Дунёда ундан қадрлироқ аёл йўқ.

– Шу юзи буришган аёлми онам деб севганинг, Ориф? Бундай ғалати гапларни гапирма. Хафа бўламан.

– Афсуски, ранжишинг учун яна бир бор такрорлайман. Қаршингдаги, сен хушламаган кекса аёл мен учун дунёдаги жамики аёллардан азизроқдир. Мен унинг бир тола сочига дунёни бераман.

Онам гап-сўзларимизни ҳайрат ва ҳасрат билан тингламоқда эди. Менга:

– Ўғлим, келин ҳақ. Кўй, икки кунлик умри қолган бу кампир овқатини алоҳида идишда есин. Бу билан бир

нарса бўлиб қолмайди. Сизлар яхши бўлсангиз бас, — деди.

— Йўқ, она, дедим. Мен тирик эканман бу уйда менинг онам хўрланмайди: ҳеч ким менинг онамни камсита олмайди. Бунга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Кейин хотинимга юзландим:

— Бу биринчи ва сўнггиси бўлсин. Бу воқеани бир шарт билан бўлмади, деб ҳисоблайман. Бундан кейин онамга қарши ҳаракатингни заррача сезмай. Агар шундай бирор нарсадан шубҳалансам, ўзингдан кўр. Ҳозир яна бир ликоп келтир. Фақат бу оқшом алоҳида идишларда овқат еймиз. Эртага бундай разолатни кўрмайин, дедим. Шу билан иш битди.

Истироҳат боғига етиб келган эдилар. Бир ўриндиққа ўтирдилар. Ориф давом этди:

— Мустафо, онам бу ҳолдан қаттиқ ранжиди, деган фикрдаман. Чунки у дастурхондан оч туриб кетди. Мени емаяпти, демасин деб қўли таомга бориб келарди-ю аммо овқат ҳеч камаймади. Ёлвордим, мажбур қилдим, фойдаси бўлмади.

— Қорним оч эмас эди, — деб туриб кетди. Кечқурун хотинимга қаттиқ танбеҳ бердим. Кўрайлик-чи, нима бўлар экан. Турмуш қурганимизга бор-йўғи ўн беш кун бўлди. Ҳозирдан шу аҳвол бўлса, кейинроқ нима бўлади? Тонгда онамнинг кўнглини кўтарай дедим-у ҳали турмаган экан. Уйғотгим келмади.

Мустафо эшитганларидан таъсирланди, қаттиқ ранжиди. Аммо нима ҳам қила оларди. Кўлидан бирон иш келсайди, дўсти учун жон деб қилган бўларди.

Кечагина келин бўлиб келган аёл бу ҳолда бўлса, кейинроқ яхши бўлади, дейиш соддалик бўлар эди. Сабр қил, дея олмасди. Онасининг эзилишига сабр қилишни тавсия этиш на унга ярашарди, на Ориф бунга сабр қила оларди. Бу аслида сабр эмас, зулмдан кўз юмиш бўлар эди. Шундай зулмки, эзилган онаси, эзган хотини. Шу билан бирга уни яхшилик билан тўғри йўлга солишга

ҳаракат қилишини, насиҳатлар, яхши гаплар билан ўғит беришини Орифга маслаҳат берди.

Таскин беришга ҳаракат қилди. Охири бахайр бўлиши учун биргаликда дуо қилайлик, деди.

Оқшом бу воқеани эшитган Мунаввархоним жуда ранжиди. Орифдек яхши йигитнинг бошида шундай савдолар бор эканми деб йиғлади, кекса аёл кўрган зулм учун кўз ёш тўкди, қўлларини очиб дуо қилди.

Бу воқеадан сўнг уч кун ўтгач Ориф Мустафога бундан-да қайғулироқ хабарни етказди:

— Уч кун-ки онам нонуштага чиқмади. Мен ухляпти деб ўйлаб уйғотгани кўзим қиймасди. Бугун тонгда яна турмагач кўнглимга шубҳа оралади. Ажабо, онам уйғоқ бўлса ҳам ёнимга чиқмаяптимикин, деб хонасига бордим, эшикни секингина тақиллатиб:

— Она, она, — деб чақирдим. Жавоб бўлмади. Яна эшикни тақиллатдим, чақирдим, яна жавоб бўлмади. Учинчи марта тақиллатмоқчи эдим, хонамизнинг эшиги очилди, хотиним:

— Онанг у ерда эмас, — деди.

Ҳайрон бўлдим:

— Қаерда бўлмаса? — дедим ва хона эшигини очдим. Ҳақиқатдан ҳам ҳеч ким йўқ эди. Ётоқ олиб ташланган, уй бошқача жиҳозланган эди. Ҳеч нарсани англай олмадим. Хотинимга қараб:

— Онам қаерда? Нега бу ер бундай жиҳозланган? — дедим.

Хотиним ўта хотиржам овозда:

— Бу ерни меҳмонхона қилдим. Уни бемалолроқ ерга кўчирдим. Ўзига жуда муносиб жойга.

Бу гапларни шу қадар сокин, хотиржам гапирар эдики, ҳайрон қоласан. Гўёки, уйдаги бир стулнинг ўрнини алмаштирганини айтаётгандек бефарқ эди. Уйда онам учун бу хонадан қулайроқ жой йўқ эди. Учинчиси ўтирадиган хонамиз эди.

— Қаерда?

— Юринг, — деб кўлимдан тутди. Шунда миямда чақмоқ чаққандек бўлди. Сўз билан таърифлаб бўлмас изтироб туйдим. Мени нарвон томон бошламоқда эди. Нарвон билан чиқиладиган ягона жой чордоқ эди. Сабр косам тўлган эди. Шўрлик онаизоримни кўриш учун тишимни тишимга босдим, чидадим. Нарвонга тирмашдим:

— Шу ердами?

Ҳа, дегандек бошини қимирлатди.

— Қачон кўчирдинг?

— Идишини алоҳида қилган кунимиз ўрнини ҳам кўчирган эдим.

Ортиқ кута олмадим. Тезда нарвондан кўтарилиб, эшикни очдим. Чанг ва моғорли ҳаво димоғимга урилди. Кўзларим кўниккунча кута олмадим.

— Она, она, деб чақирдим. Кўрпанинг остидан овоз келди:

— Нима дейсан, болам?

Онамнинг овози эди. Ичкарига юрдим. Кўрган манзарам шундай эди: онам ўринда, устига кўрпани тортган, орқасини эшикка ўгириб ўтирар эди. Кўрпатўшак зўрға сиғадиган жой наридан-бери тозаланган, синган ашқол-дашқоллар бир томонга суриб қўйилган, атрофи чанглигидан оёқ босиб бўлмайдиган ҳолга келган бу ифлос ер онам учун ётоқхона, хотинимнинг таъбири билан айтганда, муносиб хона бўлган эди.

Турганида бошини эгмаса шифтга тегар, йиллар бўйи йиғилган чанг ва моғордан бошқа фазилати бўлмаган чордоқ эди, онамга лойиқ кўрилган жой. Кўзларимдан қуйилган ёшларни артиб:

— Она, бу ерда нима қиляяпсиз? Қани, пастга тушайлик, — дедим. Бошини ҳам бурмасдан:

— Сизлар пастда яшайверинглар. Бу ерда бемалолроқман, менга шу ер қулай, — деди. Овози синиқ эди.

— Нега менга айтмадингиз, она? «Менга шу ерда ёт деяпти», деб нега айтмадингиз?

— Нега айтай, ўғлим. Ўзинг: «Мен айтсам яхши бўлмайди. Сен айт, онам овқатини алоҳида есин, пастда ҳам ётмасин. Менинг хабарим йўқдек чиқаверсин. Меҳмон келганда сиқилишиб қоламиз. Мен айтсам хафа бўлади», дебсан-ку, — деди.

Кейин чуқур хўрсиниб:

— Шунақа, ўғлим, — деди. — Бир пайтлар жажжигина гўдак бўлганинг, мени тонг саҳаргача ухлатмаганларинг, юзингга бирорта пашша қўнмасин, деб соатлаб қўриганларимни билмаганлигинг учун шундай қилсанг ранжимайман. Шу ёшга келгунигча бир оғиз ёмон сўз айтдимми? Сени ўртоқларингдан уяладиган ахлоқ билан улфайтирдимми? Ёки жомеларда домлалар онангизни шу куйга солинг, деб насиҳат берадимми?

Қўлини кўтариб кўз ёшларини артди ва давом этди:

— Нима қилай. Мадомики, ўғлим мени кўришни истамас экан, мен ўғлимга ортиқча юк бўлаётган эканман, бунинг ҳам чораси топилар. Икки-уч кундан сўнг Аллоҳ ўлим юборар, хор-зор бўлмасман, деб чидайман. Сен ишингга боравер, ўғлим. Яхши бор. Аллоҳ ишингни ўнгласин. Сени икки дунёда уялтирмасин. Эртанг бугунигдан яхши бўлсин. Фақат оқшомда менга бир лампа олиб кел. Тунда қоронғу бўлади, атрофни кўра олмаяпман.

Онамнинг бу сўзларини эшитиб қандай аҳволга тушганимни тасаввур қила олмайсан. Мен ҳам таърифлаб бера олмайман.

— Туринг, она, сизнинг бу ерга кўчганингиздан хабарим йўқ. Мен унга кўрсатиб қўяман, туринг, — дедим.

— Турмайман, ўғлим. Бор ишингга боравер. Сизлар пастда бахтли бўлсангиз, мен учун бу ерда яшаш — саройларда яшашдан афзалдир. Сен саодат ичида яшасанг, мен учун энг катта саодат шудир.

Пастга қараб бақирдим:

— Сароб!

Мени юқорига чиқариб, ўзи пастга тушган эди.

- Ҳа, Ориф!
- Бу ёққа кел!

Сароб келди.

– Менга қара, – дедим. – Разиллик устига разиллик қилаяпсан. Мен қачон сенга «онам шу ерда ётсин» дедим?

Хотинимнинг авзойи бирданига ўзгарди:

– Нима қилайлик Ориф? Менга меҳмонхона керак. Ҳайҳотдай хонани қайнонагинам эгаллаган, мен меҳмонлар қаршисида хижолатдаман. Бундай нарсаларга ортиқча эътибор бериш ярамайди. «Ўғлингиз шуни истайди», деб хато қилдимми? Ёки кемшик бир кампирни деб мени ранжитасанми? Ўшанда айтмаган бўлсанг, энди айт.

Кейин онамга юзланди:

– Мана, ўғлингнинг ўзи айтаяпти. Мендан айб қидирма. Бундан кейин сенинг жойинг шу ерда. Овқатингни ҳам шу ерда ейсан.

Менга қараб:

– Тўғрими, Ориф, гапирсанг-чи? – деди.

Миямга қон қуйилган эди. Шаллақиликнинг, одобсизликнинг бу даражасини ҳеч ким кўрган эмас. Шиддат билан ҳайқирдим.

– Тезда тўшакни йиғиштир. Онамни ўз қўлинг билан хонасига жойлаштир, – деб буюрдим. Мени эшитмади ҳам:

– Нега тушар экан? Менинг уйимда қолишга қайнонамнинг нима ҳаққи бор? Чордоқнинг нимаси бўлмас экан? – деб бақирди.

Онамга тегишли уйга келган келиннинг уни чордоқда яшашга мажбур қилиши ақлга сиғмасди.

– Кўрсатиб кўяман сенга, тез тўшакни йиғиштир, – деб у томон юрдим.

– Мен кўтара олмайман. Ким келтирган бўлса ўша кўтарсин. Мен бу ерда қайнонага чўри эмасман. Асранди хизматкор ҳам эмасман, – деб жавоб берди.

Демак, шўрлик онаизорим ўз уйида шундай ҳақоратланиш устига кўрпа-тўшакни олиб чиқишга ҳам мажбур қилинган. Ортиқ тоқат қилолмадим. Хотинимга ташландим, уч-тўрт шапалоқ туширдим. Нима қилаётганимни билмас эдим. Онамнинг кўлимдан ушлаши билан ўзимга келдим.

— Қўй, ўғлим. Мени яхши кўрсанг, бас қил. Худо ҳаққи, бас қил, — дерди.

Тўхтадим. Кейин тўшакни олдим ва пастга туширдим. Хонасига ёйдим.

— Озгина ҳурматсизлик қилса менга айтинг, — дедим.

Уйдан чиқдим. Қайнотамни қидириб топдим, воқеани айтиб бердим. Охирида:

— Сизнинг онангизга шундай қилишса нима қилган бўлардингиз? — деб сўрадим.

— Аввало яхшилаб дўппослардим деди.

Мен ҳам шундай қилганимни айтдим.

— Кўлинг дард кўрмасин, яхши қилибсан, ўғлим, деди. Сўнгра:

— Сен туш пайтида уйда бўл. Мен жомедан чиқишим билан сизларникига бораман. Бу ишни шундай қолдириб бўлмайди, деди. Қайнотам тушдан сўнг етиб келди. Бироз суҳбатлашдик. Кейин менга:

— Рухсат берсанг, Сароб билан хонангизда гаплашсам, деб ўрнидан турди.

Сароб қовоқ-тумшугини осиб унинг ортидан эргашди. Ярим соатча гаплашдилар ва қайтиб келдилар. Қайнотам менга: «Масала ал», дегач, қизига:

— Такрор айтаман, қизим. Инсон яхшилик қилган пайтида инсондир. Сендан бу уйда инсон бўлишингни кутаман. Сен бу инсоний ҳаракатни бажаришга, катталарни ҳурмат қилишга, эрингга итоат этишга мажбурсан. Қиласан. Яхшилик билан қилмасанг, қандай йўл тутишимни жуда яхши биласан. Сен бугун қайнонангга ёмонлик қилсанг, эртага сенинг бошингга ундан ёмони келади. Сен бу ерда яхши яшасанг, менинг кўнглим кўтарилади, хурсанд бўламан. Бизнинг уйимизга

келган келин сенинг қилганларингни онангга қайтаришини истасанг, сен ҳам давом эттиравер. Лекин шуни унутмаки, қизимнинг боши мажақланса ҳам қайнонасининг дили оғришига рози бўлолмайман. Бундан кейин шунга кўра иш тут.

Қайнотам шундан сўнг қизига:

— Олдимга туш, онангнинг қўлини ўпиб узр сўраб, ярашасан, — деди.

Турдик. Биргаликда онамнинг хонасига кирдик. Қўлини ўпди. Қайнотам қизининг ишларидан хижолатда эканини, бундан кейин бундай одобсизлик қилмаслигига кафил эканлигини, қизининг отасини уялтирмаслигини айтди, рухсат сўраб хонадан чиқди.

Ориф:

— Мана, оғайни, бу иккинчи воқеа. Турмуш қурганимизга ўн саккиз кун бўлди. Кўрайлик-чи, отасининг бу танбеҳ, насиҳатлари қор қилармикин, — дея сўзини тугатди.

Оқшом чўкаётганди. Улар ўринларидан турдилар ва йўл бўйлаб пастга туша бошладилар.

Х

Абдуллоҳ икки ойлик бўлган эди. Мунаввархоним бу икки ой ичида енг шимариб ишга шўнғиди, таъбир жоиз бўлса, унинг келинига айланди. Аслида Аминанинг ойкуни яқинлаша бошлагач, ишларни биргаликда бажаришар, ҳатто баъзи кунлар:

— Бўлди, Амина, сен бугун бироз дам ол, уриниб қолма, — деб бирор ишни бажаргани қўймас, унинг:

— Она, ҳамма иш сизга қоладими? — деган сўзларига эътибор бермас:

— Сен бугун қайнонасан. Қайноналар иш қилмайдилар. Сен ўтир, ўтирган жойингда қиладиган ишинг бўлса қил, — деб ўтқазиб қўярди.

Бола туғилганидан сўнг тунлари ухлай олмаган Амина Мунаввархонимнинг шарофати билан кундузи ухлаб олар эди. Уйдаги ишларни бирга битиришгач:

— Амина, навбатни менга бер. Сен кечалари ухлолмаяпсан, — деб Абдуллоҳнинг бешиги ёнига ўтирар, гул юзли набирасининг бешигини тебратар эди. Бу орада Амина тунги бедорлик ўрнини тўлдиришга ҳаракат қилар эди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Мунаввархонимнинг бу инсоний ҳаракатлари, Аминани келин эмас, қиз ўрнида кўришлари, доимо тушунишга ҳаракат қилишлари Аминани асло талтайтирмади. Унинг бу эзгулигидан ёмонлик йўлида фойдаланишни хаёлига ҳам келтирмади. Ҳамма ҳам шундай йўл тутадими? Кўрган яхшилигига яхшилик билан жавоб қайтарадими? Ёхуд ҳар бир келин қайнонасидан яхши муомала кўрса, қайнонаси унга ўз онасидек муносабатда бўлса, буни қадрлаб, онасига кўрсатадиган ҳурматни қайнонасига ҳам кўрсата оладими? Ҳамма келинлар шундай бўлади, дея олмаймиз. Келинлик фазилатлари яхши, осуда ҳаёт гаровигина эмас, нақадар фойдали эканини минглаб қизлар идрок этишса, минглаб оила ҳузур-ҳаловат топади. Амина она шундай қизлардан бири.

Агарда Амина Мунаввархонимдек эмас, унинг нақ акси бўлган қайнона қўлига тушса нима қилган бўларди?

Унга ҳам Мунаввархонимга қилган хонимлигини, олижаноблигини кўрсатиб, бугунги Амина бўла олармиди? Бунга жавоб бериш мушкул. Унда ҳар бир қизни борган ерини гулзорга айлантирган Мунаввар деб тасаввур қилиш керак. Қизлигида, келинлигида, қайноналигида, ҳар бир ҳолида гуллар каби дилтортар, зилол сувдек тиниқ, ўн тўрт кунлик ойдек сокин ва мағрур Мунаввар... Ёшлиги кексалигидан гўзал, кексалиги ёшлигидан нуроний, бутун ҳаёти одоб пардаси билан ўралган, ҳар бир ҳаракати самимият билан йўғрилган Мунаввар... Ҳар бир қиз шундай бўла оладими? Ҳаракат қилса, бўла олади. Амина ҳам шундай аёл бўлиши учун қайнонасида ўрнак олади. Гўёки инсоният боғида очилган атиргул ва унинг бағридан чиқиб очилмоққа чоғланган бир гунча...

* * *

Амина бир куни Абдуллоҳни ҳеч овутолмади, унга бақаришга мажбур бўлди.

— Қизим, бола бақаришни қайдан тушунсин? Бизга айтолмаётган бир дарди бордир, — деди Мунаввархоним.

Бир оқшом Мустафо қўлида тарвуз билан ичкарига кирди. Онам чанқагандир, ифторликда муздай тарвуз едирай, дуосини олай деб сотиб олган эди. Лекин тарвузни сўйганида ҳафсаласи пир бўлди. Тарвуз хом чиқди. Юраги сиқилди. Ҳам пул бекорга сарфланган, ҳам онасининг кўнглини ололмаган эди. Дардини онасига айтганида Мунаввархоним:

— Хафа бўлма, ўғлим, Аллоҳ сендан рози бўлсин. Мени хурсанд қилай деб олдинг-ку, шунинг ўзи етарли. Мен хурсандман, — деб таскин берди.

— Аммо пул ҳам бекорга кетди, она.

— Бунда ҳам бир хайр бордир, ўғлим.

— Бунда қандай хайр бўлиши мумкин? Бекордан-бекорга пул кетиши хайрми?

— Ҳозир сен истасанг ёки мен, Мустафо, менга яна битта тарвуз келтир, десам бориб олишга пулинг етади, тўғрими?

— Худога шукр, она, етади.

— Ҳолбуки, оқшомгача ҳаракат қилиб, уриниб, бор-йўқ топганини кундалик егуликларга еткиза олмайдиган қанчадан-қанча одамлар бор, агар бу тарвузни улар олганларида бориб бошқасини ололмас эдилар. Ҳеч бўлмаса, қўлида беш тангаси бўлмаган фақирга дуч келмасдан сенга келганига шукр қил. Ўзи фақир ва хаста бир кишиси ҳам бўлса, нима қиларди у шўрлик?

Мустафо бошини эгди ва олдин айтган сўзларидан хижолат чекди.

* * *

Бу уйда Аминанинг диний, ахлоқий билимлари ҳам ортмоқда эди. Чунки жума ва якшанба оқшомлари Мунаввар хоним Мустафодан:

— Ўғлим, бугун имом жомеъда нималар деди? Эсингда қолганларини гапир, биз ҳам бирон нарса ўрганайлик, — дер, Мустафо хотирасида қолганларини айтиб берар эди. Ҳатто шу важдан айтилганларни жон қулоғи билан тинглар, уйда эшитганларини англатар, шу тариқа Мунаввархонимнинг ҳам, Аминанинг ҳам диний ва ахлоқий билимлари ортар эди. Мунаввархоним эшитиш билан қаноатланмас, буларни қандай амалга ошириш ҳақида узоқ-узоқ ўйлар эди. Аввал айтганимиздек, унинг инсоний тутумларида энг буюк ҳисса тушунчаларига оид эди. Кўрганларини бир воқеада, демасдан ахлоқий жиҳатдан баҳоларди.

* * *

Чўрумда Арафа кунлари қабристонлар зиёрат қилинади. Ўтганлар руҳига фотиҳа ўқилади. Ўша куни эрта тонгдан то кечгача сон-саноксиз эркак-аёл қабристонга келиб-кетади.

Мунаввархоним Мустафога Арафадан бир кун олдин:

— Ўғлим, бугун қабристонга бориб, ўтганлар руҳига фотиҳа ўқийлик. Асрдан кейин келиб бизни олиб бор.

Мустафо:

– Хўп бўлади, она, – деб жавоб берди.

Кейин эсига тушиб қолгандек сўради:

– Арафа эртага-ку, эртага борсак-чи?

– Эртага ҳамма боради, ўғлим. Одам тўлиб кетади.

Бемалол зиёрат қилиб бўлмайди. Биз бугун борайлик.

– Бўпти, она. Нима десангиз шу.

Мустафо тайинланган вақтда келди. Мунаввархоним ва Амина ҳозир эдилар. Абдуллоҳга қўшни аёл қараб турадиган бўлди. Биргаликда йўлга чиқдилар. Мунаввархоним Мустафони тўхтатди. Секин шивирлади:

– Шу ерда ўқийлик, кўп ичкари кирмайлик.

Мустафо овозини чиқармади. Девор тагига ўтириб ўқий бошладилар. Бир дақиқадан сўнг кўзлар юмилган, кўнгиллар гўёки дунёдан узилган эди. Қаршиларида тупроқ ва тошдан иборат бир уюм бор эдики, кечагина ҳаёт бўлган инсонларни ифода этар эди. Бу ерда не-не мард йигитлар, қаҳрамонлар дафн қилинган эдилар. Ораларида фазилатдан бошқа нарсадан кўл тортган, яхшиликдан бошқа йўлга бирон одим отмаган ҳурматли инсонлар бор эди. Яна булар орасида умрини ёмонлик йўлида сарфлаган, бирор кишига нафи тегмаган кишилар ҳам бор. Дунё тегирмони уларни шундай янчган эдики, ҳар иккаласидан ҳам олдин яшаганликларига ягона гувоҳ бўлган чириган суяклардан бошқа ном-нишон қолмагандир.

Зиёратчилар фотиҳаларини ўқир эканлар, кўзлари ўнгида ачинарли манзара жонланган эди. Она сутига тўймаган, ҳатто она юзини кўрмаган гўдаклар, дунёдан, дунёдаги ҳамма нарсадан тўйган, ягона истаги ўлим бўлганлар хаёлларига келди. Келинлар либосида дунёга видо айтган қизлар, бир дақиқа яшаши учун хазиначилар сарф этилган нозанин вужудлар, етим-есирларини оч-яланғоч қолдириб келган бағри куйик оталар, оналар қаршиларида намоён бўладилар. Бир сўз билан дунёга ҳукмини ўтказган султонларнинг эгнига кийгани ямоқ кўйлаги ҳам бўлмаган фақирлар билан айни ҳолдаги

ҳазин аҳволи кўз олдиларига келди. Золим ва мазлум, олим ва жоҳил, султон ва қул бу ерда ёнма-ён ётар эди. Дунё бозоридан бир кафан олиб келган, икки йўқлик орасидаги ўткинчи борлиққа ишониб, мағрур юрганларнинг юрти эди бу ер.

Бу тупроқда яхши яшаган хайрли инсонларнинг гуллардан хушбўйроқ, мушку анбардан ҳам муаттарроқ ҳиди билан ёмонликдан бошқа нарсани билмаганларнинг жирканч ҳидларининг бирлашишидан ҳосил бўлган ғалати ҳид бор эди. Бу ерда ҳозирдаёқ жаннат ҳаётини яшаётган, дунёнинг турли лаззатларини кўпдан унутган, қабрида маънавий салтанат ҳукм сурган толеи баланд саодат аҳли, мўминлар бор. Яна бу ерда чеккан азоблари зўридан ҳайқириғи фалакка қадар чиққан, саси дунёни тўлдиргучи неча гуноҳкорлар борки, кўрганлар уларни уйқудалар, деб ўйлайдилар.

Ҳар дақиқада ўтган-қайтгандан фотиҳа умид қилиб, денгизга тушган ночор кишидек мадад кутган бу жамоатга ўқилган фотиҳалар ва қилинган дуолардан сўнг Мунаввархоним кўзларини артди ва Мустафога:

— Кетайлик энди, — дегандек қаради.

Мустафо ўрнидан турди. У олдинда, икки аёл орқада, секин-аста қабристонни тарк этдилар. Оғир қадамлар билан уйга томон юрдилар. Уйдан чиққанларига эндигина қирқ беш дақиқа бўлган эди. Абдуллоҳ бешикда тинчгина ухламоқда эди.

* * *

Байрам ҳеч бир келин билан қайнонани Мунаввархоним билан Аминанинг ўртасидаги самимият даражасида яқинлаштирмаган. Мустафо ҳайит намозини ўқиб жомеъдан қайтгач одатга кўра, бир-бирларни қутладилар. Мунаввархонимнинг қўлини эҳтиром билан ўпган Амина, сўнг бир-бирини кучоқлаган бу икки аёлни, аслида қайнона-келин эканликлари ҳеч кимнинг, ҳатто Мустафонинг ҳам хаёлига келмайди.

Табриклагани келган бир-икки қариндош билан дийдорлашгандан сўнг Мунаввархоним Мустафога:

— Мустафо, сен энди Юсуф афандиникига бор. Қўлини ўп. Саломимни етказ. Байрам билан қутла. У ердан Аминаларникига ўт, кечқурун боришимизни айт. Ундан кейин истаган жойингга бор, — деб жўнатди. Уйда байрам шукуҳи ичра икки аёл ва уйнинг қувончи Абдуллоҳ қолди.

Асрдан сўнгги сарин шабада шохларни секин-секин қимирлатар экан, Абдуллоҳ уйқудан уйғониб, кўзларини очди. Эшик тақиллади, Али келганди. Ёши улуғларни зиёрат қилган, дуоларини олган, қариндошларга онаси ва янгасининг саломларини етказган, жажжи Абдуллоҳнинг соғлиги ҳақида хабар берган эди.

— Она, бугун яхшигина чарчадим, — дер экан, онасининг унинг бошини силаган кўлидан ушлади, такрор-такрор ўпди. Шу орада уларга қараб турган Аминанинг кўзлари унинг бўйнидаги куйишдан қолган изларга тушди. Изтиробли хотира жонланди. Янгасига нисбатан ёмонлик ҳис қилмасин, деб бутун айбни ўз бўйнига олган, буни бугунгача бирор кишига сездирмаган фазилат обидаси бўлган онанинг чизган манзараси бир лаҳзада кўз ўнгига келди. Бу воқеадан сўнг бир ҳафта юз тубан ётган, тез-тез инграган бу боланинг ўша пайтдаги ҳолини ўйлади...

— Она, эшик тақиллади.

Али шундай дея эшикка югурди.

Мустафо келган эди.

— Она, борган жойларимда саломингизни етказдим. Аминаларникига ҳам кирдим. «Кечки овқатда, албатта кутамиз», дедилар. Нима дейсиз?

Мунаввархоним:

— Жуда ҳам яхши, таклиф этишаётган экан, бориш керак. Амина, Абдуллоҳни кийинтир, йўлга чиқайлик.

Ўн беш дақиқадан сўнг, қуёш ботишга ҳозирланар экан, Абдуллоҳ оғзида сўргич, бобосининг қўлини ўпиш учун бувиси кучоғида йўлга чиққан эди.

Чўрум шаҳри 28. 8. 1969. Жума.

Қайдлар учун

4000 с.м.

Дунё адабиёти хазинасидан

Аҳмад Лутфи Қозонжи

ҚАЙНОНА

роман

Иккинчи нашр

Таржимон: Йўлдош Эшбек
Муҳаррир: Адиба Ҳамро қизи
Техник муҳаррир: Муҳриддин Ҳамроев
Мусахҳиҳ: Дилшода Аввалбоева

Нашриёт лицензияси АИ № 221 – 16.11.12.
Теришга берилди: 11.02.13. Босишга рухсат этилди: 09.04.13.
Бичими: 60x84 1/16. Таймс гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма тобоғи: 10,0. Нашриёт-ҳисоб тобоғи: 8,25.
Адади 1000 нусха. Буюртма 08-13.
Баҳоси шартнома асосида.

«Yurist-media markazi» нашриёти,
Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 82-уй.
Тел.: 230-04-74, (+99894) 181-27-80
E-mail: yurist_media@mail.ru

«TONG PRESS PRINT» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Уста Олим кўчаси.